Ҳ.РАҲМОНҚУЛОВ

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

"АДОЛАТ"

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ

Х. РАХМОНҚУЛОВ

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Тошкент
«Адолат»
2000

67.99(5У)32

Р. 33

Рахмонқулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси. – Т.: Адолат, 2000. – 176 бет.

ББК 67.99(5У)32

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Таҳририят-ноширлик кенгашида маъқулланган

Китоб фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири бўлмиш олди-сотди шартномаси ва унинг турларини таҳлил этишга бағишланган. Муаллиф ушбу мавзуни баён этишда бозор муносабатлари шароитида қабул қилиниган қонунлар, хусусан Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар ва конвенцияларнинг қоидаларига асосланган.

Ҳуқуқ ва иқтисод соҳасидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, аспирантлари ва ўқитувчиларига, суд, прокуратура, адвокатура, нотариат ва бошқа ташкилотларнинг ходимларига, тижоратчи тадбиркорлар ва товар истеъмолчиларига мўлжалланган.

Тақризчилар: юридик фанлар доктори, проф. Б. И. Ибратов;
юридик фанлар номзоди, проф. Р. К. Каюмов.

Р 1023021100-002 эълонсиз-2000
(04)-2000

433635

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2000.
© «Адолат» нашриёти, 2000.

SamKI
KUTUBXONA

КИРИШ

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда сезиларли натижалар қўлга киритилмоқда. Бунда сўнгги йилларда қабул қилинган ва Ўзбекистоннинг сиёсий тизими, давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётини тартибга солишга ҳамда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган қонунлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тузуми ва иқтисодий негизи унинг Конституциясида ўз аксини топди. Конституциянинг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдардаги мулкчилик муносабатлари ташкил этади. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқининг устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини барпо этувчи бир қанча қонунларни қабул қилди. Улардан асосийлари мулкчилик, тадбиркорлик, давлат мулкини хусусийлаштириш, корхоналар, кооперативлар, банклар, солиқлар, инвестициялар, ташқи иқтисодий алоқаларга доир қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «Мустақиллик йилларида республикада халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Биз тоталитар тузум ҳукмронлигидан воз кечдик. Одамнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан, шунингдек, мулкчиликнинг ҳамма шаклларидаги маъмурий хўжалик тузилмалари билан хил-

ма-хил муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари сари дадил қадам ташладик!»[1].

Бозор муносабатларини тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган қонунлар ичида Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 1 март кунидан бошлаб кучга кирган Фуқаролик кодекси алоҳида ўрин тутади. Ушбу Кодекснинг юридик адабиётда «бозор муносабатларининг конституцияси» деб тан олиниши бежиз эмас, чунки у бозор иқтисодиётига хос товар-пул шаклидан иборат ва ҳақ эвазига амалга ошириладиган, иштирок этувчилари тенг ҳуқуққа эга бўлган эркин мулкий муносабатларнинг асосий қоидаларидан ташкил топади.

Фуқаролик кодекси ўқув юртларида ўқитиладиган фуқаролик ҳуқуқи фанининг махсус манбаидан иборат. Ўқув юртлари учун тавсия этилаётган мазкур қўлланма фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири бўлмиш олди-сотди шартномасига бағишланган. Қўлланма янги Фуқаролик кодекси ва бозор муносабатларини қарор топтириш, тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон қўшилган ёки имзолаган халқаро шартномалар ва конвенциялар асосида тайёрланган. Унда олди-сотди шартномасининг бозор иқтисодиёти шароитида тутган ўрни, аҳамияти, турлари, мазмуни, шартлари, уни тузиш тартиби, шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда вужудга келадиган ҳуқуқий оқибатларга оид масалалар мукаммал ёритиб берилган.

Илгариги вақтларда олди-сотди шартномасига ҳозиргичалик катта эҳтиёж бўлмаган, маҳсулотлар, товарлар қатъий режа асосида тақсимлаб келинган. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва эркин иқтисодий муносабатларга йўл очилиши туфайли, олди-сотди шартномасига

---

[1] *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 201-б.

бўлган муносабат ўзгарди, у том маънода ўз мавқеига эга бўлди. Ҳозирги бозор шароитида олди-сотди шартномаси тўғрисида тушунчага эга бўлиш, унинг хусусиятларини ўрганиш талабалар учун ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари учун ҳам, адвокатлар, юридик хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи шахслар ва тадбиркорлар учун ҳам жуда зарур.

Ана шу талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор Ҳ. Раҳмонқулов томонидан Ўзбекистонда биринчи бор тайёрланган мазкур китоб бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тушунмовчиликларни бартараф қилиш, ноаниқликларни аниқлаштиришга хизмат қилади ва олди-сотди шартномасини тузиш билан боғлиқ масалаларга тўқнашадиган барча китобхонлар учун яхши қўлланма бўлади, деб ўйлаймиз.

Айни пайтда китобхонларнинг фикр-мулоҳазалари китобнинг кейинги нашрларини такомиллаштиришда ёрдам беради, деган умиддамиз ва бу хусусдаги хат-хабарларингизни кутамиз.

Юридик фанлар доктори,
профессор У.ТОЖИХОНОВ

I *боб.* ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

1-§. Олди-сотди шартномаси, унинг белгилари ва турлари

Олди-сотди шартномаси фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан ҳисобланади. Ўтмишда олди-сотди шартномасининг қўлланиш доираси унча кенг бўлмаган. Чунки социалистик хўжалик тизими даврида иқтисодий муносабатлар эркин эмас эди, маҳсулотлар давлат белгилаган қатъий режа асосида ишлаб чиқарилар ва тақсимланарди. Олди-сотди шартномасининг мавзуи (предмети) асосан моддий-маиший аҳамиятга эга бўлган товарлардан иборат бўлиб, сотувчи сифатида давлат ва кооператив ташкилотлар, сотиб олувчи сифатида эса фақат фуқаролар иштирок этишлари мумкин эди. Давлат ташкилотлари, муассасалари идораларида иш юритиш учун зарур бўлган ёрдамчи воситалар (қоғоз, қалам, сиёҳ, ручка каби канцелярия товарлари)нигина сотиб олиш ҳуқуқига эга эдилар. Олди-сотди шартномаси, шунингдек, жамоа хўжалигидаги хонадон томорқасида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорга чиқаришда ҳам қўлланиларди. Сотиб олинган товар, маҳсулотга нисбатан шахсий эгалик ҳуқуқи юзага келар, шахсий мол-мулк эса фуқаролар ўртасидаги олди-сотди муомаласидан деярли четлатилган эди.

Олди-сотди шартномасининг ривожи унинг иқтисодий манбаи бўлган мулк билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасига мувофиқ, «Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади... Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир». Конституцияга асосан, жамиятда хусусий мулкнинг жорий этилиши ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан бошқа мулк шакллари билан баббаравар муҳофаза қилиниши бозор муносабатларининг таркиб топишига ва иқтисодий муносабатларнинг эркин ривожланишига асос солди ва бу, ўз навбатида, ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий шакли бўлмиш олди-сотди шартномасидан кенг кўламда фойдаланиш учун имконият яратди.

Эндиликда олди-сотди шартномасининг мавзуи мулкчиликнинг турли шаклига мансуб бўлган мол-мулкдан, ашёлардан (масалан, ишлаб чиқариш воситалари, чунончи, корхоналар, кўчар ва кўчмас мол-мулклар, истеъмол хусусиятига эга бўлган ва бўлмаган ашёлардан ва ҳ.к.) ҳамда уни тузишда қатнашувчи тарафлар, яъни фуқаролардан ҳам, юридик шахслардан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Жамият ривожининг у ёки бу босқичида шаклланган муайян ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг хусусиятлари, хўжалик юритиш тизимида тегишли принципларга амал қилиниши олди-сотди шартномасига тааллуқли қонунларнинг мазмуни ва моҳиятини белгилашда ўз таъсирини ўтказади. Масалан, 1963 йилда қабул қилинган Ўзбекистоннинг Гражданлик кодексида* олди-сотди шартномасига 15 модда (256–271-моддалар) бағишланган бўлиб, унда ўша даврдаги иқтисодиёт соҳасида қўлланиб келинган маъмурий-буйруқбозлик методига хос қоидалар ўз аксини топган эди. Ушбу қоидаларнинг кўп қисми императив (қатъий буйруқ) хусусиятга эга бўлиб, улар воситасида тартибга солинадиган муносабатлар доираси аниқ белгиланган эди ва улардан четга чиқиб кетмаслик талаб қилинарди. Масалан, фуқаролар шартнома бўйича деҳқон хўжалигида фойдаланиш учун зарур бўлган майда қурол-аслаҳалар (кетмон, бел, болта ва ҳ.к.) сотиб олишлари мумкин эди. Фуқаронинг трактор ёки юк автомашинаси сотиб олишига йўл қўйилмасди. Агар фуқаро оиласи билан битта турар жойга эга бўлса, яна бошқа бир (иккинчи) турар жойни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлмас эди. Маълум сабабларга кўра (мерос, ҳадя ва ҳ.к.), иккинчи турар жой пайдо бўлиб қолгудек бўлса, бу ҳол бир йил давомида қонунда назарда тутилган тартибда бартараф қилиниши лозим бўларди (ГКнинг 120-м.).

Ўзбекистоннинг амалдаги Фуқаролик кодексида** олди-сотди шартномасига 50 та модда (386–436-м.м.) бағишланган. Ушбу моддаларда бозор муносабатлари шароитида

---

* Бундан буён қисқартирилиб, ГК тарзида берилади.

** Бундан буён қисқартирилиб, ФК тарзида берилади.

қўлланиши зарур бўлган ва иқтисодиётни бошқаришнинг демократик принципларига асосланган қоидалар ўз аксини топди. Моддаларнинг мазмунини ташкил этувчи қоидалар асосан диспозитив хусусиятга эга бўлиб, уларда шартнома тарафларига қонунда назарда тутилган ёки тутилмаган, яъни фуқаролик ҳуқуқининг моҳиятидан ёхуд иш муомаласи одатларидан келиб чиқиб, у ёки бу қоидани танлаш ва қўллаш учун кенг эркинлик берилади.

ФКнинг 386-моддасига кўра, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи)га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади.

Мазкур модданинг мазмунига кўра, бир тараф товарни сотувчи, иккинчи тараф эса ушбу товарни сотиб олувчи ҳисобланади. Асосий мақсад товарга бўлган эгалик ҳуқуқини сотувчидан харидорга ўтказишга қаратилган бўлади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун улар ўзаро мажбурият оладилар. Сотувчининг мажбурияти товарни сотиб олувчига топширишдан иборат бўлса, сотиб олувчининг мажбурияти товарни қабул қилиб олиш ҳамда унинг учун белгиланган ва келишилган пул суммасини (баҳосини) тўлашдан иборат.

Демак, олди-сотди шартномаси қуйидаги белгилари билан ифодаланади:

1. Олди-сотди шартномаси икки томонлама шартномалар туркумига киради. Шартнома юзасидан тарафларнинг ҳар қайсисида муайян ҳуқуқ ва тегишли мажбурият пайдо бўлади. Сотувчи товарни топшириш мажбуриятини олади ва бунинг учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади. Сотиб олувчи эса товарнинг қийматини тўлаш мажбуриятига ва сотилган товарнинг ўзига топширилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

2. Олди-сотди шартномаси консенсуал хусусиятга эга, чунки тузилган шартнома билан уни ижро этиш муддатлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос келавермайди. Шартнома

бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар, унинг қачон бажарилишидан қатъи назар, у тузилган пайтдан бошлаб юзага келади.

3. Олди-сотди шартномаси ҳақ эвазига тузиладиган шартномалардандир, яъни сотиб олувчи қабул қилиб олинган товар учун белгиланган ва келишилган пул суммасини (баҳосини) тўлаши керак.

4. Олди-сотди шартномасини тузишдан кўзланган асосий мақсад – товарга бўлган эгалик ҳуқуқини сотувчидан сотиб олувчига ўтказиш.

Олди-сотди шартномаси бўйича товарга бўлган эгалик ҳуқуқи ўзгармай қолиши ҳам мумкин. Сотувчи ва сотиб олувчи хусусий мулк ҳуқуқининг ёки турли шаклдаги, яъни хусусий ва оммавий мулк ҳуқуқининг субъектларидан бўлса, сотилган товарга нисбатан эгалик ҳуқуқи ўзгаради, у сотувчидан сотиб олувчининг ихтиёрига ўтади. Агар сотувчи ҳам, сотиб олувчи ҳам мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлмаса ва ўз фаолиятини ўзига бириктириб қўйилган оммавий давлат мулки асосида амалга оширса, олди-сотди шартномаси бўйича сотилган (ўтказилган) товарга нисбатан хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлади (ФК 71, 72 ва 176–181-моддаларига қаралсин).

Қимматли қоғозлар ва валюта қимматликлари фуқаролик ҳуқуқи объектларининг турларидан иборат (ФКнинг 81-м.). «Қимматли қоғозлар ва валюта қимматликлари» тушунчаси, уларнинг турлари ва мазмунини ташкил этувчи ҳуқуқлар ФКнинг 95, 96-моддаларида белгиланган. Қимматли қоғозларни олиш-сотишдаги муносабатларга оид олди-сотди битимларини тузиш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда эълон қилинган «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги қонуннинг II бўлими моддаларида назарда тутилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. 5–6-сонлар. 56-м.). Шу билан бирга, валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари, валюта муомаласини тартибга солиш, валюталардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари ва бурчлари, валютани назорат қилиш асослари Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тар-

тибга солиш тўғрисида»ги қонунида белгилаб берилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. 5-сон. 225-м.). Валюталарни нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида олиш ва сотиш, қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобни юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан бошқа операцияларни бажариш ва амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 1996 йил 25 апрель қонунига асосан тартибга солинади (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. 5–6-сонлар. 55-м.). Қимматли қоғозлар ва валюта қимматликларининг бозорини ривожлантириш ва уларни олиш-сотишга доир Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ҳам тегишли тартиб ва қоидалар белгиланган.

Олди-сотди шартномаси мустақил шартнома сифатида айрим тоифадаги турдош (чакана олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти, контрактация, энергия таъминоти, кўчмас мулкни сотиш, корхонани сотиш) шартномалардан ташкил топади.

Турдош шартномалар ўз иқтисодий мазмунига кўра олди-сотди шартномасидан иборат. Уларнинг иқтисодий мазмуни товар-пул шаклида ҳақ эвазига амалга ошириладиган муносабатларнинг маълум бир доирасида махсус мақсадда фойдаланишга қаратилган бўлиши, уларда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари туфайли бир-биридан юридик мазмун жиҳатидан фарқланиши мумкин.

Айрим турдаги товарларни сотиш ва сотиб олишнинг ўзига хос жиҳатлари ФК ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Масалан, олди-сотди шартномасининг чакана олиш-сотиш, маҳсулот етказиб бериш, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш давлат контракти, контрактация шартномалари каби турларининг хусусиятлари ушбу бобнинг уларга бағишланган махсус параграфларида атрофлича ёритилади. Шу билан бирга, улар юзасидан алоҳида қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинган. Масалан,

контрактация шартномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августда қабул қилган қарори билан «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш бўйича контрактация шартномасини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқланди.

Олди-сотди тўғрисидаги умумий қоидалар мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини сотишга нисбатан ҳам қўлланилади (ФК 18–81-моддаларига биноан, мулкий ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади; 39-моддасига асосан, юридик шахслар мулкий ҳуқуқларга эга бўла оладилар; 58-моддасига мувофиқ, мулкий ҳуқуқлар хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг мол-мулкига қўшилган ҳиссаларидан иборат бўлиши мумкин; 267-модда бўйича, мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров предмети бўлиши мумкин; 502-моддага кўра, ҳадя қилувчи ҳадя олувчига мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини бериши ёки бериш мажбуриятини олиши мумкин). Демак, мулкий ҳуқуқларга эга бўлиш ва уларни тасарруф этиш, чунончи, олиш-сотиш турли вазиятларда юз бериши мумкин.

Айрим турдаги олди-сотди (чакана олиш-сотиш, товар етказиб бериш, энергия таъминоти, корхонани сотиш) шартномалари тўғрисида ФКда уларнинг хусусиятларига жавоб берадиган қоидалар етарли даражада назарда тутилмаган бўлса, уларга нисбатан ФКнинг 386–424-моддаларида белгиланган умумий қоидалар татбиқ этилади.

2-§. Олди-сотди шартномасининг предмети, товарнинг миқдори ва баҳоси

Олди-сотди шартномасининг предмети ҳисобланган ҳар қандай мол-мулк, ашё товар бўлиши мумкин. Чунки баҳоси белгиланган ҳолда ҳақ эвазига бир шахсдан иккинчи шахсга эгалик ҳуқуқи билан ўтказилган мол-мулк товар ҳисобланади. Умумий қоидага биноан, товарлар эркин муомалада бўлади. Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса, товарларнинг айрим турлари муомаладан чиқарилган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилган бўлиши мумкин.

Айрим турдаги товарларнинг муомалада бўлишига махсус рухсатнома билан йўл қўйилади (ФКнинг 82-м.).

Олди-сотди шартномаси, биринчидан, сотувчида мавжуд бўлган товарларни айнан шартнома тузиш пайтининг ўзида олувчига топшириш шарти билан; иккинчидан, мавжуд бўлмаган товарларни ишлаб чиқариш, яратиш, тайёрлаш шарти билан; учинчидан, сотувчининг бундай товарларни келажакда сотиб олиб, олувчига топшириши шарти билан тузилган бўлиши мумкин (ФКнинг 387-м.).

Биринчи гуруҳга кирган шартномалар – чакана савдо соҳасидаги шартномалардан, иккинчи гуруҳдагиси – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини контрактация бўйича харид қилиш, саноат маҳсулотларини етказиб бериш билан боғлиқ шартномалардан, учинчи гуруҳ шартномалари – савдо биржалари орқали товарларни сотиб олиш билан боғлиқ шартномалардан иборат бўлиши мумкин.

Товарнинг номи ва унинг миқдори олиш-сотиш шартномасининг асосий шартларидан ҳисобланади. Агар шартнома бўйича товарнинг номи ва унинг миқдорини аниқ белгилаш учун далиллар етарли бўлса ва шартнома иштирокчиларида бу масала бўйича эътирозлар бўлмаса, товар тўғрисидаги шарт келишилган ҳисобланади.

Умумий қоидага биноан, *товарнинг баҳоси, сифати ва уни топшириш муддати* барча ҳолларда ҳам шартноманинг асосий шартларидан ҳисобланмаслиги мумкин. Лекин шартноманинг баъзи турлари бўйича, жумладан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси учун муддат (ФК 437-м.) кўчмас мулкни (ФК 479-м.) ва корхонани сотиш (ФК 489-м.) учун баҳо олди-сотди шартномасининг асосий шартларидан ҳисобланади.

Олди-сотди шартномасининг предмети сифатида товар бironта шахснинг айбисиз нобуд бўлса, бузилса ёки шикастланса, уни тасодифан нобуд бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Бундай тасодифлар айрим фавқулодда вазиятлар, олдини олиш мумкин бўлмаган ҳодисалардан иборат бўлиши мумкин (ФКнинг 155-м.).

Тасодифан юз берган ҳодисалар туфайли мол-мулк (товар) нобуд бўлса, кўрилган зарар, қоида тариқасида,

мулк эгасининг зиммасига тушади. Агар мулк суғурта қилинган бўлса, мол-мулкнинг нобуд бўлишидан келиб чиққан зарарни қоплаш суғурта ташкилотига юклатилади.

Сотиладиган товарнинг миқдори, албатта, шартномада аниқ белгиланган бўлиши зарур. Товарнинг миқдори тегишли ўлчов бирликларида (масалан, метр, дона, тонна кабиларда) ёки пул бирлигида белгиланиши мумкин. Агар бу усулда белгиланмаган бўлса, уни аниқлаш тартибини шартномада келишиб олиш мумкин (ФК 398-м.).

Агар топширилиши лозим бўлган товарнинг миқдори олди-сотди шартномасида аниқ кўрсатилмаган бўлса ва уни белгилаш учун имконият бўлмаса, шартнома тузилган, деб ҳисобланмайди. Чунки товарнинг миқдори олди-сотди шартномасининг асосий шартларидандир.

Товарнинг миқдори шартнома тарафларининг эркин хоҳишлари билан белгиланади. Лекин бунда баъзи истисноларга йўл қўйилади. Масалан, ФКнинг 458-моддасига мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун давлат контракти бўйича етказиб бериладиган товарнинг миқдори шартномада давлат буюртмасига асосан белгиланади.

Агар тарафлар ўзаро келишган бўлмасалар, шартнома билан белгиланган товар баҳосининг ўзгариши товарнинг миқдори ҳақидаги шартга таъсир қилмаслиги керак. Бунда топширилган товар миқдорининг ўзгариши, яъни кўп ёки кам бўлишига қараб, унга тўланадиган пул суммасининг ўзгариши ҳақида сўз юритиш мумкин.

ФК 418-моддасининг мазмунидан шу нарса англашиладики, шартномадаги *товар баҳосига* оид шартлар, аввалги қонун ҳужжатларида бўлгани каби, асосий шартлар сирасига кирмайди. Шартнома тарафлар келишуви билан белгиланган баҳо бўйича ижро этилади. Ушбу умумий қоидадан истисnolар шартномаларнинг айрим турлари ҳақидаги қонун ҳужжатларида белгилаб берилади. Масалан, ФКнинг 485-моддасига биноан, кўчмас мулкни сотиш шартномасида бундай мулкнинг баҳоси ҳақида ёзма равишда келишилган шарт бўлмаса, ушбу шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга

соладиган баҳолар (тарифлар, нархлар ва ҳ.к.). қўлланилади.

Шартнома тузилгандан кейин қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда баҳони ўзгартиришга йўл қўйилади.

Тарафлар шартномада баҳо тўғрисидаги шартни назарда тутмасликлари ҳам мумкин. Бундай ҳолда товар ҳақи, қиёсланадиган шароитларда, ўхшаш товар учун одатда белгиланадиган баҳо бўйича тўланиши керак.

Сотиб олувчи қонун ҳужжатлари, олди-сотди шартномаси ёки одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ, тўловни амалга ошириш учун зарур ҳаракатларни ўз ҳисобидан бажариши лозим.

Амалиётда сотиб олувчининг қандай ҳаракатларини 418-модданинг 1-қисмига мос деб ҳисоблаш мумкинлиги тўғрисида савол туғилиши эҳтимолдан холи эмас.

Умумий қоидага биноан, бундай ҳаракатлар тўловни реал амалга оширишга қаратилган бўлиб, унинг натижасида товар баҳоси сотувчи ихтиёрига ўтган бўлиши керак. Шу муносабат билан сотувчига товар баҳосини ўтказиш ҳақидаги топшириқнома (агар бундай топшириқ бажарилмаган бўлса) ёки аккредитив қўйиш тўлов ҳисобланмайди.

Товарнинг баҳоси унинг оғирлигига қараб белгиланадиган бўлса, баҳони белгилаш тартиби 1980 йилда қабул қилинган Олди-сотди шартномаси тўғрисидаги Вена конвенциясининг 56-моддасида кўрсатилган қоидани такрорлайди.

Олди-сотди шартномасида товарнинг баҳоси уни белгилайдиган кўрсаткичлар (таннарх, харажатлар ва ҳ.к.)га қараб ўзгартирилиши лозимлиги назарда тутилган бўлсада, аммо шу билан бирга, баҳони қайта кўриб чиқиш усули белгиланмаган ҳолларда товар баҳосини белгилаш тартибини жорий этади. Бундай ҳолларда баҳо ушбу кўрсаткичларнинг шартнома тузилган пайтдаги ва товарни топшириш вақтидаги ўзгариши ҳамда ўзаро нисбатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Сотувчи товарни топшириш мажбуриятини бажаришни кечиктириб юборган ҳолларда баҳо ушбу кўрсаткичларнинг шартнома тузилган пайтдаги ва шартномада назарда тутилган товар топширилади ган пайтдаги

(агар шартномада товарни топшириш пайти назарда тутилган бўлса), ФКнинг 242-моддасига мувофиқ аниқланган пайтдаги нисбатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Шартномада бундай мажбуриятни бажариш кечиктириб юборилган тақдирда мажбурият бажарилишининг кечиктирилиши оқибатида кўрилган зарарни қоплашни иккинчи тарафдан талаб этиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

II *боб.* ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИНИНГ МАЗМУНИ

I-§. Олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Олди-сотди шартномасининг мазмуни сотувчи ва харидорнинг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташкил топади:

а) Сотувчининг ўз тасарруфида бўлган, шунингдек, келажакда ўзи яратадиган ёки оладиган товарни сотиб олувчига топшириши унинг асосий вазифасидир. Сотувчи товарни шартномада кўрсатилган миқдорда (ФК 398-м.), муддатда (ФК 389-м.), ассортиментда (ФК 400-м.), сифатли (ФК 402-м.), бут (ФК 411-м.), тегишли идишга жойлаштирилган ва ўралган ҳолда (ФК 414-м.) топшириши шарт.

Сотувчи товарни сотиб олувчига топширишдан бош тортса ёки белгиланган топшириш муддатини кечиктириб юборса, сотиб олувчи сотувчидан шартномага асосан товарни топширишини, акс ҳолда бунинг оқибатида етказилган зарарни тўлашини талаб қилишга ҳақлидир.

Умумий қоидага кўра, сотувчи сотиб олувчига товар билан бирга товарга тегишли ашёларни ҳамда қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган товарга алоқадор ҳужжатлар (унинг техник паспорти, сифат сертификати, ундан фойдаланиш бўйича йўриқнома)ни топшириши шарт (ФК 388-м.). Агар товарнинг хусусиятига кўра, уларни топширишнинг зарурати бўлмаса ва бу ҳақда шартномада аниқ кўрсатилган ёки бошқача тартиб назарда

тутилган бўлса, товарга тааллуқли ашёлар ва ҳужжатларни сотиб олувчига топширмаслик ҳам мумкин.

Демак, умумий қоидага биноан, товарга мансуб ашёлар ва унга алоқадор ҳужжатлар олди-сотди шартномасининг мазмунини ташкил қилувчи шартлардан ҳисобланади. Агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, улар сотиб олувчига товар билан бирга топширилиши шарт. Сотиб олувчи сотувчидан ашёларни ва ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир. Бундай талаб бажарилмаган тақдирда, у товарни қабул қилишдан бош тортиши мумкин. ФКнинг 1018, 1021-моддаларига асосан, товарга тегишли ашёларнинг ва унга алоқадор ҳужжатларнинг бўлмаслиги туфайли товардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлган сотиб олувчи сотувчидан бунинг натижасида ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

б) Товарни сотиб олувчига шартномада белгиланган муддатда топшириш сотувчининг асосий мажбуриятидир (ФК 389-м.). Агар шартномада бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, товарни топшириш муддати ФКнинг 242-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ тарзда белгиланади, яъни сотиб олувчи ҳар қачон товарни топширишни талаб қилишга, сотувчи ҳар қачон товарни топширишга ҳақли бўлади.

Олди-сотди шартномаси уни қатъий белгиланган муддатда бажариш шарти билан тузилган бўлиши мумкин. Товар шартномада белгиланган муддатда топширилмаган тақдирда, сотиб олувчи шартноманинг бажарилишидан манфаатдор бўлмай қолиши мумкин. Бундай ҳолнинг юз бериши баъзан шартноманинг моҳиятидан ҳам аён бўлади. Қишлоқ хўжалик ширкатларига кўкламда етказиб берилиши зарур бўлган кимёвий моддаларнинг кузда, яъни муддат ўтиб, зарурат қолмаган вақтда етказиб берилиши бунга мисол бўла олади.

Баъзан шартноманинг унда белгиланган муддатдан олдин бажарилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайди, баъзан эса ҳатто салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Масалан, сотувчи темир йўл транспорти орқали шартномада белги-

ланган муддатдан олдин юборган маҳсулотни сотиб олувчи қабул қилишга тайёр бўлмаслиги мумкин. Чунки у маҳсулотни сақлаш учун керак бўладиган омборларни қуриб битирмаган бўлиши ёки айнан шу вақтда ушбу маҳсулотга эҳтиёж бўлмаслиги мумкин. Демак, сотувчи олди-сотди шартномасининг талабини сотиб олувчининг розилигисиз унда белгиланган муддатдан олдин ёки ушбу муддат тугаганидан сўнг бажаришга ҳақли эмас.

242-моддада акс эттирилган мазкур қоидалар ФК учун янгилик бўлиб, улар 1980 йилги Вена конвенциясида (33-м.) назарда тутилган ва халқаро ҳуқуқ тажрибасида, шунингдек, олди-сотди муносабатларида кенг миқёсда қўлланилади.

в) Сотувчининг товарни топшириш бўйича мажбурияти қайси пайтдан бошлаб бажарилган деб ҳисобланиши олди-сотди шартномаси учун катта аҳамиятга эга.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, сотувчининг сотиб олувчига товарни топшириш вазифаси қуйидаги пайтларда бажарилган ҳисобланади: биринчидан, шартномада сотувчининг товарни етказиб бериш мажбурияти назарда тутилган бўлса, товарнинг сотиб олувчига ёки у кўрсатган шахсга топширилиш пайтида; иккинчидан, товар сотиб олувчига товар турган ерда берилиши лозим бўлса, товарни сотиб олувчи ихтиёрига топшириш пайтида. Барча бошқа ҳолларда товарни етказиб бериш учун ташувчига ёки алоқа ташкилотига топшириш пайти сотувчининг товарни сотиб олувчига топшириш мажбуриятининг бажарилган пайти ҳисобланади (ФК 390-м.).

Сотувчи товарнинг эгаси бўлиши ёки унга нисбатан ашёвий ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. Ашёвий ҳуқуққа эга бўлган сотувчи мулкдорга тегишли товарни тасарруф этади. Масалан, давлат корхонаси ўзи мулкдор бўлмагани ҳолда давлат товарларини сотишда ашёвий ҳуқуққа эга бўлади.

Сотувчи ўзининг товарни топширишдан иборат вазифасини бажарган пайт (йил, ой, кун)ни аниқлаш жуда муҳим. Чунки айнан ўша пайтни билиш нафақат сотувчининг шартномани бажарган-бажармаганлигини, балки, шу би-

KUTUB

лан бирга, товарнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфининг сотувчидан сотиб олувчига ўтиш пайтини ҳам аниқлашга имкон беради. Сотилган товарга эгалик ҳуқуқининг ёки ашёвий ҳуқуқнинг қайси пайтдан эътиборан сотиб олувчига ўтиши тўғрисидаги қоидалар ФКнинг 185, 186-моддаларида белгилаб қўйилган.

Товарнинг топширилиш пайтини аниқлаш жуда муҳимлигини инобатга олиб, ушбу вақтни тегишли ҳужжатлар ва далиллар билан исботлаш зарур. Масалан, товар сотиб олувчига ёки шартномада кўрсатилган шахсга маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ етказиб берилган тақдирда, уни топшириш пайтида товарнинг миқдори ва сифати бўйича қабул қилинганлиги ҳақидаги далолатноманинг ёки сотиб олувчи кўрсаттан шахс қабул қилганлиги ҳақидаги маълумотноманинг бўлиши талаб қилинади.

Агар товар шартнома бўйича белгиланган муддатда тегишли ерда (жойда) сотиб олувчига топшириш учун тайёр бўлса ва сотиб олувчи, шартнома шартларига мувофиқ, бу ҳақда хабардор қилинган бўлса, ушбу товар сотиб олувчининг ихтиёрига топширилган, деб ҳисобланади. Агар товарнинг шартнома мақсадларига мослиги тамғалаш ёки бошқа йўллар билан тасдиқланмаган бўлса, товар топшириш учун тайёр ҳисобланмайди.

Демак, товарнинг ташувчига ёки алоқа ташкилоти орқали сотиб олувчига етказиш учун қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат санаси ёки товарнинг топширилганлиги ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжат санаси олди-сотди шартномасида белгиланган мажбуриятнинг бажарилган пайти деб тан олинади.

Агар шартномада сотувчининг зиммасига товарни шахсан сотиб олувчига етказиб бериш вазифаси юклатилган бўлса, товарга эгалик ҳуқуқи уни транспорт ёки алоқа ташкилотига топшириш пайтида эмас, балки сотиб олувчига етказиб берилганидан кейингина вужудга келади.

Коносамент (денгиз транспортида ташиш учун юкнинг қабул қилинганлиги тўғрисида бериладиган ҳужжат) ёки юкни тасарруф этиш ҳуқуқини берадиган бошқа ҳужжатларни топшириш ҳам товарнинг олувчига топширилганли-

гини билдиради, чунки бу ҳужжатларнинг қўлда бўлиши товарга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келганлигидан далолат беради. Коносамент ва тасарруф ҳужжатлари алоқа ташкилотига топширилганда ҳам улар олувчига топширилган деб ҳисобланади.

Қонунда товарнинг сотиб олувчига топширилганлигини билдирадиган барча ҳаракатларни тўлиқ назарда тутиш мумкин эмас, албатта. Унда фақат фуқаролик муносабатларида кўпроқ учрайдиган ҳаракатларгина кўрсатилган. Чунончи, турар жой ёки автомашинанинг калитини топшириш ҳам товарни топширилган деб ҳисоблаш учун асос бўлиши кўрсатилмаган. Шунинг учун ҳам ФКнинг 6-моддасида қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳаракатларга нисбатан иш муомаласи одатларини, маҳаллий одат ва анъаналарни қўллаш назарда тутилади.

г) Сотувчининг сотилган мол-мулкни сақлаш мажбурияти (ФК 391-м.). Мол-мулкни сотиш пайти билан уни сотиб олувчига топшириш пайти ўртасида фарқ бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ва унга нисбатан ашёвий ҳуқуқ мол-мулкни сотиб олувчига топширишдан олдин вужудга келади. Агар бундай мол-мулк, шартномага мувофиқ, сотиб олувчига топширилгунига қадар сотувчида турган бўлса, сотувчи уни лозим даражада асраши, шикастланишига, бузилишига, нобуд бўлишига йўл қўймаслик чораларини кўриши лозим бўлади. Баъзи ҳолларда, масалан, уй-жой сотиб олишда мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи унинг топширилишидан илгари ҳам сотиб олувчига ўтиши мумкин. Бундай ҳолларда сотувчи мулкнинг сақланиши учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

Чакана савдо ташкилотлари орқали сотилган мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи сотиб олувчига товар топширилган пайтда ўтади. Агар сотилган товар катта ҳажмли (мебель, пианино каби нарсалар) бўлиб, улар сақланиш учун келишилган муддаттача дўконда қолдирилган бўлса, сотувчи белгиланган муддат давомида товарни сақлаб туриши шарт. Белгиланган муддат ўтиши билан ушбу товар савдога қайта қўйилиши ва унинг қиймати сотиб олувчига қайтарилиши мумкин. Сотилган товарни вақтинча сақлаб туриш шарт-

номага биноан сотувчининг зиммасига юклатилган мажбурият ҳисобланади. Ушбу мажбурият лозим даражада бажарилмаган тақдирда, сотувчи сотиб олувчи олдида жавоб беришга ва буининг натижасида ўзининг айби билан етказилган зарарни сотиб олувчига тўлашга мажбур бўлади.

Сотувчининг сотилган мол-мулкни сотиб олувчига топширгунига қадар сақлаб туриши ҳақ эвазига ёки текинга амалга оширилиши ҳақида улар келишиб олишлари ҳам мумкин. Агар товарни ҳақ эвазига сақлаб туриш ҳақида келишилган бўлса, мол-мулкни сақлаш даврида уни асраш билан боғлиқ бўлган ва қилинган зарур чиқимларни сотувчига тўлаш керак бўлади. Сотувчи буни сотиб олувчидан талаб қилишга ҳақли.

Сотувчи баъзи ҳолларда, масалан, мулкни сақлаш учун бирон-бир жойни ижарага олишда, махсус қоровул қўйишда муайян харажатлар қилган бўлиши мумкин. Бундай харажатлар ҳақиқатан зарур деб топилганда ва унинг тўланиши шартномада назарда тутилгандагина сотиб олувчи бунинг учун сотувчига ҳақ тўлаши лозим бўлади.

д) Тарафлар товарнинг сотувчидан сотиб олувчига ўтиши жараёнида айниши, йўқолиши ёки бузилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, олди-сотди шартномасида сотувчи ёки сотиб олувчининг товарни суғурталаш мажбуриятини кўзда тутишлари мумкин. Бунинг учун шартномада товарни ким (сотувчи ёки сотиб олувчи) ва қандай шартларда суғурталаши белгилаб қўйилади.

Халқаро савдо оборотида олди-сотди шартномасининг стандартлаштирилган шартларидан кенг фойдаланилади ва улар, хусусан, суғурта масаласига дахл қилади. Масалан, стандартлаштирилган битим шартларида товар етказиб бериш чоғида товар нархига унинг қиймати, шунингдек, келишиб олинган жойга етказиб борилгунча суғурта қилиш ва фрахт, яъни кемада юк ташиш ҳақи, кира пули қиймати киритилади. Бунда товарни етказиб беришнинг бутун даври мобайнида товарни суғурталаш мажбурияти сотувчининг зиммасига юклатилади. СИФ халқаро қоидалари Халқаро ҳуқуқ уюшмаси томонидан 1928 йилда (СИФ халқаро Варшава қоидалари) ишлаб чиқилиб, нашр этил-

ган. 1933 йилда бу қоидалар қайта кўриб чиқилган эди. Ушбу қоидалар расмий халқаро битим бўлмаганлиги туфайли, муайян савдо контрактида эслатиб ўтилган ҳолдагина қўлланилади[1].

Агар олди-сотди шартномаси бўйича суғурталаш мажбуриятлари сотиб олувчининг зиммасига юклатилса, Халқаро товар олди-сотдиси тўғрисидаги 1982 йил Вена конвенцияси 32-моддасининг 3-бандига мувофиқ, сотувчи, сотиб олувчининг илтимосига кўра, унга шундай суғуртани амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд ахборотни бериши керак.

Агар олди-сотди шартномасида суғурта шартлари ва товар суғурталанадиган энг кўп сумма белгиланмаган бўлса, суғурта суммаси товар нархидан кам бўлмаслиги керак. Ушбу модда суғуртанинг энг кам суммасини белгиласа-да, унинг энг кўп суммасини белгилай олмайди. Бундай суммани тарафлар мустақил равишда белгилайдилар.

423-модданинг 3-қисмида товарни суғурталаш мажбурияти зиммасига юклатилган тараф шартномани бажармаганда юз берадиган ҳуқуқий оқибатлар белгиланган. Бундай ҳолларда бошқа тараф ўз ҳисобидан товарни суғурталаш ҳамда зиммасига мажбурият юкланган томондан сарфланган харажатларнинг қопланишини талаб қилишга, ҳатто шартномани бажаришдан воз кечишга ҳам ҳақлидир.

е) Сотувчи товарни учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириш мажбуриятини олади (ФК 393-м.).

Умумий қоидага биноан, сотувчи товарни сотиб олувчига учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан озод ҳолда топшириши шарт. Агар сотиладиган товарга нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари мавжуд бўлса, сотувчи бу тўғрида сотиб олувчини огоҳлантириши шарт. Товар сотилганда, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқлари бир шахсдан иккинчи шахсга ўтади. Аммо айрим шартномалар, битимлар бўйича аввалдан келишилган айрим ҳолларда бу ҳуқуқлардан баъзи бирлари, чунончи, мулкни эгаллаб туриш ёки мулкдан фойдаланиш

---

[1] Қаранг: *Зыкин И.А.* Гражданское и торговое право стран СНГ. – М., 1992. – С. 104.

ҳуқуқлари бошқа шахсларга берилган бўлиши мумкин. Аммо учинчи шахсларнинг муайян товарга нисбатан шундай ҳуқуқлари мавжудлиги тўғрисида сотиб олувчига маълум қилиниши лозим. Бундай ҳуқуқлар жумласига ижарага олувчининг мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи, гаров ҳуқуқи, умрбод фойдаланиш ҳуқуқи, васият мажбурияти ва шу сингариларни киритиш мумкин.

Сотиб олувчи учинчи шахслар ҳуқуқи бўлган товарни қабул қилишга розилик бермаган ва учинчи шахсларнинг товарга нисбатан ҳуқуқлари борлиги ҳақида огоҳлантирилмаган бўлса, товарнинг харид нархини камайтиришни ёки олди-сотди шартномасини бекор қилишни ва кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Товарни сотиб олувчига топшириш пайтида унга нисбатан учинчи шахсларнинг даъволари борлиги маълум бўлган ҳолларда, агар бу даъволар кейинчалик белгиланган тартибда қонуний деб тан олинган бўлса, сотиб олувчи товарнинг харид нархи камайтирилишини ёки олди-сотди шартномасининг бекор қилинишини ва кўрилган зарарнинг қопланишини талаб қилиши мумкин.

Олди-сотди шартномаси бажарилгунга қадар учинчи шахс товарни сотиб олувчидан олиб қўйиш ҳақида даъво қўзғатиши мумкин. Бу даъво товарда унинг ҳақи борлигини исботлашдан ва ўзига тегишли бўлган ушбу ҳуқуқни тиклашни талаб қилишдан иборат. Бунинг учун унда маълум асослар борлиги фараз қилинади. Чунки ушбу масалани суд тўғри ҳал қилиши мумкин (ФК 394-м.).

Масалан, мол-мулкни инсофли эгалловчи (ФК 299-м.), шартномага асосан, уни товар сифатида сотган бўлса-ю, сотиб олувчи уни қабул қилиб улгурмаган бўлса, ушбу мол-мулкнинг ҳақиқий эгаси аниқланиб, мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида даъво қилиши мумкин. Агар ушбу мол-мулк унинг ҳақиқий эгаси томонидан йўқотиб қўйилган ёки ундан ўғирланган ёхуд унинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан унинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, бундай мулк эгаси ўз мол-мулкини қайтариб олишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди. Шундай экан, у инсофли

эгалловчи томонидан сотилган ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиб олувчидан талаб қилишга ҳақли бўлади.

Товарни олиб қўйиш ҳақидаги даъво, асосан, сотиб олувчига нисбатан қўзғатилади. Сотиб олувчи ишни кўриш чоғида сотувчини унга жалб қилиши шарт. Чунки сотувчи қандай асосларга кўра товарни сотишга ҳақли эканлигини исботлаши керак. Шунинг учун сотувчи судда иши кўрилаётган сотиб олувчи томонида туриб қатнашади. Суд сотувчини учинчи шахс сифатида ишда қатнашишга сотиб олувчининг илтимоси билангина эмас, балки ўз ташаббуси билан ҳам жалб қилади. Агар сотувчи суд ишида қатнашиб, товарни сотиб олувчи ихтиёрида қолдириш учун етарли далиллар борлигини исботлай олса, сотиб олувчи кейинчалик унга нисбатан регресс (қайтарма даъво) даъвосини қўзғатганида, у жавобгарликдан озод бўлади. Аксинча, сотиб олувчи томонидан суд ишига жалб қилинган, аммо унда қатнашмаган сотувчи, кейинчалик унга нисбатан регресс даъвоси қўзғатилган тақдирда қўлидаги далилларни келтириш ва ишнинг нотўғри юритилганлигини исботлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Шартнома бажарилгунга қадар вужудга келган қонуний асосларга кўра учинчи шахслар сотиб олувчи товарни олиб қўйган ҳолларда, сотувчи сотиб олувчи кўрган зарарни қоплаши шарт. Сотиб олувчи сотилган товарда учинчи шахсларнинг ҳақи борлигини билган ёки билиши лозим бўлган тақдирда, сотувчи сотиб олувчи кўрган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод бўлади (ФК 395-м.).

Сотилган товарда бировларнинг, яъни учинчи шахсларнинг (масалан, ворисларнинг, умрбод таъминлаш шарти билан бегоналаштирилган уй-жой эгасининг (ФК 393-м.), мол-мулкни гаровга олувчининг (ФК 277–278-м.) ҳақи борлигини билган ва билиши лозим бўлган сотиб олувчи олди-сотди шартномасини тузишга ҳақли эмас. Тузилган бундай шартномани суд бекор қилиши мумкин. Сотувчи ҳам, ўз навбатида, жавобгарликдан озод бўлиши мумкин эмас. Сотиб олувчи ўзининг айби йўқлигини исботлаган, товарда учинчи шахсларнинг ҳақи борлигини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган, сотувчи эса товарда учинчи шахсларнинг

ҳақи борлигини қасддан яширган тақдирда, у харидор кўрган зарарни тўлашга мажбур бўлади. Шартнома бажарилгунга қадар товарнинг учинчи шахсга тегишли эканлигини билган ёки билиши мумкин бўлган харидор бундай товарнинг инсофли эгалловчиси деб ҳисобланмайди ва у товар олиб қўйилиши туфайли ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қила олмайди. Сотувчи ва сотиб олувчи олди-сотди шартномасини ўзаро келишув йўли билан ва қоидага риоя қилмаган ҳолда тузган бўлсалар, бундай шартнома ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Сотувчининг жавобгарликдан, яъни айбсиз сотиб олувчи кўрган зарарни қоплашдан озод қилинишига ёки жавобгарликнинг чекланишига йўл қўйилмайди. Қопланиши зарур бўлган зарар товар учун тўпланган пулдан ташқари, товарни бир жойдан бошқа жойга кўчириб сақлаш, парвариш қилиш, суд харажатларидан ҳам иборат бўлиши мумкин.

2-§. Олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а) Сотиб олувчига шартномага мувофиқ топширилиши керак бўлган товарни сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқи берилиши билан бирга, унинг зиммасига топширилган товарни қабул қилиб олиш ва товар ҳақини тўлаш мажбурияти ҳам юклатилади (ФК 417-м.).

Сотиб олувчининг товарни қабул қилиш мажбурияти унинг асосий шартномавий бурчи ҳисобланади. Сотиб олувчи шартнома ёхуд қонун талабларига биноан, товар баҳосини тўлаши ва етказиб берилган товарни қабул қилиши шарт, яъни у тегишли товарнинг топширилиши ва олинишини таъминлаш учун зарур бўлган ва одатда зиммасига юкланадиган талабларга мувофиқ ҳаракат қилиши зарур.

Сотиб олувчи, хусусан, товарни учинчи бир шахс олган тақдирда, унинг реквизитларини, яъни унинг турар жойи,

банкдаги ҳисоб-китоб рақами, яъни битимдаги учинчи шахсга оид зарурий расмий маълумотларни сотувчига маълум қилиши; шартномада назарда тутилган бўлса, омбордаги маҳсулотни танлаб олиши учун ўз вакилини сотувчининг хузурига йўллаши; тарафлар тегишли шартни шартномага киритган тақдирда, товарнинг ташиб олинишини таъминлаши; транспорт ташкилотидан маҳсулотнинг қабул қилиб олинишини таъминлаши зарур.

Сотувчининг товарни топшириши деганда, одатда, қуйидагилар назарда тутилади:

– товарни сотиб олувчига топшириш; товарни сотувчига жўнатиш учун транспорт ташкилотига топшириш ёки товарларни етказиб бериш мажбурияти олинмаган ҳолда уларни почтага топшириш;

– коносамент, яъни товарнинг денгиз флотида ташишга қабул қилиб олинганлигини исботловчи тилхат ёхуд бошқа фармойишнома ҳужжатини топшириш.

Харидор товарни қабул қилмасдан қонун ёки шартномага биноан унинг алмаштирилишини талаб қилишга ёки олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли. Сотиб олувчининг мазкур ҳуқуқи ФКнинг 413, 415, 433, 434-моддаларида кафолатлаб берилган.

Харидорнинг бундай ҳуқуқлари «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13, 14-моддаларида ҳам мустаҳкамланган.

Агар харидор қонун ҳужжатлари ёки олди-сотди шартномасига хилоф тарзда товарни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан бош тортса, ФК 417-моддасида бунинг учун қуйидаги тегишли ҳуқуқий оқибатлар назарда тутилади:

1) сотувчи шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли;

2) сотувчи зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Мазкур ҳуқуқий оқибатлар – сотувчининг ҳуқуқи, аммо бурчи эмас. Сотувчи сотиб олувчига унинг ўз мажбуриятларини бажариши учун қўшимча вақт бериш ва тарафлар учун мақбул бўлган шартномаларни таклиф этиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

б) Сотиб олувчи ўзининг товар ҳақини тўлаш мажбуриятини бажариши учун қонунда ва шартномада турли муддат ва тартиб белгиланган бўлиши мумкин. Агар қонунда ёки шартномада харидорнинг товар ҳақини муайян муддатда тўлаши аниқ белгилаб қўйилмаган бўлса, харидор товарни ёки товар тақсимлаш ҳужжатларини олганидан сўнг, кечиктирмай товар ҳақини тўлаши керак. Бу – умумий қоида (ФКнинг 419-м.). Лекин бошқача тартиб назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ФКнинг 420-моддасида – олдиндан ҳақ тўлаш ҳоллари ва тартиби, ФКнинг 422-моддасида – товар учун бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш, ФКнинг 474-моддасида – абонентнинг ҳақиқатан сарф қилган энергия миқдори учун ҳақ тўлаши кўзда тутилган.

Одатда, шартномада томонлар аниқ ҳақ тўлаш муддатини кўзда тутиб, харидор муайян банк кунлари мобайнида товар ҳақини тўлаши кераклигини кўрсатадилар.

Харидор товарга ҳақ тўлаш мажбуриятини бажармаганлиги учун қонунда тегишли ҳуқуқий оқибатлар назарда тутилади. Аввалambор, сотувчи харидордан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Бундан ташқари, сотувчи ўзига тўланмаган (яъни унинг) пул маблағларидан фойдаланганлиги учун харидордан фоиз тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Ушбу фоиз ставкалари, уларни тўлаш миқдорини белгилаш тартиби ФКнинг 327-моддасида белгилаб қўйилган. Шунингдек, фоиз ставкаларининг миқдори банк ҳисоб варағи шартномаси билан ёхуд қарор топган одатларга кўра (ФК 781-м.) белгиланади.

Харидор товарни қабул қилишни ва унга ҳақ тўлашни инкор этган ҳолларда сотувчига икки оқибатдан бирини танлаш, яъни а) товар ҳақини тўлашни талаб қилиш ёхуд б) шартнома ижросини инкор этиш ҳуқуқи берилади. Бунда сотувчи ҳар қандай ҳолда ҳам сотиб олувчидан унинг шартнома талабларини бузиши натижасида кўрилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир (ФК 417-м.).

Сотувчи илгари берилган товарларнинг ҳақи тўлиқ тўланмагунига қадар қолган товарларни бериш, топшириш мажбуриятини бажармай туриши, яъни тўхтатиб туриши

мумкин. Бунда у, шартномага мувофиқ, харидорга бу ҳақда маълум қилиши лозим.

в) Олди-сотди шартномасида товар ҳақини олдиндан тўлаш мажбурияти назарда тутилган бўлиши мумкин (ФКнинг 420-м.). Харидорнинг сотувчи товарни топширгунга қадар шартномада белгиланган муддатда товар ҳақини тўла ва қисман тўлаши товар ҳақини олдиндан тўлаш деб аталади. Агар шартномада ушбу муддат белгиланмаган бўлса, ФКнинг 242-моддасига мувофиқ, харидор сотувчи талаб қилган кундан бошлаб етти кун ичида ўз мажбуриятини бажариши керак.

Харидор шартномада кўзда тутилган товар ҳақини олдиндан тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, ФКнинг 256-моддасида белгиланган оқибатлар содир бўлади. Ушбу моддага мувофиқ, сотиб олувчи товар ҳақини олдиндан тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда сотувчи ўз мажбуриятларини бажармай туришга ёхуд уни ижро этишдан воз кечишга ва зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Агар сотиб олувчи товар ҳақини олдиндан тўлиқ миқдорда тўламаган бўлса, сотувчи ҳақи тўланмаган товарни бермасликка ёки шартноманинг ҳақи тўланмаган товарларга доир қисмини ижро этишдан бош тортишга ҳақли бўлади (ФК 256-м.).

Товар ҳақини олдиндан тўлаб қўйган сотиб олувчи ҳам маълум ҳуқуқларга эга бўлади. Ҳақи тўланган товар берилмаган тақдирда, сотиб олувчи сотувчидан товарнинг берилишини ёки товар учун олдиндан тўлаб қўйилган суммани қайтарилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

ФКнинг 327-моддасига мувофиқ, сотувчи бермаган товар учун олдиндан тўлаб қўйилган суммага фоиз ҳисобланиб, тўлов талаб қилиниши мумкин. Мазкур фоизлар шартномага кўра товар берилиши керак бўлган кундан то товар сотиб олувчига ҳақиқатда берилган кунгача ёки товар учун олдиндан тўлаб қўйилган сумма қайтариб бериладиган кунгача бўлган давр учун ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Сотувчининг фоизларни тўлаш мажбурияти тарафлар ўртасида

тузилган шартномада келишиб олинган бўлиши мумкин (ФК 420-м., 4-қисм).

г) Товарлар насияга сотилиши ҳам мумкин (ФКнинг 421-м.). Насияга сотилган товар ҳақини тўлаш (товарни насияга сотиш) деганда, сотиб олувчи товар ҳақини товар берилганидан сўнг олди-сотди шартномасида белгиланган муайян муддат ўтганидан кейин тўлаши тушунилади. Демак, товарни қабул қилиб олган сотиб олувчи товар ҳақини шартномада кўзда тутилган муддатда тўлаши керак. Агар шартномада ҳақ тўлаш муддати кўрсатилмаган бўлса, товар ҳақи ФКнинг 242-моддасида белгиланган муддатда, яъни етти кун ичида тўланиши керак.

Сотувчи товарни бериш мажбуриятини бажармаган тақдирда, ФКнинг 256-моддасида кўзда тутилган оқибатлар юз беради. Сотиб олувчи шартномада белгиланган муддатда товар ҳақини тўлаш мажбуриятини бажармаган тақдирда, сотувчи берилган товар ҳақининг тўланишини ва ҳақи тўланмаган товарнинг қайтариб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда товарнинг физикавий-кимёвий хусусиятлари эътиборга олиниши лозим (насияга берилган товар қайта ишланишга мўлжалланган бўлиши, тез айниидиган маҳсулот бўлиши мумкин ва ҳоказо. Бу ҳолда унинг қайтариб берилишини талаб қилиш имконияти бўлмайди).

Сотувчига сотиб олувчи муддатини ўтказиб юборган маблағ учун фоиз тўлаш ФКнинг 32-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бу ҳолда фоизлар шартнома бўйича товар ҳақи тўланиши керак бўлган кундан бошлаб, харидор ҳақиқатан тўлаган кунга қадар ҳисоблаб чиқилади.

Тарафлар келишувига кўра, олди-сотди шартномасида сотиб олувчининг сотувчи товарни берган кундан бошлаб ўтган муддат учун товар нархига мувофиқ суммада фоиз тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, товар у сотиладиган кунда амалда бўлган нархлар бўйича насияга сотилади. Бироқ, модомики, товар қийматини тўлаш вақти товар берилган кунга тўғри келмаса, тарафлар шартномада, масалан, пулнинг қадрсизланиш суръатини, у ёки бу маҳсулот нархининг мавсумий

ўзгариб туришини ва бошқа жиҳатларни эътиборга оладиган нарх белгилаш тартибини белгилаб олишлари мумкин.

Шартномада сотиб олувчининг товарга ҳақ тўлаш мажбурияти ижро этилишини таъминловчи ҳуқуқий кафолатлар ҳам кўзда тутилади. Харидорга насияга берилган товар берилган кунидан то харидор товар ҳақини тўлиқ тўлагунига қадар сотувчида гаровда турган деб эътироф этилади.

Демак, бундай муносабатларда сотувчи – гаровга олувчи, харидор эса гаровга қўювчи сифатида қатнашади. Сотувчида гаровда турган товардан харидорнинг фойдаланиши ва уни тасарруф этиши қонун билан ёки тарафлар келишувига кўра чеклаб қўйилиши мумкин (ФК 227-моддасига қаранг.).

д) Товарни насияга сотиш шартномасида товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилиши мумкин (ФКнинг 422-м.). Шартномага мувофиқ, сотиб олувчи товар ҳақининг муайян қисмини вақти-вақти билан бўлиб тўлаш мажбуриятини олади.

Ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш билан товарни насияга сотиш шартномасида олди-сотди шартномасининг бошқа мухим шартлари билан бир қаторда товар баҳоси, тўловларнинг тартиби, муддатлари ва миқдори кўрсатилган бўлса, бундай шартнома тузилган ҳисобланади.

Шартномада белгиланган муддатда бўлиб-бўлиб сотилган ва сотиб олувчига берилган товарнинг навбатдаги тўловини сотиб олувчи амалга оширмаган ҳолларда сотувчи шартноманинг ижро этилишидан воз кечишга ва сотилган товарнинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Агар сотиб олувчидан олинган тўлов суммаси товар нархининг учдан икки қисмидан ошиб кетган ёки шартномада ушбу низоларни ҳал этишнинг бошқа тартиби кўзда тутилган бўлса, сотувчи сотиб олувчидан топширилган товарнинг қайтариб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

е) Сотиб олувчига топширилган товарга эгалик қилиш ҳуқуқи баъзи ҳолларда сотувчининг ихтиёрида сақланиб қолиши мумкин (ФКнинг 424-м.). Бу агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у то-

варнинг вазифасидан ва унинг хусусиятларидан келиб чиқмаса, сотиб олувчига топширилган товар ҳақи тўлангунга қадар ёки бошқа сабабларга кўра сақланиши зарур бўлган ҳолларда юз бериши мумкин. Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича турар жойнинг сотиб олувчига топширилиши агар ушбу шартнома қонунда назарда тутилган нотариал тартибда гувоҳлантирилган бўлмаса, сотувчини унга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди, табиий ёки кимёвий жиҳатдан тез бузиладиган товарга эгалик қилиш ҳуқуқи сотувчида сақланиб туришидан қатъи назар, сотувчига уни тасарруф этиш учун рухсат берилади.

Топширилган товарнинг ҳақи олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда тўланмаганда ёки эгалик ҳуқуқи сотиб олувчига ўтадиган бошқа ҳоллар юз бермаганда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи сотиб олувчидан товарни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Сотиб олувчи мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунига қадар товарни ўзгага беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли эмас. Бу қоида шартнома ёки қонунда бошқача тартиб кўзда тутилмаган ҳолларда амал қилади.

Умумий қоидага кўра, сотиб олувчининг ўзи мулк ҳуқуқига эга бўлмаган товарни ўзгага беришга доир битимлари ҳақиқий эмас деб эътироф этилади (ФК 113–116-моддалар.).

III *боб.* ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ БУЗИЛИШИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

1-§. Шартномани бажаришдан бош тортиш ва товар миқдори, ассортименти ҳақидаги шартларни бузиш оқибатлари

Олди-сотди шартномаси тузилганда унинг тарафлари ўртасида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади. Уларни бажармаслик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундай оқибатларнинг юз бермаслиги, аввалам-

бор, сотувчининг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажаришига боғлиқ. Шундай экан, сотувчи шартнома бўйича келишилган товарни сотиб олувчига ўз вақтида ва камчиликларсиз топшириши лозим.

Шартномани бажаришдан бош тортиш ва товар миқдори, ассортименти ҳақидаги шартларни бузиш қуйидаги оқибатларга олиб келади:

а) Сотувчи шартномада келишилган товарни топширишдан бош тортмаслиги керак. Акс ҳолда сотиб олувчи олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортишга; хусусий белгили товарнинг топширилишини ҳамда етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли бўлади (ФКнинг 396-м.).

Агар сотувчи шартномага асосан сотилган товарни сотиб олувчига топширишдан бош тортса, товарни олмаган сотиб олувчи шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслиги, қолаверса, шартномани бекор қилишни ва товар топширилмаганлиги натижасида кўрилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий белгили ашё топширилмаган тақдирда, сотиб олувчи бу товарни олиб қўйишни ва шартномада назарда тутилган шартлар асосида уни топширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар бундай товар бир хил ҳуқуққа эга бўлган учинчи шахсга (сотиб олувчига) топширилган бўлса, ушбу битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва бекор қилинади. Агар товар ҳали топширилмаган бўлса, оқибатлар ФКнинг 331-моддасида назарда тутилган қоидага асосан ҳал қилинади.

Сотиб олувчи товарни ўзига топширишни талаб қилиш ўрнига зарарнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

б) Кўп ҳолларда сотувчига товарга тегишли ашёларни ва ҳужжатларни сотиб олувчига топшириш учун оқилона муддат тайинланади. Агар товар кўрсатилган муддатда топширилмаса, башарти олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчи товардан воз кечишга ҳақли.

Айрим товарлар, айниқса, хусусий белгили ва тузилиши жиҳатидан мураккаб товарлар улардан тўғри фойдаланиш учун уларга мансуб бўлган қўшимча ашёларни, шунингдек, товарга алоқадор мавжуд ҳужжатларни (техник паспорт, сифат сертификати, фойдаланиш бўйича қўлланмаларни) талаб қилади (ФКнинг 388-м.). Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ушбу ҳужжатларни сотилган товар билан бирга сотиб олувчига топшириш мажбурияти назарда тутилган бўлса, сотувчи ушбу мажбуриятни лозим даражада бажариши шарт. Агар ушбу ашёлар ёки ҳужжатлар товар билан бирга сотиб олувчига топширилмаса, сотиб олувчи уларни топшириш учун сотувчига оқилона, яъни ўзаро келишилган ва маъқул бўлган муддатни тайинлаши мумкин.

Товарга мансуб ашёлар ёки ҳужжатларни келажакда топшириш муддатини белгилаш ҳуқуқи асосан сотиб олувчига берилади. Агар сотувчи тегишли ашёларни ва ҳужжатларни сотиб олувчига белгиланган муддатда топширмаса, сотиб олувчи товардан воз кечишга ҳақли. Лекин олди-сотди шартномасида бошқача тартиб белгиланиши ҳам мумкин. Унга кўра, сотиб олувчи товардан воз кечмасдан, уни товарга мансуб ашёлар ёки ҳужжатларсиз қабул қилиши ва бунинг эвазига товарнинг баҳосини тегишлича камайтириш ҳақида талаб қўйиши ҳамда ушбу товардан ашёлар ва ҳужжатларсиз фойдаланиш жараёнида у бузилса, ишдан чиқса, бундай товарни текинга таъмирлаш ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқларига эга бўлиши мумкин.

в) Шартноманинг товар миқдорига доир шартларини бузиш оқибатлари турлича бўлиши, жумладан, етишмаётган миқдордаги товарни топширишни талаб қилишдан ёки топширилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортишдан, борди-ю унинг ҳақи тўланган бўлса – тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишдан, агар товар шартномада кўрсатилганидан ортиқ миқдорда топширилса – бу ҳақда сотувчига маълум қилишдан, бундай товарни қабул қилиш ва қабул қилмасликдан ҳамда унга баҳо белгилашдан иборат бўлиши мумкин.

Шартномада кўрсатилганига нисбатан кам ёки кўп миқдордаги товар топширилган ҳолларда, яъни шартнома шартлари лозим даражада бажарилмаган тақдирда, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари турлича белгиланади. Шартнома талабларини бундай бузишнинг ҳар бир тури ҳар хил оқибатларни келтириб чиқаради.

Агар сотувчи шартномада белгиланган миқдордан кам товар топширган бўлса, товарни сотиб олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

1) товарнинг етишмаган миқдорини топширишни талаб қилиш;

2) топширилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортиш;

3) товарнинг ҳақи тўланган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилиш.

Сотиб олувчига берилган ушбу ҳуқуқлар унинг истеъмолчи сифатидаги манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва сотувчининг ўз мажбуриятини бажариш билан боғлиқ масъулиятини оширишга ва ушбу мажбуриятининг бекам-кўст бажарилишини таъминлашга қаратилади.

Агар сотувчи олувчига шартномада кўрсатилганидан ортиқ миқдорда товар топширган бўлса, қуйидаги ҳуқуқ ва бурчлар юзага келади:

1) сотиб олувчи ўзига топширилган ортиқча товар ҳақида ФК 416-моддасининг биринчи қисмида белгиланган тартибда сотувчини хабардор қилиши лозим;

2) сотувчи ортиқча товарни оқилона муддатда ва тегишли тартибда тасарруф қилиши лозим;

3) агар сотувчи ортиқча товарни тасарруф қилмаса, сотиб олувчи товарнинг ҳаммасини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

4) ортиқча товарга нисбатан бошқа баҳо белгиланиши мумкинлиги назарда тутилади;

5) ортиқча товарга бошқа баҳо белгиланмаган тақдирда, сотиб олувчи ҳамма товар учун шартномада белгиланган баҳода ҳақ тўлайди.

г) Товарлар ассортименти ва шартноманинг у тўғридаги шартларини бузиш оқибатлари.

«Ассортимент» сўзи француз тилидан олинган бўлиб, алоҳида кўринишлари, белгилари билан бир-биридан ажралиб турадиган турли хил товарлар рўйхати маъносини ифодалайди. Товарлар турлари, белгиси, тамғаси, модели, бичими, нусхаси, ўлчами, ранги ва бошқа хусусиятлари билан турли ассортиментларга бўлинади.

Товарларнинг ассортименти шартномада кўрсатилган ва кўрсатилмаган бўлиши мумкин. Бу товарларнинг хусусиятларига ва тарафларнинг келишувига боғлиқ. Шартномада ассортиментни белгилаш тартиби ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Агар олди-сотди шартномасига кўра, товарлар муайян ассортиментда топширилиши лозим бўлса, сотувчи товарларни сотиб олувчига тарафлар келишган ассортиментда топшириши шарт.

Агар шартномада товарларнинг ассортименти тўғридан-тўғри белгиланмаган ва унда белгилаб олиш тартиби кўрсатилмаган бўлса, сотувчи мажбуриятнинг моҳиятидан келиб чиқиб ва сотиб олувчининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, товарларни маълум ассортиментда сотиб олувчига топшириши мумкин. Бу сотувчига берилган ҳуқуқни амалга ошириш имкониятига боғлиқ. Агар сотувчида тегишли ассортиментдаги товарлар бўлмаса, у шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Товарнинг ассортименти бўйича сотиб олувчига катта ҳуқуқлар берилган. Шартномага мувофиқ, товарларни тегишли ассортиментда топширмаган сотувчи бир қатор салбий оқибатларга дуч келиши мумкин (ФКнинг 401-м.). Товарлар шартномага мос келмайдиган ассортиментда топширилган тақдирда сотиб олувчи уларни қабул қилишдан ва ҳақини тўлашдан бош тортиш, борди-ю уларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Сотиб олувчи бундай ҳуқуқдан топширилган товарларнинг барчаси ассортимент бўйича шартномага мос келмаган тақдирда фойдаланади.

Лекин ассортименти шартномага мос келадиган товарлар билан бир қаторда шартномага мос келмайдиган товарлар ҳам топширилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда со-

тиб олувчи ўз ҳуқуқларидан қуйидагича фойдаланиши мумкин:

1) ассортименти бўйича шартномага мос товарларни қабул қилиш ва мос келмайдиган қисмини қабул қилишдан бош тортиш;

2) топширилган барча товарларни қабул қилишдан бош тортиш;

3) ассортименти шартномада кўрсатилганига мос келмайдиган товарларни шартномада кўрсатилган ассортиментдаги товарларга алмаштириб беришни талаб қилиш;

4) топширилган барча товарларни қабул қилиб олиш.

Сотиб олувчига юқорида кўрсатилган оқибатларни қўллаш ҳуқуқи берилган. Улардан қайсиларининг қўлланишига қараб, сотиб олувчи билан сотувчи ўртасида қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади:

1) ассортименти шартномага мос келмайдиган товарларни алмаштириш талаб қилинганида, сотиб олувчи бу товарлар ҳақини тўлашдан бош тортиш, башарти ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга;

2) агар сотиб олувчи товарларнинг ассортименти бўйича шартномага мос келмайдиган қисмини қабул қилса, бу ҳақда оқилона муддатда сотувчига хабар қилиши лозим. Акс ҳолда товар қабул қилинган деб ҳисобланади;

3) ассортименти шартномага мос келмайдиган товарларни қабул қилган сотиб олувчи бу товарларнинг ҳақини сотувчи билан келишилган баҳода тўлаши шарт. Ушбу товарларнинг нархи бўйича сотиб олувчидан оқилона муддатда жавоб олинмаса, товарларнинг ҳақи шартнома тузиш пайтида худди шундай товарларга белгиланган баҳода тўланиши лозим.

ФКнинг 400-моддаси диспозитив хусусиятга эга. Товарларнинг ассортименти бўйича шартномада яна бошқа шартлар, талаблар назарда тутилишига йўл қўйилади. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, ушбу модда қоидалари қўлланилади.

2-§. Товарнинг сифати, унинг кафолати ва кафолат муддатини ҳисоблаш

Товарнинг сифати, уни кафолатлаш ва кафолат муддатини ҳисоблашга оид муайян талаблар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

а) Товар сифатига ҳам унинг ассортиментига қўйилган талабларга ўхшаш мажбурий талаблар қўйилади. Бу талаблар биринчи галда сотувчига тааллуқли. Сифат жиҳатидан талабга жавоб бермайдиган товарларни қабул қилиш ёки қилмаслик борасида сотиб олувчига кенг ҳуқуқлар берилади. Бундай қоиданинг назарда тутилиши, аввалambор, истеъмолчи сифатида сотиб олувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Сотувчининг бурчлари қуйидагилардан иборат: сотиб олувчига шартномага мос келадиган товарларни топшириш; агар сифати шартномада кўрсатилмаган бўлса, сотиб олувчига белгиланган мақсадлар учун, яъни ашёлари ўзининг вазифаси бўйича фойдаланишга яроқли бўлган товарни топшириш; агар товар намунаси (ёки) тарифи бўйича сотиладиган бўлса, уларга амал қилиш; сотиладиган товарлар сифатига нисбатан мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, ушбу талабларга жавоб берадиган товарни топшириш.

Кўриниб турибдики, товар сифати бўйича сотувчининг зиммасига юклатилган талаблар мажбурий хусусиятга эга бўлиб, Кодексдаги ушбу талаблар ифодаланган қоидалар императив (қатъий) характерга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. № 2.) Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришга доир қуйидаги тоифалардаги норматив ҳужжатлар қўлланилади: халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар; Ўзбекистон Республикасининг стандартлари; тармоқ стандартлари; техник шартлар; корхона стандартлари; хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар жумласига, шунингдек, стандартлаштириш қоидалари, нормалари, техник-иқтисодий ахборот классификациялари ҳам киради. Мазкур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиби «Ўздавстандарт» давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси иштирок этган шартномада кўрсатилганига нисбатан кам ёки кўп миқдорда товар топширилган ҳолларда халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, шунингдек, халқаро қоидалар ва нормалар шартнома ёки битимларга мувофиқ қўлланилади. Ушбу стандартлар, қоидалар ва нормаларни республика ҳудудида қўллаш тартибини «Ўздавстандарт» давлат қўмитаси ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ўз ваколатлари доирасида белгилайдилар.

Демак, сотиладиган товарнинг сифати бўйича шартномада кўрсатилган шартлар бажарилиб, товар топширилган бўлса, сотувчи ўз бурчини лозим даражада бажарган ҳисобланади. Шартномада товарнинг сифати стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатни кўрсатиш йўли билан белгиланади. Агар товарнинг сифати тўғрисида шартномада ҳеч қандай кўрсатма бўлмаса, бундай ҳолда товар сифати одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши, яъни ундан мақсадга яраша фойдаланиш мумкин бўлиши керак. Масалан, сотиб олинган компьютерда ёки кийимлик матода ундан фойдаланишга монелик қиладиган ҳеч қандай нуқсонлар бўлмаслиги лозим.

Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиниши мумкин бўлган товар сифатига оид масала ҳақида ҳам қоида белгиланган. Сотувчи билан сотиб олувчи сифат бўйича мажбурий талабларга нисбатан юқорироқ талабларга жавоб берадиган товарни топшириш ва қабул қилиш ҳақида белгиланган тартибда келишиб олишлари мумкин.

б) Товар сотиб олувчига топширилиши пайтида сифат жиҳатидан ФКнинг 402-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак. Лекин олди-сотди шартномасида товарнинг ушбу талабларга мувофиқлигини аниқлаш-

нинг бошқа пайти назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Агар шартномада бошқа пайтда аниқлаш тўғрисида қоида бўлмаса, товарнинг сифати уни сотиб олувчига топшириш пайтида аниқланади. Товарнинг сифати қайси вақтда ва пайтда аниқланишидан қатъи назар, у оқилона муддат давомида белгиланган мақсадлар учун фойдаланишга яроқли бўлиши шарт.

Сифатига кафолат бериладиган ва кафолат берилмайдиган товарлар бор. Товар сифатининг кафолати барча бутловчи қисмларга ҳам тегишли. Лекин тарафлар бу ҳақда шартномада бошқача тартиб белгилаган бўлишлари ҳам мумкин.

Кафолат муддатлари кўрсатилиб сотилган товарларнинг камчиликлари тўғрисида эътироз билдириш шартлари, тартиби ва оқибатлари савдо қоидаларида белгиланган. Баъзи товарларнинг, чунончи, совуттичлар, телевизорлар, радиоприёмниклар, соатлар, мебель ва бошқа товарларнинг камчиликлари тўғрисидаги эътирозлар махсус белгиланган кафолат муддатлари давомида билдирилиши мумкин.

Товар камчилиги очиқ-ойдин кўриниб турадиган ва яширин бўлиши мумкин. Маълум бир турдаги товарни одатдагидек қабул қилганда, яширин камчиликлар сезилмай ўтиб кетиши мумкин. Бундай хилдаги товарнинг камчиликларини аниқлаш тартиби ва унга нисбатан кафолат муддатларини белгилаш, шунингдек, камчиликлар юзасидан эътирозлар билдириш ҳақида махсус қоидалар мавжуд.

Кафолат муддатлари давлат андазалари ёки техникавий шартлар билан белгиланади. Улар шартномада кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. Тарафлар ўзаро келишув бўйича товарларга стандартлардаги ёки техникавий шартлардаги муддатларга қараганда узоқроқ кафолат муддатларини белгилашлари мумкин. Товар, у сотиб олувчига топширилган пайтдан бошлаб, шартномада белгиланган кафолат муддати давомида қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларга жавоб бериши керак. Чакана савдода сотиладиган халқ истеъмол молларига нисбатан кафолат муддатини товарлар чакана савдо тартибида сотилган кундан бошлаб ҳисоблаш мумкин.

в) Товарга берилган кафолат муддатини аниқ белгилаш истеъмолчилар учун катта аҳамиятга эга. Чунки уларнинг товар сифати бўйича сотувчига нисбатан эътироз билдириш ҳуқуқининг амалга оширилиши ушбу муддатнинг давом этиши ёки ўтиб кетиши билан белгиланади.

Умумий қоидага биноан, кафолат муддати товар сотиб олувчига топширилган пайтдан эътиборан ўта бошлайди. Лекин кафолат муддатининг ўтиш пайти тўғрисида олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Демак, агар кафолат муддатининг ўтиш пайти тўғрисида шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ФКнинг 404-моддасида белгиланган умумий қоида амал қилади, яъни кафолат муддати товар сотиб олувчига топширилган пайтдан эътиборан ўта бошлайди.

Агар сотиб олувчи сотувчига боғлиқ ҳолатлар туфайли кафолат муддати белгиланган товардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлса, сотувчи тегишли ҳолатларни бартараф этмагунча кафолат муддатининг ўтиши бошланмайди. Демак, бундай ҳолларда кафолат муддати товардан фойдаланиш учун тўсқинлик қилувчи сабаблар бартараф этилган пайтдан эътиборан ўта бошлайди.

Сотиб олувчига топширилган товардан рисоладагидек фойдаланишга ҳалақит берадиган камчиликлар чиқиб қолганида, бу тўғрида у кафолат муддати давомида ва ФКнинг 416-моддасида белгиланган тартибда сотувчига хабар қилиши зарур. Ушбу қоидага риоя қилинган тақдирда кафолат муддати, камчиликлар туфайли товардан фойдаланиб бўлмаган вақтга узайтирилади.

Товарнинг бутловчи буюмлари кафолат муддатига ҳам товар сифатининг кафолат муддатига ўхшаш қоида татбиқ қилинган (ФКнинг 404-моддасида). Бутловчи буюмнинг кафолат муддати асосий буюмнинг кафолат муддатига тенг ҳисобланади ва асосий буюмнинг кафолат муддати билан бир вақтда ўта бошлайди.

Кафолат муддати даврида камчиликлари туфайли фойдаланилмаган товарни сотувчи алмаштириб бериши керак. Товар ва унинг бутловчи буюмлари алмаштирилганда, кафолат муддати уларга нисбатан янгидан ўта бошлайди.

3-§. Товарнинг яроқлилик муддати ва уни ҳисоблаш

Ҳар қандай нарса (товар) маълум бир муддат ўтгач, ўзига хос дастлабки хусусиятларини йўқотади, унинг кучи заифлашади, ишдан чиқади ва фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолади. Истеъмолчиларнинг манфаатлари ҳисобга олинган тақдирда бундай товарни муомалага чиқариш ва сотиш мақсадга мувофиқ эмас.

Қонун ҳужжатларида, давлат стандартларида ва бошқа мажбурий қоидаларда товар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолади деб ҳисобланадиган вақт белгиланган бўлиши мумкин (ФК 405-м.). Бундай вақт товарнинг «яроқлилик муддати» деб аталади.

Сотувчи товарни сотишга таклиф қилганида ушбу товардан яроқлилик муддати тугагунига қадар ўз вазифаси бўйича тўла фойдаланиш имконияти мавжуд бўлиши лозим. Бундай талаб, айниқса, тадбиркорлар учун зарур, улар ўз фаолиятларини иймон, инсоф нуқтаи назаридан амалга оширишлари керак.

Баъзи энергия кучи берадиган ускуналар, асбоблар, маиший буюм батареялари ва, айниқса, дори-дармонларнинг фойдаланиш, яъни яроқлилик муддати уларга қўшиб сотиладиган қўлланмаларда, товар белгиларида ёки тегишли ҳужжатларда назарда тутилган бўлади. Сотувчи товарни сотишда унинг яроқлилик муддатига албатта риоя қилиши керак.

Товарнинг яроқлилик муддати товар тайёрланган кундан бошлаб фойдаланиш учун яроқли бўлган давр билан ёки товар фойдаланиш учун яроқли бўлиб турадиган сана билан белгиланади (ФК 406-м.).

Товарнинг харидорга берилиши пайтидан бошланадиган кафолат муддатини ҳисоблаш тартибидан фарқли ўлароқ, товарнинг яроқлилик муддати у тайёрланган кундан ёки товарнинг фойдаланишга яроқлилиги бошлангунгача бўлган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Умумий қоидага кўра, товарнинг фойдаланиш учун яроқли ёки яроқсиз ҳолатининг бошланиш ё тугаш муддати (вақти, даври) ёхуд сана қонунларга ёки бошқа меъёрий-

ҳуқуқий ҳужжатлар, техник хизматлар, қурилиш меъёрларига биноан белгиланади. Амалдаги қонунлар яроқлилик муддатларининг томонлар келишувига биноан белгиланишини назарда тутмайди.

Товар фойдаланишга яроқли бўлиб турадиган вақт даврининг белгиланиши аввало техник вазифадир. Бундай вазифа товар тегишли эҳтиёжларни қондиришга яроқли бўлиб турадиган вақт даврини белгилаш мақсадида товарларнинг табиий, кимёвий ва бошқа хусусиятлари ва сифатларини ўрганиш асосида ҳал этилади.

Тегишли давлат, давлатлараро органлар ёки давлат томонидан шундай ваколатлар берилган нодавлат муассасалар ўтказадиган мазкур тадқиқотларнинг натижалари қонунларда тегишлича тасдиқланганидан сўнг, барча учун мажбурий қоида тусига, ҳуқуқий ҳужжатларда мажбурий хусусиятга эга бўлади.

«*Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида*»ги қонуннинг 23, 26-моддаларида товарларнинг хавфсизлиги ва сифати (шу жумладан, яроқлилик муддати) бўйича мажбурий талабларни белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилишга ваколатли давлат органлари ва муассасалари рўйхати белгиланган. Уларга «Ўздавстандарт», давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меъморчилик ва қурилиш бўйича давлат қўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқалар киради.

Амалдаги қонунлар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) зиммасига товарга оид ишончли ва тушунарли ахборотни тақдим этиш вазифасини юклайди, бу ахборотда мажбурий тартибда товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва истеъмолчининг ана шу муддат ўттанидан кейин қилиши керак бўлган ҳаракатлари, шунингдек, кўрсатилган ҳаракатлар бажарилмаганда юз бериши мумкин бўлган оқибатларга доир маълумотлар берилиши лозим. Масалан, даволаш учун мўлжалланган товарларда, озиқ-овқат, маиший кимё воситаларида уларнинг ишлаб чиқарилган санаси, яроқлилик муддати ва сақлаш шартлари кўрсатилиши зарур. Сотувчиларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки яроқлилик муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва сотиши

тақиқланади (Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 11-м.).

Амалдаги қонунлар товардан фойдаланиш жараёнида истеъмолчи хавфсизлигининг қўшимча кафолатларини ўз ичига олади. Масалан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда (12-модда) хизмат қилиш ёки яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолларда ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш)нинг истеъмолчига сотилган кунидан бошлаб ўн йил мобайнида товарнинг хавфсизлигини таъминлаши шарт дейилган.

4-§. Товарнинг сифатини текшириш ва сифатсиз товарни топшириш оқибатлари

Товарнинг сифатини текшириш ва сифатсиз товарнинг топширилиши натижасида қуйидаги оқибатлар юзага келади:

а) Қонун ҳужжатларида ёки олди-сотди шартномасида товарнинг сифатини текшириш назарда тутилган бўлса, текшириш уларда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади (ФКнинг 407-м.).

Қонун истеъмолчининг товар сифатини текшириш ҳуқуқлари устунлигига асосланади. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг сифати, бутлиги, оғирлиги ва нархини текшириш ҳуқуқига (вазифасига эмас) эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи) эса назорат-ўлчов асбобларини, нарх ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этиши, уни амалда намойиш қилиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишга ўргатиши, зарур бўлганда эса товарни экспертизага юбориши шарт, деб кўрсатилган.

Айни пайтда жамоатчилик манфаатларидан келиб чиқиб ва истеъмолчининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, қонун тегишли ҳолларда товарнинг сифатини мажбурий тартибда текшириш талабини белгилаши ҳам мумкин. Бунда қонун чиқарувчи орган оғишмай риоя этилиши лозим

бўлган тегишли талабларни, товарнинг сифатини текшириш тартибини белгилаб беради.

Импорт қилинадиган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасида мажбурий талаблар тарзида қўлланиладиган андазаларга мувофиқлиги тасдиқланмаса, уларнинг етказиб берилиши ва мақсадга кўра фойдаланилиши мумкин эмас («Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонуннинг 6-м.). Масалан, «Уруғчилик тўғрисида»ги қонунда уруғларнинг навлари ва экиш хусусиятлари кўрсатилган сертификат мавжуд бўлгандагина уни сотишга йўл қўйилиши белгиланган. Ҳимоя этиладиган навларнинг реестрига ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилмаган навларни ва дурагайларнинг уруғликларини сотиш мумкин эмас. Шундай қилиб, уруғликлар ҳақидаги мазкур шартларга риоя этилганлигини текшириш сотувчининг ҳам, харидорнинг ҳам мажбурияти ҳисобланади.

Муайян ҳолларда товар сифатини аниқлаш иш муомаласи одатларига кўра ёки олди-сотди шартномасига биноан ёхуд топширилиши лозим бўлган товарни текширишнинг одатда қўлланиладиган бошқа шартларига мувофиқ ўтказилиши мумкин. Бундай қоида қонунчиликда ҳам, шартномада ҳам сифатини текшириш шартлари назарда тутилмаган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

Иш муомаласи одатлари ва тарзларини ҳамма ҳолларда ҳам муайян қатъий чекланган рўйхат билан белгилаб бўлмайди (ФКнинг 6-м.). Ҳар бир аниқ ҳолатда томонлар уларни фуқаролик қонунларининг умумий асослари ва принципларига мувофиқ белгилайдилар. Бунда шуни назарда тутиш керакки, иш муомаласи одатлари ва анъаналари савдо-иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг тадбиркорлик фаолиятида зарур феъл-атвор қоидалари сифатида мустаҳкам ўрин олган бўлсагина, томонларнинг феъл-атворини тартибга солиши мумкин.

Қонун ёки шартнома сотувчининг харидор талабига кўра товар сифатини текшириш вазифасини назарда тутган бўлса, сотувчи ана шундай текширишнинг амалга оширилганлиги ҳақидаги далилни унга тақдим этиши лозим.

Товар сифатининг сотувчи ва харидор томонидан текширилиши натижаларининг таққосланишини таъминлаш, бу хусусдаги баҳсларнинг олдини олиш мақсадида ФК 407-моддасининг 5-қисми товар сифатининг сотувчи ва харидор томонидан бир хил шарт-шароитлар асосида текширилиши зарурлигини тасдиқлайди.

Агар стандартлаштиришга доир қонун ҳужжатлари, давлат андазалари, техник шартлар ва бошқа қоидалар товар сифатини қабул қилишнинг бир неча вариантларини белгиласа, унда томонлар қайси қоидаларга риоя қилиши хусусида аниқ келишиб олишлари лозим. Агар шартномада товар сифатини текширишнинг аниқ бир тури кўрсатилмаган бўлса, унда ФКнинг «муқобил мажбуриятни бажариш» деб номланган 250-моддасида кўрсатилган тартибда вариантни танлаш ҳуқуқи сотувчи (ижрочи) ихтиёрида бўлади.

б) Қонун ҳужжатларида, ҳуқуқий адабиётларда товарнинг очиқ ва яширин нуқсонлари фарқланади. Очиқ нуқсонлар деганда, оддий қабул қилиш усулида ёки махсус назорат усуллари қўлланилиши натижасида (лаборатория шароитида) аниқланиши мумкин бўлган камчиликлар тушунилади. Яширин нуқсонлар деганда, товардан фойдаланиш ёки уни фойдаланишга тайёрлаш жараёнида аниқланадиган камчиликлар тушунилади.

Агар сотувчига шу нарса маълум бўлса, у харидорни товарнинг яширин ва очиқ нуқсонларидан хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда ФКнинг 434-моддасига биноан, харидор қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади:

– худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

– харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

– товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

– харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

– кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини.

Камчиликлар кафолат муддати ёки товарнинг яроқлилик муддати давомида, кафолат муддатлари белгиланмаган товарлар бўйича эса олти ой давомида аниқланган тақдирда, истеъмолчи юқорида кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин. Истеъмолчи кўчмас мулк берилганидан кейин икки йилгача (агар шартномага кўра кўпроқ муддат назарда тутилмаган бўлса) бундай ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мавсумий товарлар учун белгилаган муддат давомида фойдаланиши мумкин («Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-м.).

Харидор унга сотилган мажмуалар, гарнитурлар, комплектлар, комплексларнинг мустақил қисмларга ва мустақил нархга эга бўлган буюмларда камчиликлар борлигини аниқлаганда, у бутун мажмуа, гарнитур, комплексга нисбатан ва унинг таркибига кирадиган нуқсонли унсурларга нисбатан ҳам юқорида кўрсатилган талабларни қўйиши мумкин («Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-м.).

Харидор товарнинг алмаштирилишини ёки унинг камчилигини текинга бартараф этишни талаб қилиб бевосита сотувчига ёки ишлаб чиқарувчига мурожаат қилиши мумкин. Бундай вазиятда ФКнинг қарздорларнинг биргаликдаги мажбуриятларини тартибга соладиган 252, 254-моддаларида назарда тутилган оқибатлар юз беради. ФКнинг 408-моддасида ифодаланган муносабатлар «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13- («Харидорнинг унга камчиликларга эга товар берилган тақдирдаги ҳуқуқлари»), 14- («Камчиликларга эга товарни алмаштириш тартиби»), 15- («Товарнинг камчиликларини текинга бартараф этиш тартиби»), 16- («Харидорнинг камчиликларга эга товар сотиш нархини тегишлича камайтирилиши ёки шартноманинг бекор қилинишига бўлган ҳуқуқи»), 17- («Истеъмолчиларга камчиликларга эга товар сотилган ҳолда улар билан ҳисоб-китоблар»), 17- («Истеъмолчининг сифатсиз товарни алмаштириш ҳуқуқи») моддала-

ри ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5-§. Товарнинг сотувчи жавобгар бўладиган камчиликлари ва уларни аниқлаш муддатлари

Агар харидор товардаги камчиликлар товар унга топширилгунга қадар пайдо бўлганлигини ёки шу пайттача вужудга келган сабаблар туфайли пайдо бўлганлигини исботлаб берса, товарнинг камчиликлари учун сотувчи жавобгар бўлади.

Агар сотувчи сифатига кафолат берган товарнинг камчиликлари ушбу товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг юзага келганлигини ва сотиб олувчи товардан фойдаланиш ёки уни сақлаш қоидаларини бузганлиги ёхуд учинчи шахслар ҳаракати туфайли ёинки олдини олиб бўлмайдиган куч таъсирида пайдо бўлганлигини исботлай олмаса, сотувчи бу товарнинг камчиликлари учун жавобгар бўлади.

Умумий қоидага кўра, мол-мулкнинг тасодифий нобуд бўлиши ёки бузилиши таваккалчилиги, мабодо қонунларда ёки шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Шунинг учун агар харидор товарнинг камчиликлари ёки мол-мулкнинг бузилишига олиб келган сабаблар мулк берилгунига қадар вужудга келганлигини исботласа, сотувчи шу пайтда мол-мулкнинг эгаси бўлганлиги сабабли жавобгар бўлади. Сотиб олувчида эгалик ҳуқуқи шартнома бўйича; мабодо қонунларда ёки шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ашёнинг берилиши пайтидан бошлаб вужудга келади.

Бироқ товарнинг камчиликлари товар берилгунига қадар ёки ашёнинг харидорга берилишигача бўлган пайтда вужудга келган сабаблар бўйича рўй берганини исботлаш вазифаси сотиб олувчининг зиммасида бўлади, чунки ашёнинг камчиликларини аниқлаш пайтигача эгалик қилиш ҳуқуқи, бинобарин, ашёнинг тасодифий барбод бўлиши ёки бузилиши таваккалчилиги сотиб олувчига ўтган бўлади. Бундай ҳолда товарларнинг камчилиги учун сотувчи жавобгар бўлади. Агар сотувчи сифатига ўзи кафолат берган то-

варнинг камчиликлари ашё сотиб олувчига берилгандан сўнг, харидорнинг ундан фойдаланиши, товарни сақлаш қоидаларини бузганлиги оқибатида ёки учинчи шахслар (ташувчи, сақловчи ва шу кабилар) ҳаракати туфайли ёки олдини олиб бўлмайдиган табиий офат натижасида вужудга келганлигини исботлай олмаса, ушбу товарларнинг камчиликлари учун жавобгар бўлади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатларини таъминлашда халқаро ҳуқуқ принципларига (1980 йилги Вена конвенцияси, жумладан, 38, 39-моддалар) биноан, харидор сотиб олинган ашёнинг камчиликларини қонунда белгиланган муддатларда аниқлагани ҳолда сотувчига нисбатан тегишли талабларни қўйиши мумкин.

ФКнинг 446-моддасига мувофиқ, сотиб олувчи маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра, товарни олиш пайтида қабул қилинган товарларнинг миқдори ва сифатини текшириши ҳамда товарнинг аниқланган камчиликлари тўғрисида товар етказиб берувчини дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Лекин сотиб олувчи товарнинг камчиликларини уни қабул қилиш пайтидагина эмас, балки сотувчи товарни унга топширганидан кейин, яъни у товарга нисбатан мулк эгаси ҳуқуқига эга бўлганидан кейин ҳам аниқлаши мумкин. Камчиликлар товар топширилганидан кейин аниқланган бўлса, товарнинг кафолатланган бўлиши ёки бўлмаслигига қараб бундай аниқлаш муддати қанча вақт давом этиши ФКнинг 410-моддасида кўрсатилган.

Товарга кафолат муддатлари ёки яроқлилик муддати белгиланмаган ҳолларда, мабодо камчиликлар оқилона муддатларда, лекин товарнинг харидорга берилган кунидан бошлаб икки йил давомида аниқланган бўлса, харидор уларнинг аниқланиши билан боғлиқ талабларни қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қонунда сотиб олинган ашёнинг камчиликларини аниқлашнинг оқилона муддатини белгилаш мезонлари кўрсатилмаган. Айни пайтда суд амалиёти мазкур масалани ҳал этишда ашёнинг сифатига хос хусусиятлари, уни сотиб олиш шарт-шароитлари, сақлаш технологияси ва бошқа аломатларга асосланади.

Ҳар қандай ҳолда ҳам товарнинг камчиликлари аниқланиши лозим бўлган муддат икки йил билан чекланади, бу савдо-иқтисодий муносабатларнинг барқарорлигини, бир тартибга солинишини таъминлайди. Қонун ёки шартномага кўра бошқача муддатлар ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, кўчмас мулкка нисбатан қонун («Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 13-м.) кўчмас мулк харидорга берилган кунидан бошлаб икки йиллик муддатни белгилайдики, ана шу муддат давомида аниқланган камчиликлар сотувчига тегишли талабларни қўйиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Товарнинг кафолат муддати давомида ёки товарнинг белгиланган яроқлилик муддати доирасида камчиликлар аниқланганида сотиб олувчи бундай камчиликлар билан боғлиқ талабларни сотувчи олдига қўйиш ҳуқуқига эга бўлади (ФКнинг 403, 405-моддалари).

Бироқ гап бутловчи буюмларнинг камчиликлари ҳақида борганида қонун истеъмолчининг қаттиқ туриб ҳимоя этилишини таъминлашга асосланади. Қонунга мувофиқ, олди-сотди шартномасида бутловчи буюмга нисбатан камроқ кафолат муддати белгиланиши ёки бутловчи буюмга асосий буюмнинг кафолат муддатига нисбатан узоқроқ кафолат муддати белгиланган бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам бутловчи буюмнинг камчиликларини аниқлаган харидор, гап асосий буюм ёки бутловчи буюм ҳақида боришидан қатъи назар, узоқроқ муддатга асосланиб талабларни қўйишга ҳақлидир.

Товар камчиликларининг унинг кафолат муддати ёки яроқлилик муддати ўтиб кетганидан сўнг аниқланиши, умумий қоидага кўра, харидорни сотувчига талаблар билан мурожаат этиш имкониятидан маҳрум қилади. Харидор товарнинг камчиликлари товарнинг харидорга берилгунига қадар ёки шунгача вужудга келган сабабларга биноан содир бўлганлигини исботласа, сотувчи жавобгар бўлади, исботлай олмаса бундай камчиликлар учун сотувчи жавобгар бўлмайди. Демак, исботлаш вазифаси харидорнинг зиммасига юклатилади.

6-§. Товарнинг бутлиги ва бут бўлмаган товарни топшириш оқибатлари

Одатда «бутлик» тушунчаси техник жиҳатдан мураккаб буюмлар: асбоблар, машиналар, маиший техникага, яъни таркибий қисмлардан иборат бўлган кўпгина буюмларга нисбатан қўлланилади.

Илгариги қонунларда бутликни аниқлаш учун товарнинг аввало давлат андазалари, техник шартлар, прейскурантлар талабига мувофиқ келишини текшириш таклиф қилинарди. Эндиликда ФКнинг 411-моддаси бутлик ҳақидаги шартнинг томонлар олди-сотди шартномасига мувофиқ келиши ва сотувчининг сотиб олувчига ана шу бутлик тўғрисидаги шартларга мос тушадиган товарни топшириши шартлигини белгилайди.

Олди-сотди шартномасидаги бутлик ҳақидаги шарт буюмнинг таркибий (бутловчи) қисмлари: асосий буюмнинг қисмлари, механизмлари, агрегатларини санаб ўтиш сифатида ҳам ифодаланиши мумкин. Шунингдек, бутлик ҳақидаги шарт, мабодо шундай жиҳатлари мавжуд бўлса, аниқ қисмлар, алоҳида шартлар, прейскурантларни кўрсатиш сифатида ҳам ифодаланиши мумкин. Қонун ҳужжатларини бу сингари кўрсатиб ўтиш ҳар ҳолда шартноманинг шартлари ҳисобланади ва томонларнинг бу хусусдаги муносабатлари шартномавий тусга эга бўлади.

Стандартлаштиришга доир қонун ҳужжатларининг бутликка тегишли қисми тавсия хусусиятига эга бўлади. Томонлар, зарур бўлганда, буюмни сотиб олувчига кераксиз бўлган қандайдир қисмларсиз ёки асосий буюмнинг қандайдир таркибий қисмисиз берилиши ҳақида келишиб олишлари мумкин.

Олди-сотди шартномасида товарнинг бутлиги белгиланмаган ҳолларда сотувчи сотиб олувчига бутлиги иш муомаласи одатлари билан ёки одатда қўйиладиган бошқа талаблар билан белгиланадиган товарни бериши керак.

«Одатда қўйиладиган талаблар» деганда, у ёки бу буюмнинг бутлигини белгилайдиган стандартлаштиришга доир қонун ҳужжатлари, идоравий йўриқномаларда мавжуд

бўлган талаблар, товар-хомашё биржалари, кимошди савдолари, ярмаркалар ва шу кабиларда қарор топган шартларни тушуниш ҳам мумкин.

Асосий буюмнинг қисмлари бўлган буюмлардан фарқли тарзда, бут товарлар, уларнинг биргаликда қўлланиши билан боғлиқ бўлмаган айрим мустақил товарларнинг жами тўпламидан иборатдир. Бу товар тўғрисидаги шарт шартномавий шарт ҳисобланади, яъни олди-сотди шартномасида қатнашган тарафлар бут товарларнинг таркиби, сони, уни топшириш тартиби ҳамда муддатларини ўзаро келишиб оладилар. Сотувчи харидорга бут ҳолдаги барча товарларни айни бир вақтда топшириши лозим. Агар олди-сотди шартномасида назарда тутилган, келишилган бўлса, бут товарлар унинг қисмларини етказиб бериш йўли билан ҳам топширилиши мумкин. Мажбуриятнинг моҳиятидан бут товар қисмлари-ни бирин-кетин (бир вақтнинг ўзида эмас) топшириш лозимлиги ҳам келиб чиқиши мумкин.

Барча товарлар бут ҳолда топширилган пайтдан бошлаб мажбурият бажарилган деб ҳисобланади. Агар шартномага биноан, бут товар айрим-айрим ҳолда, босқичма-босқич топширилса, бут товарлар таркибига кирган товарлардан энг сўнгтиси топширилган вақт шартнома бажарилган вақт деб ҳисобланади.

Олди-сотди шартномасининг товарлар бутлиги ҳақидаги ёки бут товарларни етказиб бериш тўғрисидаги шартлари бузилган тақдирда унинг учун бир хил оқибатлар белгиланади. Ушбу ҳолларда сотувчи, ўз истагига биноан, харид нархини тегишли равишда камайтиришни ёхуд товарни оқилона муддатда бутлаб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сотувчи харидорнинг товарни оқилона муддатда бутлаб бериш ҳақидаги талабини бажармаган ҳолдагина, харидор ўз хоҳишига кўра бут бўлмаган товарни бут товарга алмаштириб беришни талаб қилишга, олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортишга ва товар учун тўпланган пул суммасини қайтариб беришни, шунингдек, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

Юқорида келтирилган оқибатлар сотувчининг сотиб олувчига бут товарларни топшириш мажбурияти бузилган ҳолларда ҳам қўлланилади.

7-§. Идиш ва ўраш. Товарларни идишсиз ва (ёки) ўралмаган ҳолда топшириш оқибатлари

Стандартлаш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан, идиш товарни жойлаштириш учун зарур мустақил буюм саналиб, у товарнинг сотувчидан (тайёрловчидан) сотиб олувчига топшириш, етказиб бериш жараёнида ҳамда уни сақлаш давомида сон ҳамда сифат жиҳатидан сақланишини таъминлайди. Ўраш восита ёки воситалар туркуми бўлиб, у товарни йўқолишлардан, атроф-муҳитни шикастланишдан ҳимоялайди ва товарларнинг муомала жараёнини енгиллаштиради. Идиш ҳам, ўраш материали ҳам алоҳида олди-сотди ашёси бўлиб хизмат қилиши (масалан, қутичалар, яшиклар ва бошқалар сотиб олувчига сотилса) ёхуд етказиб берилаётган товарларга қўшиб жўнатилиши мумкин.

Биринчи ҳолда идиш ва ўраш материалига «товар сифатидаги идиш» деб, иккинчи ҳолда эса «товарга қўшимча идиш» деб қаралади. Идишдан бир марта ёхуд кўп марта фойдаланиш мумкин. Икки ёки ундан кўпроқ марта фойдаланиладиган идишлар кўп марта фойдаланиладиган идишлар сирасига киради. Тарафлар шартномада кўп марта ёки махсус фойдаланиладиган идишларни қайтариш тартиби ва муддатларини, унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тартибини назарда тутиши мумкин. Қонун ҳужжатларида идиш ва ўраш учун ягона ҳуқуқий режим белгиланган.

Умумий қоидага биноан, сотувчи товарни идишда ёки ўралган ҳолда топшириши шарт. Олди-сотди шартномасида ўз техник, жисмоний ҳолатларига кўра товар ўрашни, идишдан фойдаланишни талаб қилмаган ҳоллар ушбу қоидадан истисно сифатида назарда тутилиши мумкин. Агар идиш ва ўрашга нисбатан қонунда белгиланган тартибда мажбурий талаблар назарда тутилган бўлса, тадбиркорлик фаолияти юритаётган сотувчи ва сотиб олувчи товарни

ўраш ва идишга солиш ҳақидаги талабларга амал қилиши лозим.

Идишга жойланиши ва (ёки) ўралиши лозим бўлган товар сотиб олувчига идишсиз ва (ёки) ўралмаган ҳолда топширилган тақдирда ёки товарнинг тегишли идишга жойланмаган ва тегишли даражада ўралмаган ҳолда топширилган тақдирда, яъни сифати тегишли даражада бўлмаган идиш, ўраш материалларидан фойдаланилган бўлса, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштиришини ва (ёки) ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва (ёки) ўраш материалларини алмаштиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Сотувчига ушбу талабларни қўйиш ўрнига, сотиб олувчи унга сифати тегишли даражада бўлмаган товарни топширишдан келиб чиқадиган ва ФКнинг 434-моддасида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли. Масалан, сотиб олувчи ўз ҳисоби ва маблағидан товарни ўраб, идишга жойлаштириб олиши, идишдаги камчиликларни бартараф этиши ва сотувчидан юқоридаги чиқим туфайли қилган харажатларни қоплашни талаб этиши мумкин. Ушбу қоида аввалги қонунларда йўқ эди ва у Халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Вена конвенциясига мос келади.

8-§. Олди-сотди шартномаси тегишли даражада бажарилмагани ҳақида сотувчини хабардор қилиш ёки қилмаслик оқибатлари

Товар муомаласига барқарорлик ва мустаҳкамлик бахш этиш мақсадида, сотиб олувчининг зиммасига ўз вақтида, мумкин қадар қисқа муддат ичида олди-сотди шартномасининг шартлари бузилгани ҳақида сотувчига маълум қилиш мажбурияти юклатилади. Бу, аввало, товарлар миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, идиши ва (ёки) ўралиши тўғрисидаги шартнома шартлари бузилишига тааллуқлидир.

ФКнинг 416-моддасида назарда тутилган қоида истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоялашнинг қўшимча кафолатларини ўз ичига олади. Сотиб олувчи қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар ёки шартнома шартлари бузилгани тўғрисида сотувчига оқилона муддатда маълум қилмаса,

сотувчи қуйидаги ҳоллардагина сотиб олувчининг тегишли талабларини қондиришдан тўлиқ ёки қисман бош тортишга ҳақли бўлади:

а) белгиланган муддат ўтиши туфайли сотиб олувчининг талабларини қаноатлантириш мумкин эмаслиги исботланса;

б) сотувчи олди-сотди шартномасининг шартлари бузилгани ҳақида ўз вақтида хабардор қилинганида сарфлаши мумкин бўлган маблағларга нисбатан номутаносиб харажатларга олиб келинмаслиги исботланса. Демак, исботлаш вазифаси сотувчининг зимасига юклатилади. Сотувчи исботлай олмаган ва бошқа барча ҳолларда товарнинг миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, идиши ва (ёки) ўралиши учун сотиб олувчи олдида жавобгар бўлади.

Агар сотувчи сотиб олувчига топширилган товарлар олди-сотди шартномаси шартларига жавоб бермаслигини билса ёки билиши лозим бўлса, бу тўғрида сотиб олувчига хабар қилиш мажбуриятини бажармаганлигини важ қилиб кўрсатишга ҳақли эмас. Демак, агар сотувчи товарнинг олди-сотди шартларига жавоб бермаслигини олдиндан билса ёки билиши лозим бўлса, сотиб олувчи ўзининг хабар қилиш мажбуриятини бажарган-бажармаганлигидан қатъи назар, сотувчи жавобгарликдан озод бўлмайди.

IV *боб.* ЧАКАНА ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

1-§. Чакана олди-сотди шартномаси ҳамда уни тузиш ва бажариш тартиби

ФКнинг 425-моддасига мувофиқ, чакана олди-сотди шартномаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган сотувчининг сотиб олувчига шахсий мақсадларда, рўзғорда ёки тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини ифодалайди. Чакана олди-сотди шартномаси оммавий ҳисобланади. ФК да олди-сотди шартномаси турлари ичида чакана олди-сотди шартномасига алоҳида ўрин бери-

лади, Унга 12 модда (425-436-моддалар)дан иборат алоҳида параграф бағишланган. 1963 йилги ГКда чакана олди-сотди шартномасига параграфсиз беш модда бағишланган эди, холос. Янги параграфда келтирилган мажбурий (императив) қоидалар, биринчи навбатда, истеъмолчиларнинг манфаатларини таъминлашга йўналтирилган. Бу табиий ҳол, чунки ҳар биримиз ҳар куни дўконларда, универмагларда, супермаркетларда ва бошқа савдо корхоналарида бирор нима харид қиламиз, лекин сотувчи ва харидор ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигини эсламаймиз. Чакана савдо шартномаси оммавий шартнома деб таърифланади, бу эса ҳар қандай шаклдаги савдо корхоналари зиммасига товарларни фуқароларни, харидорларни тоифаларга ажратмаган ҳолда, бир хил баҳода сотиш мажбуриятини юклайди.

Чакана олди-сотди шартномаси бўйича сотувчи сифатида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс ёки фуқаро иштирок этади. Сотиш учун эмас, балки фақат шахсий мақсадларда фойдаланиш учун керакли бўлган товарлар чакана олди-сотди шартномасининг мавзуи (предмети) бўлиши мумкин. Чакана олди-сотди шартномасида ФК нинг оммавий шартнома ҳақидаги 358- ва қўшилиш шартномасига бағишланган 360-моддасининг умумий қоидалари ўз аксини топган. Чакана олди-сотди шартномасида кўп ҳолларда сотувчи унинг шартларини бир томонлама тартибда белгилайди. ФКда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида мустаҳкамлаб қўйилган қоидалар акс эттирилган. Унда сотувчининг товар ҳақида нотўғри ахборот берганлиги учун жавобгарлиги, товарларни намуналар бўйича, автоматлар орқали ва келишилган жойга етказиб бериш шарти билан сотиш қоидалари назарда тутилади.

Чакана олди-сотди шартномасининг ўзига хос томони унда иштирок этувчи субъектларнинг таркибида намоён бўлади. Бу шартномага кўра, фаолиятининг асосий мақсади истеъмолчиларга товарларни сотишдан иборат бўлган ҳар қандай шаклдаги корхоналар, ташкилотлар ва идоралар со-

тувчи бўлиб иштирок этади. Бундан ташқари, юридик шахс бўлмаса-да, лекин тегишли ҳуқуқни берувчи ҳужжатга (лицензияга) эга бўлган, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро ҳам сотувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, истеъмолчи деганда, товарларни қайта ишлаб чиқариш учун эмас, балки шахсий маиший эҳтиёжи учун сотиб олувчи фуқаро тушунилади. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган қонунлар юксак даражада ривожланган кўпгина мамлакатларда истеъмолчи деганда, сотиб олинаётган товарнинг хусусиятлари ҳақида махсус билимларга эга бўлмаган шахс тушунилади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, ФКда назарда тутилган қоидалар маъносидан истеъмолчиларнинг (харидорларнинг) қуйидаги ҳуқуқлари келиб чиқади:

– товар ҳақида, шунингдек, уни ишлаб чиқарувчи (сотувчи) ҳақида тўлиқ ахборот олиш;

– товарлар ичидан исталганини танлаб олиш ва унинг тегишли сифатга эга бўлишини талаб қилиш;

– товар хавфсизлигини таъминлашни талаб қилиш;

– товардан, шунингдек, ишлаб чиқарувчининг қонунга мос келмайдиган ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ ундириб олиш;

– бузилган ҳуқуқлар ёки қонун томонидан ҳимояланадиган манфаатларни муҳофаза қилиш учун суд ёки бошқа давлат назорати органларига мурожаат қилиш;

– истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотларини тузиш.

Чакана олди-сотди шартномаси кўпгина турларга бўлинади ва улар ҳозирги пайтда талайгина қонун ҳужжатлари ёрдамида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турилади. Фуқароларнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган шартномаларнинг энг муҳим тури бўлгани ҳолда, чакана олиш-сотиш турлича бўлиши мумкин.

Чакана олиш-сотишнинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

– товарларни кредитга сотиш;

– товарларни илгаридан берилган буюртма бўйича сотиш;

– намуналар бўйича сотиш;

– ўз-ўзига хизмат йўли билан сотиш ва ҳоказо.

Буларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатларига эга бўлиб, уларнинг умумий хусусиятлари ФКда ва «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган.

Чакана олди-сотди шартномаси битимлар учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин. Масалан, агар у тузилиш пайтининг ўзидаёқ бажарилаётган бўлса, оғзаки шаклда ёки конклюдент, яъни шартнома тузишни оғзаки изҳор қилмасдан, муайян ҳара-катларни бажариш йўли билан тузилган бўлиши мумкин (ФКнинг 430-м.). Лекин уларнинг баъзи бир турлари бўйича албатта ёзма шаклда тузилган бўлиши талаб этилади. Жумладан, товарларни намуналари бўйича сотиш тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ, товар чекини бериш, автоматдан товарни олиш, товарларни сотиб олувчига етказиб бериш квитанция (патта) ёки бошқа белгиланган шаклдаги ва мазмундаги ҳужжатлар воситасида расмийлаштирилади. Бундай квитанция ва ҳужжатлар, ФКнинг 107-моддасига мувофиқ, битимнинг ёзма шаклига тенглаштирилади.

Умумий қоидага биноан, чакана олди-сотди шартномаси сотувчи томонидан сотиб олувчига касса ёки товар чеки ё товар ҳақи тўланганлигини исботловчи бошқа ҳужжат топширилиши билан лозим даражада тузилган деб тан олинади. Лекин бундан чакана олди-сотди шартномаси албатта ёзма шаклда бўлиши керак, деган маъно англашилмайди. Касса чеки ҳам, товар чеки ҳам, шунингдек, товар ҳақи тўланганлигини исботловчи ҳужжат ҳам ФКнинг 107-моддасида назарда тутилган ёзма шаклдаги шартнома ҳисобланмайди ва унга қўйиладиган талабларга жавоб бермайди. Шартноманинг моҳиятига кўра, касса ва товар чеклари шартноманинг тузилганлигини ҳамда унинг шартлари бажарилганлигини (касса чеки – товар баҳосини, товар чеки

эса нарсани ва унинг баҳосини) кўрсатувчи ёзма ҳужжатлар қаторига киради.

Касса ёки товар чекининг, шунингдек, бошқа ҳужжатнинг сотиб олувчида бўлмаслиги унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан бош тортиш учун асос бўлмайди. Чунки чакана савдо соҳасида олди-сотди шартномаси, ФК нинг 106, 108-моддаларида белгиланган умумий қоидага биноан, оғзаки шаклда тузилади ва товарни сотиб олувчи уни ҳақиқатда сотиб олинганлигини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан исботлаш имкониятидан маҳрум бўлмайди.

Товар чакана олди-сотди шартномаси бўйича, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар фақат ФК билан эмас, балки Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини ва хавфсизлигини стандартлаштириш, ўлчаш; Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисидаги қонунлар, шунингдек, ана шу қонунларга мувофиқ қабул қилинган ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997 йил 14 июлда 335-сон билан «Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари алоҳида турларини чаканалаб сотиш қоидалари», «Умумий овқатланиш маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари» ҳамда «Чакана савдо корхоналарида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни чакана савдо корхоналарида сотиш қоидалари» тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинган.

Чакана олди-сотди соҳасида оммавий оферта, яъни таклиф кенг ишлатилади. Оммавий оферта деб сон жиҳатдан доираси чекланмаган шахсларга (истеъмолчиларга) ва уларнинг мақсадларини ифода этишга қаратилган таклифга айтилади. Чакана олди-сотди жараёнида оферта оммавий тус олади, чунки реклама ва бошқа таклифлар ноаниқ шахслар доирасига қаратилган бўлиб, унда таклифга жавоб берадиган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартларга асосан шартнома тузиш лозимлиги назарда тутилади (ФКнинг 426-м.). Оммавий оферта эълон қилинганда, сотувчи келгусида шартнома тузишдан воз кечишга ҳақли эмас (ФК 358-377, 369-моддалари).

Чакана олди-сотди шартномасида офертанинг хусусияти шундаки, офертада товарнинг нархи ва шартноманинг бошқа асосий шартлари кўрсатилмаган бўлса ҳам, у оммавий деб ҳисобланади (сотувчи шу товарларнинг сотилмаслигини аниқ белгилаб қўйган ҳолатлар бундан мустасно).

Агар товар у таклиф қилинган жойда бўлмаса, чакана олди-сотди шартномасининг барча асосий шартлари тегишли тарифлар ва каталогларда аниқ фотосуратлар орқали кўрсатилган бўлиши лозим.

Чакана олди-сотди шартномасининг хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, унга мувофиқ, сотувчининг мажбуриятни бажармаганлиги учун зарарни қоплаши ва неустойка тўлаши уни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди (ФК 436-м.). Ушбу қоидада, истисно сифатида, ФК 396-моддасининг 2-қисмида белгиланган умумий қоидадан чекинишга йўл қўйилади. Агар «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда ва унга мувофиқ қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларида, шунингдек, шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, чакана олди-сотди бўйича мажбурият лозим даражада бажарилмаган тақдирда, неустойка тўлаш ва зарарни қоплаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

Умумий қоидага биноан, сотувчининг зиммасига сотилаётган товар ҳақида сотиб олувчига тўлиқ ва тўғри ахборот бериш вазифаси юклатилади (ФК 427-м.).

Товар ҳақида берилган ахборот сотиб олувчида товарнинг хусусиятларига оид тўғри ва ишончли фикрни ҳосил қилиши лозим. Суд товар ҳақида тўлиқ ахборот берилмаганлиги сабабли вужудга келган низони кўришда, сотиб олувчининг бу масала бўйича етарли даражада махсус маълумоти йўқлигини фараз қилиши керак. Чунки берилган ахборотнинг ўзи, тўла ва тўғрилиги жиҳатдан, сотиб олувчида товар ҳақида яхши тушунча ва танлаш учун зарур бўлган имконият яратиши лозим. Товар ҳақида берилган ахборот у ҳақда тегишли ҳужжатларда келтирилган маълумотлардан фарқ қилмаслиги ва уларга мос келиши зарур.

Сотувчи сифатида иштирок этаётган чакана савдо корхонаси сотиб олувчига ўзи ҳақида, товар ва уни ишлаб чиқарувчи шахс тўғрисида тўлиқ ва тушунарли ахборот бериши лозим. Бундай ахборот сотувчи ва ишлаб чиқарувчининг номланиши, уларнинг манзили, ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолият йўналишлари кабиларни ўз ичига олади. Агар товарни фуқаро сотаётган бўлса, унинг фаолияти расмий равишда қайд этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар берилиши зарур.

Товар ҳақидаги маълумотларга қуйидагилар киради:

– товар мувофиқ келиши лозим бўлган қонун ҳужжатларининг белгиланиши;

– асосий истеъмол ва махсус хусусиятлар рўйхати;

– товарнинг баҳоси ва сотиб олиш шартлари, товар ишлаб чиқарилган сана, ишлаб чиқарувчининг кафолат мажбуриятлари, шунингдек, товарнинг яроқлилик муддати;

– товарни самарали ва хавфсиз қўллаш қоидалари ва шартлари;

– товарни сақлаш қоидалари ва усуллари;

– товарни тўғри ва хавфсиз қўллаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Товар ҳақида зарур ахборотнинг йўқлиги шундай ахборотни давлат бошқарувининг тегишли органи томонидан талаб қилиб олингунига қадар уни сотишни тўхтатиб туришга олиб келади. Товар ҳақида тегишли ахборот берилмаган тақдирда унинг оқибатлари, чакана олди-сотди шартномасининг тузилган ёки тузилмаган бўлишига қараб, ҳар хил бўлади.

Агар ахборот шартнома тузилишидан олдин берилмаган бўлса ва шу туфайли шартнома тузилмаган бўлса, сотувчи харидорга етказилган зарарни қоплаши керак. Шартнома тузилган бўлса, сотиб олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

– оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортиш, товар учун тўланган сумманинг қайтарилишини ва шу туфайли етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш;

– товар ҳақида тўлиқ ва тўғри ахборот бўлмаганлиги туфайли товардаги камчиликлар учун ФКнинг 434-моддасига мувофиқ даъво қўзғатиш;

– агар товар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун эмас, балки истеъмол учун сотиб олинган бўлиб, фуқаронинг ҳаётига, соғлиғига ва мулкига зарар етказилган бўлса, ушбу зарарни қоплашни талаб қилиш (ФК 1017-м.).

Чакана олди-сотди шартномасига биноан, товар сотиб олувчи томонидан белгиланган муддатда қабул қилиниш шарти билан сотилиши мумкин (ФК 428-м.). Бу муддат ичида товар бошқа сотиб олувчига сотилиши мумкин эмас, акс ҳолда ФКнинг 331-моддасида назарда тутилган қоида татбиқ қилинади.

Товарнинг сотиб олувчига топширилгунга қадар сақланиш муддати тарафларнинг келишуви билан оқилона чегарада белгиланиши керак. Сотиб олувчи товарни олиб кетиш учун келмаса, бу унинг шартномани бажаришдан бош тортганидан далолат беради ва бунинг учун жавобгар бўлади. Сотувчининг товарни белгиланган муддатда топширишни таъминлаш борасидаги қўшимча харажатлари товарнинг баҳосига қўшилади.

Аммо қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Агар сотувчи товарни белгиланган сақлаш муддати тугамасдан илгари сотиб юборса, сотиб олувчи сотувчидан шартноманинг бузилиши натижасида кўрган зарарини қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Сотиб олувчининг талабига кўра, товарни сотувчидан қабул қилиб олгунча бўлган муддат давомида товарнинг устига унинг сотилганлиги ёзиб қўйилади (белги қўйилади). Агар товарнинг ҳақи тўланган бўлиб, у сақлаш муддати давомида олинмаган бўлса, сотувчи бундай товарни сақлаш учун қабул қилади. Товарнинг сотиб олувчи томонидан қабул қилинишигача бўлган вақт давомида шикастланмаслиги ёки яроқсиз ҳолга келмаслиги учун масъулият сотувчининг зиммасида бўлади.

Чакана олди-сотди шартномаси товарларнинг намунаси (тариф, каталог ва ҳоказо) бўйича тузилиши мумкин (ФК 429, 431-моддалари).

Сотиладиган товарларни харидорларга таништириш мақсадида уларнинг намуналари савдо залларида, дўконларда намойиш қилинади. Тегишли каталогларда товарларни таърифлаш ва тасвирлаш ҳам шундай мақсадда амалга оширилади.

Товарлар сотиб олувчига савдо залида, дўконнинг ўзида намуна бўйича топширилиши ёки улгуржи ва чакана савдо омборларидан ёинки товарларни ишлаб чиқарувчи корхонадан сотиб олувчининг турар жойига етказиб берилиши мумкин. Агар товарлар савдо залида, дўконда топширилмасдан, етказиб бериладиган бўлса, уларнинг намунаси намойиш қилишга қўйилганлиги аниқ белгиланган бўлиши лозим.

Намуна бўйича чакана савдо қилиш асосан катта ўлчовли товарларга, масалан, мебеллар, дала уйчалари ёки маиший техника буюмлари, масалан, совуттич, телевизор каби буюмларга, шунингдек, қурилиш материали ва истеъмолчининг махсус тайёргарликсиз олиб кетиши қийин бўлган бошқа товарларга нисбатан қўлланилади. Бунда техника буюмларини созлаш ва ишлатиш, мебелларни йиғиш каби хизматлар ҳам бажарилади. Харидор буюртмани расмийлаштириш пайтида бир йўла товарнинг нархини, уни етказиб бериш, йиғиш ва ўрнатиш ҳақини ҳам тўлайди.

Товар истеъмолчига етказиб берилган кун товарнинг сотилган куни деб ҳисобланади.

Товарни сотиб олувчига етказиб бериш, йиғиш, ўрнатиш, ишлатиб бериш шарти билан тузилган намуна бўйича чакана олди-сотди шартномаси, ФКнинг 354-моддасига мувофиқ, аралаш шартнома ҳисоб-ланади, чунки унда олди-сотди ва етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатиш шартномаларининг турли элементлари мавжуд. Шунга асосан унга таркибида кўрсатилган элементлар мавжуд бўлган шартнома қоидалари татбиқ этилиши керак.

Товарлар билан автоматлар орқали чакана олди-сотди қилиш борган сари кенг тарқалиб бормоқда. Автомат деганда, товарларни сотувчи, жисмоний шахснинг бевосита иштирокисиз, сотадиган турли механик ва электрон ускуналар тушунилади. Олди-сотдида автоматлар қўлланилган-

да, автоматларга эгалик қилувчи шахс ва улардан товарларни сотишда фойдаланувчи шахс бошқа-бошқа бўлиши мумкин, яъни сотувчи автоматни ҳам, у ўрнатилган жойни ҳам ижарага олган бўлиши мумкин. Пули тўланган товар сотиб олувчига топширилмаган тақдирда, бунинг учун бутун жавобгарлик сотувчига (агар у автоматнинг эгаси ҳам бўлса, акс ҳолда сотувчининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари автоматларнинг эгасига) юклатилади, автоматларнинг нотўғри ишлаши натижасида сотиб олувчига зарар етказилган ҳолларда жавобгарлик автоматларнинг тўғри ва бенуқсон ишлашини таъминлаши лозим бўлган ташкилотга юклатилади. Автомат орқали топширилган товарлар идишсиз ёки ўралмаган бўлса, шунингдек, сифати тегишли даражада бўлмаса, сотиб олувчи ФКнинг 415, 434-моддаларига мувофиқ, сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар автомат орқали пуллар майдаланадиган, тўлов белгилари олинадиган ёки валюталар алмаштириладиган бўлса, бундай ҳаракатларга нисбатан ФКнинг 430-моддаси ва чакана олди-сотди тўғрисидаги ўзга қоидалар қўлланилади. Мазкур моддада келтирилган қоидалар автоматлар орқали сотиладиган барча турдаги товарларга тегишлидир. Товарларни автоматлар орқали сотиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Чакана олди-сотди шартномаси товарни сотиб олувчига етказиб бериш шарти билан тузилган бўлиши мумкин (ФК 431-м.). Товарни етказиб бериши керак бўлган жой сотиб олувчи – фуқаронинг яшаб турган (юридик шахснинг жойлашган) жойидан иборат бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Агар товарни етказиб бериш бўйича тузилган квитанцияда ёки ўзга ҳужжатда бошқа жой (адрес) кўрсатилмаган бўлса, товар сотиб олувчи фуқаронинг яшайдиган, юридик шахснинг эса жойлашган манзилига етказиб берилиши лозим. Олди-сотди шартномаси товар сотиб олувчига ёки унинг вакилига топширилгандан кейин бажарилган деб ҳисобланади. Товарни етказиб бериш шарти билан тузилган шартномада уни бажариш муддати кўрсатилмаган бўлса, у сотиб олувчи бажариш ҳақида талаб қўйганидан кейин оқилона муддатда етказиб берилиши лозим. Товар

сотиб олувчига топширилиб, у ҳақда товарнинг етказиб берилгани тўғрисидаги ҳужжатга белги қўйилганидан сўнг, унинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи сотиб олувчига ўтади. Одатда шартномаларда катта ҳажмдаги товарларни етказиб бериш назарда тутилади. Шартномада томонлар товарни йиғиб бериш ёки уни ишлайдиган ҳолга келтириш (созлаш) учун алоҳида ҳақ тўлаш ҳақида келишиб олишлари мумкин.

Чакана олди-сотди шартномасига биноан, товар ҳақи шартнома тузиш пайтида сотиб олувчи эълон қилган нархда тўланади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда товар ҳақи ваколатли давлат органи белгилаган нархда тўланади. Агар нарх шундай тартибда белгиланган бўлса, сотувчи унга юқори нарх эълон қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Товар ҳақини тўлаш қоидалари ФКнинг 419-моддаси билан белгиланади. Шартномада товар ҳақини олдиндан тўлаш (ФК 420-м.), товарни насияга сотиш (ФК 426-м.), товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш (ФК 422-м.) назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин.

Товарларнинг ҳақини тўлаш шакли ва тартиби сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг товарларни кредитга сотиш ҳақидаги қоидалари билан белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Товарларни дўконлар орқали сотишда, дўкон қайси идорага тегишли эканлиги ва мулк шаклидан қатъи назар, сотиб олувчига дўконнинг рақами ёки номи, товарнинг нархи, унинг сотилиш санаси ёзилган касса ёки товар чеки берилади.

Одатда чакана олди-сотди шартномасининг оғзаки шакли кўпроқ қўлланилади, унда товарни топшириш ва унинг ҳақини тўлаш бир вақтда амалга оширилади. Шартноманинг ёзма шакли кредитга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилганда қўлланилади.

Чакана олди-сотди шартномасида товар ҳақини олдиндан тўлаш белгиланган бўлса, шартноманинг бажарилиши товар ҳақи тўланган вақтдан бошланади. Сотиб олувчининг товар ҳақини белгиланган муддатда тўламаслиги унинг шартномани бажаришдан бош тортиши деб тан олинади, бу

ҳолда сотувчи сотиб олувчи томонидан шартноманинг бажарилмаганлиги оқибатида ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

2-§. Сифатли ва сифати тегишли даражада бўлмаган товарни топшириш оқибатлари

Сотиб олувчига нафақат сифатли товар олиш, шу билан бирга, товарни худди шундай, лекин бошқа ўлчам, бошқа шакл ва бошқа рангдаги товарлар билан алмаштириш ҳуқуқи ҳам берилади. Агар алмаштирилаётган товарларнинг нархлари мос келмаса, қайта ҳисоб-китоб қилинади. Алмаштириш товар сотиб олинган жойда ёки сотувчи маълум қилган бошқа жойларда, товарнинг айнан шу сотувчидан олинганлигини тасдиқловчи чек (касса чеки) тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади. Қонунда алмаштириш муддати товар сотиб олинганидан кейин 10 кун қилиб белгиланган. Бу муддат сотувчи билан келишилган ҳолда узайтирилиши мумкин. Алмаштириш фақат товар ишлатилмаган, кўринишини йўқотмаган ва ўз хусусиятларини сақлаб қолган ҳолдагина амалга оширилади. Алмаштириш асосан озиқ-овқат товарларига тааллуқли. Чакана савдо мажмуасида сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари қайта қабул қилинмайди ва алмаштирилмайди, уларда кўринмас нуқсон ёки тоифасига мос келмайдиган хусусият аниқланган ҳоллар бундан мустасно. Бу ҳолда товар алмаштириб берилади ёки сотиб олувчига унинг тўлаган пули қайтарилади[1].

Сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганда, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади:

– худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

---

[1] *Қарант:* «Ўзбексавдо» Давлат уюшмасининг 1993 йил 3 мартдаги 28-сон буйруғи билан тасдиқланган «Чакана савдо мажмуаси корхоналарининг вақтинчалик иш тартиби».

– харид нархини тегишлича қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

– товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилган харажатларнинг қопланишини;

– харид нархининг мутаносиб равишда камайтирилишини;

– кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини (ФК 434-м.).

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтида сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас. Ушбу қоида сотиб олувчининг манфаатлари қонунда қай даражада ҳимоя қилинганлигидан далолат беради. Товарни алмаштиришда унинг нархидаги фарқни қоплаш, харид нархининг пасайиши ва сифати тегишли даражада бўлмаган товарни қайтариш бўйича қилган харажатларни қоплаш тартиби ФК нинг 435-моддасида белгилаб қўйилган.

Товар нархини қайтадан ҳисоб-китоб қилишга унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирдагина йўл қўйилади. Сифати тегишли даражада бўлган товар алмаштирилганда, унинг нархи қайта ҳисоб-китоб қилинмайди (ФК 433-м.).

Сотиб олувчи сифати тегишли даражада бўлмаган товарни сифатли товарга ёки худди шундай, бироқ ўлчами, андазаси, нави ва бошқа белгилари ўзгача бўлган сифати тегишли даражадаги товарга алмаштиришни талаб қилишга ҳақли. Талабларнинг турлича бўлишига қараб, ФКнинг 434-моддасида тегишлича қоидалар назарда тутилган. Худди шундай товар билан алмаштириш юз берган тақдирда, сотиб олувчига етказилган зарар унга сифати тегишли даражада бўлган шунга ўхшаш товарни бериш йўли билан қопланади. Шундай экан, агар товарнинг нархи кўтарилган бўлса, сотиб олувчи нархлар ўртасидаги фарқни сотувчига

тўламайди, шунингдек, сотувчи ҳам товарнинг нархи пасайиши туфайли юзага келган фарқни сотиб олувчига тўламайди.

Нуқсонли товарни бошқа моделдаги (бошқа шаклдаги ёки бошқа артикулдаги) товарга алмаштириш вақтида, агар алмаштирилаётган товарнинг нархи унинг ўрнига таклиф қилинган товарнинг нархидан пастроқ бўлса, сотиб олувчи нархлар ўртасидаги фарқни тўлаши лозим, агар баландроқ бўлса – сотувчи шу фарқни қайтариб беради.

Мазкур ҳисоб-китоблар вақтида алмаштирилаётган товарнинг нархи кўтарилиб кетган бўлса, талаб қилинган вақтдаги нархи қўлланилади, товарнинг нархи тушиб кетган бўлса, сотиб олиниш вақтидаги нархи қўлланилади.

Шартнома бекор қилинаётган вақтда товарнинг нархи кўтарилган бўлса, сотиб олувчи билан бўладиган ҳисоб-китоб товарга нисбатан тегишли талаб қилинган пайтдаги нархдан келиб чиқиб амалга оширилади, товарнинг нархи тушиб кетган бўлса, унинг сотиб олиниш вақтидаги нархидан келиб чиқиб амалга оширилади.

V *боб.* МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

1-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси ва уни тузиш тартиби

Илгари «маҳсулот етказиб бериш шартномаси» (рус тилида «договор поставки») деганда, унинг социалистик мулкка ва режага асосланган, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартнома эканлиги тушунилларди. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши билан ушбу шартнома моҳияти, мазмуни ва вазифаси жиҳатидан тубдан ўзгарди. Эндиликда маҳсулотни етказиб бериш шартномасининг иқтисодий манбаини мулкчиликнинг барча шакллари баб-баравар, унда қатнашувчи тарафларнинг таркибини эса тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ва фуқаролар ташкил эта-

ди. Шунга кўра, маҳсулотни етказиб бериш шартномаси ФКнинг 437-моддасида қуйидагича таърифланади: «Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи – сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади».

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси эркин тадбиркорликда товарлар олди-сотдиси бўйича кенг тарқалган тижорат амалиётида қўлланадиган шартномалардандир. У малакали сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасида улгуржи товарлар олди-сотдиси бўйича муносабатларни бевосита ифодалайди ва шу муносабатларни олди-сотди шартномасининг алоҳида тури сифатида тартибга солишга хизмат қилади.

Маҳсулот етказиб бериш билан боғлиқ муносабатларнинг шартларини белгилаш, аввало, ушбу муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳисобланади. Шу билан бирга, тижорат олди-сотдисига хос тан олинган андазалар ҳам борки, улар қонунда назарда тутилади ва амалиётда қўлланади.

ФКда бундай ҳоллар учун Халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисидаги 1980 йил Вена конвенциясида белгиланган қоидалар, шунингдек, етказиб бериш даврлари, тартиби, тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш, товарларни танлаб олиш, етказиб берилган товарлар учун ҳисоб-китоб қилиш, маҳсулот етказиб бериш шартларини бузишнинг оқибатлари тўғрисидаги қоидалар Ўзбекистонда қарор топган қонун-қоидаларда ҳисобга олинади.

Олди-сотди шартномасининг бир тури бўлган маҳсулот етказиб бериш шартномаси ҳам умумий белгиларга эга. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси икки томонлама,

консенсуал ва ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар гуруҳига киради.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасини олди-сотди шартномасининг алоҳида тури сифатида қилиб имкон берадиган асосий хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

а) сотувчи (етказиб берувчи) маҳсулотни сотиб олувчига шартлашилган муддатда ёки муддатларда топшириши зарур. Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ, товарни топшириш муддати шартноманинг асосий шарти тусини олади; олди-сотди шартномасида эса муддат унинг асосий шарти ҳисобланмайди. Шартномани тарафлар хоҳлаган вақтда тузишлари ва бажаришлари мумкин;

б) маҳсулот етказиб бериш шартномасига биноан, сотувчи ва сотиб олувчи сифатида фақат тадбиркор, яъни юридик шахс бўлмай туриб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ташкилот ёки фуқаро иш кўриши мумкин; олди-сотди шартномасининг тарафлари тадбиркор бўлишлари шарт эмас;

в) маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра, ҳар қандай товарлар эмас, балки етказиб берувчи тарафидан ишлаб чиқариладиган ёки сотиб олинадиган товарларгина топширилиши шарт; олди-сотди шартномасининг предмети эса тайёр товарлардан иборат бўлиши мумкин;

г) маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича сотиб олувчи сифатида, одатда, тижорат ташкилоти иш кўради, чунки у сотиб олинадиган товардан шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа йўлларда ишлатиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланади;

д) агар олди-сотди шартномасида уни тузиш пайти ижро этиш вақтига тўғри келса, маҳсулот етказиб бериш шартномасида мазкур шартноманинг тузилиши билан ижро этилиш даври бир вақтга деярли тўғри келмайди;

е) маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузувчилар ўртасидаги муносабатлар кўпинча узоқ вақт давом этадиган муносабатлардан иборат. Олинган мажбуриятлар шартнома амалда бўлган даврда бир неча муддатда, қисмларга бўлиб ижро этилиши мумкин. Одатда маҳсулот етказиб бериш шартномалари бир хўжалик йилига ёки маҳсулотни

тайёрлаш ва топшириишнинг бошқа муайян муддати (муддатлари) кўрсатилиб тузилади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг аҳамияти жуда катта. Бу шартнома тадбиркорлик соҳасида кенг тарқалган асосий шартномалардан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни моддий техника билан, аҳо-лини кенг истеъмол товарлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутади, чунки ҳеч қайси саноат корхонаси, қурилиш, савдо, транспорт ташкилоти тадбиркорлик билан шуғулланадиган бошқа ташкилотлар билан маҳсулот етказиб бериш шартномалари орқали олди-сотди муносабатларида бўлмасдан туриб, ўз фаолиятини амалга ошира олмайди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш воситасида ўз фаолиятлари учун зарур бўлган хомашё, ускуналар, материаллар, улгуржи ва чакана равишда сотиш учун товарлар олсалар, иккинчидан, ишлаб чиқарган товарларини маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш йўли билан сотадилар.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатта (узоқ муддатли шартнома) ёки тарафлар келишувида назарда тутилган бошқа муддатта тузилиши мумкин. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида унинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, шартнома бир йилга тузилган деб ҳисобланади (ФК 438-м.).

Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш ва уни ижро этиш муддатлари одатда бир-бирига тўғри келмайди: маҳсулот етказиб бериш шартномаси унинг бажарилишидан олдин тузилади. Шартнома унинг бажарилиши билан айни бир вақтда тузилиб, ўша заҳоти амалга оширилса, у олди-сотди шартномаси деб тан олинади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси махсус олди-сотди шартномаси сифатида товар ишлаб чиқарувчилар, хомашё, материаллар ёки бутловчи буюмлар тайёрловчилар билан улгуржи савдо ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб туришда қўл келади. Мазкур муносабатлар барқарорлиги билан ажралиб туриши ва узоқ муддатли тус олиши зарур. Шу боисдан ҳам маҳсулот етказиб

бериш шартномасининг амал қилиш муддатларини тартибга солишда бир туркум товарни сотиш юзасидан тузилган бир галлик битимларга эмас, балки узоқ муддатли шартномавий алоқаларга хос қоидалар аҳамиятлидир.

Узоқ муддатли шартномалар мустаҳкам алоқаларни, улар амал қилиши учун зарур бўлган шартларнинг барқарорлигини юзага келтиради. Узоқ муддатли шартноманинг иқтисодий аҳамияти шундан иборатки, уларда иштирок этувчи томонлар маҳсулот етказиб бериш муддати ҳақидаги шартларни ўзаро келишиб олиши, бир неча йилларга мўлжалланган истиқболли шартларни назарда тутиши ҳамда шу омиллар орқали харажатлар тежалишига эришиши мумкин.

Узоқ муддатли маҳсулот етказиб бериш шартномаси муваффаққиятли амал қилиши учун тарафлар вақти-вақти билан товарлар сифати, ассортименти, навбатдаги давр учун маҳсулот етказиб бериш муддатларини келишиб олиши зарур. Бундай келишув тартиби шартномаларда белгиланиши керак. Шартномада бундай тартиб назарда тутилмаган бўлса, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бир йилга ёки шартнома шартлари келишилган муддатга тузилган ҳисобланади.

Агар тарафлардан бири навбатдаги давр учун узоқ муддатли маҳсулот етказиб бериш шартномасига оид шартларни бажаришдан воз кечса ёки бўйин товласа, низо манфаатдор тараф даъвоси бўйича хўжалик судида кўриб чиқилиши лозим.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш тартиби ФКнинг 27-бобида назарда тутилган асосий қоидалар билан белгиланади. Маҳсулотларни етказиб берувчи тараф учун мажбурий шартномалар тузиш ҳақидаги қоидалар ФК 29-бобининг 377-моддасида назарда тутилади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси лойиҳасини олган тараф шартнома шартлари бўйича эътирозлари бўлган тақдирда, кечи билан 30 кун ичида келишмовчиликлар баённомасини тузади ва уни имзоланган шартнома билан иккинчи тарафга қайтаради. Шу пайтдан бошлаб шартнома тақдири турлича ҳал бўлиши мумкин.

Келишмовчиликлар баённомасини олган тараф унда билдирилган таклифга рози бўлган тақдирда шартнома тузилган деб ҳисобланади. Агар бошқа тараф келишмовчиликлар баённомасида билдирилган таклифга рози бўлмаса, 30 кунлик муддатда шартнома шартлари бўйича келишиш чораларини кўриши ёхуд шартноманинг тузилиши ҳақида бошқа тарафга ёзма равишда хабар бериши лозим. Мазкур тартибга риоя этмаслик шартнома шартларини келишиб олишдан бош тортиш ҳисобланади ва унинг оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини келтириб чиқаради.

2-§ Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мазмуни ва бажарилиши

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мазмунини ташкил қилувчи асосий шартлар, жумладан товарнинг миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, нархи ва бошқа шартларга оид қоидалар ФКнинг олди-сотди шартномаси тўғрисидаги махсус моддаларида (398, 400, 402, 405, 411, 418 ва б.) белгиланган. Чунки аввал таъкидлаб ўтил-ганидек, маҳсулотни етказиб бериш шартномаси олди-сотди шартномасининг турларидан бири ҳисобланади. Шуни эътиборга олган ҳолда ушбу параграфда маҳсулот етказиб бериш шартномасининг барча шартлари ҳақида батафсил сўз юритмаймиз, балки асосан ушбу шартномага хос жиҳатларгагина тўхталамиз.

Шартномага биноан товарни етказиб бериш муддати, тартиби, уларни олиб бориб бериш, етказиб берилмаган товарнинг ўрнини тўлдириш ва бошқа масалалар ҳақида сўз юритилганда, шартноманинг мазмуни ва бажарилишига бағишланган қоидалар биргаликда кўриб чиқилади. Чунки улар ўртасида узвий боғланиш мавжуд бўлиб, шартномани, яъни товарни етказиб беришни шартноманинг асосий шартларидан бўлган товар миқдорини белгиламасдан туриб амалга ошириб бўлмаслиги фараз қилинади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мазмунини белгилаш ва уни бажариш тартиби қуйидагича:

а) Маълум миқдордаги товарларни шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида туркум-туркум қилиб етказиб бериш асосий шартлардан ҳисобланади. ФКнинг 440-моддаси диспозитив норма бўлиб, унда маҳсулот етказиб бериш ҳақидаги қонун ҳужжатларида илгари мавжуд бўлган қоида белгиланган. Унинг моҳиятига кўра, шартномада маҳсулот етказиб бериш даврлари белгиланмаган тақдирда товарлар ҳар ойда бир хил туркумларда етказиб берилиши зарурлиги кўрсатилган. Бу ҳолда маҳсулот етказиб бериш даври бир ой деб ҳисобланади.

Ўзаро муносабатларнинг аниқ шартларига боғлиқ равишда, шартномада маҳсулот етказиб бериш даврларини белгилаш билан бир қаторда товарларни етказиб бериш жадвали (ўн кунлик, суткалик ва ҳоказо)га риоя этилмагани учун жавобгарлик ҳам белгиланиши мумкин.

Тадбиркорлик муносабатини ифодаловчи боцқа шартномаларда бўлгани каби, мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришга фақат тарафларнинг розилиги билангина йўл қўйилади (ФК 243-м.). Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг хусусияти шундай қоидадан иборатки, унга мувофиқ, биринчидан, маҳсулотни муддатидан олдин етказиб бериш учун сотиб олувчининг розилиги бўлиши талаб қилинади, иккинчидан, муддатидан олдин берилган ва сотиб олувчи томонидан қабул қилинган товарлар кейинги даврда берилиши лозим бўлган товарлар миқдорига киритилади.

Сотиб олувчи узининг розилигисиз етказиб берилган маҳсулотни, амалиётда қабул қилинган тартибга биноан, сақлаш учун қабул қилади ва маҳсулот ҳақини у етказиб берилиши лозим бўлган даврдаги нархда тўлайди.

б) Маҳсулот етказиб бериш муносабатларида товарларни етказиб бериш тартиби, яъни маҳсулот етказиб берувчининг сотиб олувчига товарлар етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш тартиби катта аҳамиятга эга.

Товарларни етказиб бериш шартномаси бўйича, товарларни сотиб олувчиларнинг ўзлари уларни қабул қилиб олувчилар ёки истеъмол қилувчилар бўлиши шарт эмас. Улар товарларни сотишни амалга ошириш бўйича воситa-

чилик қилувчи улгуржи савдо ва бошқа ташкилотлар бўлиши мумкин. Агар шартнома бўйича сотиб олувчининг ўзи товарни қабул қилиб олувчи бўлмаса, товар сотиб олувчининг топшириғи билан учинчи шахсга етказиб берилади.

Демак, товарларни шартнома бўйича етказиб бериш сотиб олувчига ёки шатрномада олувчи сифатида кўрсатилган шахсга жўнатиш (топшириш) йўли билан амалга оширилиши лозим. Шартномада товарларни олувчиларга жўнатиш тўғрисида маҳсулот етказиб берувчига кўрсатмалар бериш ҳуқуқи (жўнатиш разнарядкаси) назарда тутилган бўлса, маҳсулот етказиб берувчи товарларни жўнатиш разнарядкасида кўрсатилган олувчиларга жўнатиши керак. Жўнатиш разнарядкасининг мазмуни ва разнарядкани сотиб олувчи томонидан маҳсулот етказиб берувчига юбориш муддатлари шартномада белгиланади.

Шартномада сотиб олувчининг жўнатиш разнарядкалари бўйича товарларни етказиб бериш тўғрисидаги шартлари мавжуд бўлса, маҳсулот етказиб берувчининг мажбуриятларини муқобил тарзда бажариладиган мажбуриятлар, деб қараш лозим (ФК 256-м.). Сотиб олувчининг жўнатиш разнарядкасини белгиланган муддатда тақдим этмаслиги маҳсулот етказиб берувчига шартномани бажаришдан бош тортиш ёхуд товарлар жўнатишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини беради.

Шартнома ижросининг разнарядка тақдим этиш йўли билан учинчи шахс зиммасига юклатилиши амалиётда кенг тарқалган мажбуриятлардандир (ФК 241-м.). Шунинг учун ФКнинг 334-моддасига мувофиқ, товарни қабул қилиб олиш, унинг ҳақини тўлаш бўйича мажбуриятни бажариш вазифаси юклатилган учинчи шахснинг ўз мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, умумий қоидага биноан, сотиб олувчи жавобгар бўлади. Ушбу норма диспозитив хусусиятга эга. Чунки шартномада мажбурият бажарилмаганлиги учун бевосита учинчи шахснинг жавобгарлиги назарда тутилган бўлиши мумкин.

в) Маҳсулот етказиб бериш шартномасига биноан, одатда товарларни маҳсулот етказувчи элтиб беради ёки у, шартномада белгиланган шартларга мувофиқ, товарни

шартномада кўрсатилган транспорт ташкилотига топширади.

Агар шартномада тарафларнинг транспорт тури ёки товарни элтиб беришнинг бошқа шартлари ҳақидаги келишуви назарда тутилмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчи мажбуриятнинг моҳиятидан ёки иш муомаласи одатларидан келиб чиқиб, товарни элтиб бериш шартларини ўз хоҳишича белгилашга ҳамда товарини бирон-бир транспорт ташкилотига топширишга ҳақли бўлади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида товарни қайси транспорт турида олиб бориб беришнинг белгиланмаслиги маҳсулот етказиб берувчига иқтисодий жиҳатдан арзон ва ўзига манфаатли шартлар асосида ҳаракат қилиш имконини беради.

ФКнинг 442-моддасида ФКнинг 390-моддасида назарда тутилган умумий қоидаларга товарларни етказиб бериш шартномасини бажариш бўйича аниқликлар киритилган. Шундай экан, товарларни сотиб олувчига етказиб беришда, етказиб берувчи томонидан мажбуриятни бажариш жойини ва тартибини белгилашда ФКнинг ана шу моддаларида белгиланган қоидаларга амал қилиш керак.

г) Товарлар шартномада белгиланган муддатда, аммо шартномада талаб қилинганидан камроқ миқдорда етказиб берилган ёки умуман етказиб берилмаган тақдирда товарлар тўлиқ етказиб берилмаган, яъни шартнома лозим даражада бажарилмаган ёки умуман бажарилмаган ҳисобланади.

Томонларнинг шартномавий муносабатлари узоқ муддатли тусда эканлиги туфайли (бунда товар етказиб берувчи ўз мажбуриятини товар етказиб беришнинг тегишли даврларида товарларни бўлиб-бўлиб, бир неча маротаба жўнатиш йўли билан ҳам бажариши мумкинлиги ҳисобга олинади), маҳсулот етказиб бериш муносабатларида тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш тартибига риоя этиш ғоят муҳим ҳисобланади. Агар шартноманинг ўзида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, айрим даврларда товарларни тўлиқ етказиб бермаган маҳсулот етказиб берувчи тўлиқ етказиб берилмаган товарлар

ўрнини кейинги даврда (даврларда), аммо шартноманинг амал қилиш муддати доирасида тўлдириши шарт.

ФКнинг диспозитив характерга эга бўлган 440-моддасининг қоидалари ҳисобга олинган ҳолда, маҳсулотни тўлиқ етказиб беришнинг шартномада бошқа муддатлари, масалан, ойма-ой етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотнинг етишмаган қисми ўрнини йилнинг чораги давомида тўлдириш назарда тутилган бўлиши мумкин. Тўлиқ етказиб берилмаган товарларнинг ўрнини тўлдириш мажбурияти шартноманинг амал қилиш муддати давомида ўз кучини йўқотмайди. Узоқ муддатли шартномада тарафлар товарларнинг ўрнини тўлдириш муддатини чеклаб қўйган бўлишлари мумкин. ФК 433-моддасининг диспозитив хусусиятидан келиб чиқиб, шарномада товарларни тўлиқ етказиб бериш мажбурияти кўрсатилмаган бўлиши ҳам мумкин.

Агар етказиб бериш шартномасида ёки сотиб олувчининг жўнатиш разнарядкасида товарлар бир неча қабул қилиб олувчиларга жўнатилиши кўрсатилган бўлса, етказиб берилмаган товарларнинг ўрнини тўлдириш мажбурияти ҳар бир қабул қилувчига нисбатан вужудга келади. Бир олувчига ортиқ миқдорда етказиб берилган товарлар бошқа олувчига тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини тўлдириш учун ҳисобга олинмайди.

д) Маҳсулотни тайёрловчининг, сотувчининг асосий вазифаларидан бири уни шартномада кўрсатилган муддатларда етказиб бериш ҳисобланади. Товарларни етказиб бериш муддатини ўтказиб юбориш, уларни тўлиқ етказиб бермаслик турли ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради. Етказиб берилмаган товарлар миқдорини тўлдириш мажбуриятини юклаш билан бир қаторда (ФК 443-м.), сотиб олувчига етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган товарларни қабул қилишни рад этиш ҳуқуқи берилади. Бунда сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчига у мазкур маҳсулотни жўнатгунига қадар бу ҳақда ёзма равишда хабар бериши керак.

Ушбу модда қоидасига мувофиқ, муддати ўтказиб юборилган маҳсулотни қабул қилишни рад этишга бўлган ҳу-

қуқ бозор муносабатлари талабига мос бўлиб, асосан маҳсулот олувчининг бу маҳсулотга эҳтиёжи ёки қизиқиши йўқолиши билан ифодаланади. Ёзма равишда берилган хабарни олгунга қадар етказилган товарларни сотиб олувчи, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган бўлишидан қатъи назар, шартноманинг амал қилиш муддати давомида товарни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятидан озод бўлмайди.

Агар товарни етказиб бериш муддатини ўтказиб юбориш сотиб олувчининг айби билан юз берган бўлса, у муддатидан сўнг етказиб берилган товарни қабул қилишни рад этиш ҳуқуқидан фойдалана олмайди. Масалан, муддатни ўтказиб юбориш сотиб олувчининг шартномага мувофиқ ўз вақтида аккредитивга пул ўтказилмаганлиги ёки товар ҳақини уни етказиб беришдан олдин тўламаганлиги сабабли юз берган бўлса, сотиб олувчининг етказиб берилган товарни келгуси муддатда қабул қилишни рад этишга бўлган ҳуқуқи суд амалиётида тан олинмайди.

Агар шартномада товарни етказиб беришнинг аниқ муддати қатъий белгиланмаган ва ушбу муддат ўтказиб юборилиши натижасида товардан фойдаланиш ўз аҳамиятини йўқотган бўлса, ушбу аниқ муддатдан сўнг етказиб берилган товар масаласи бўйича бошқача оқибатлар юз бериши мумкин. Масалан, шартномага мувофиқ қишлоқ хўжалигида кўклам фаслида фойдаланиш учун етказиб берилиши зарур бўлган кимёвий моддалар кузда керак бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда, ФКнинг 389-моддасига мувофиқ, товарни етказиб берувчи сотиб олувчининг розилигисиз товарни шартномада белгиланган муддатдан олдин ёки бу муддат тугагандан сўнг етказиб беришга ҳақли эмас.

е) Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича товарлар турлар, моделлар, ўлчамлар, ранглар ва бошқа белгилар (ассортимент) бўйича муайян мутаносибликда топширилиши зарур, яъни маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчига (олувчига) товарларни тарафлар келишган ассортиментда етказиб бериши шарт (ФК 400-м.).

Ассортиментта риоя қилмаслик ҳоллари шартномада назарда тутилган бир хил номдаги товарларни тўлиқ етказиб

бермаслик тарзида ёки ассортиментда кўзда тутилганидан бошқача номдаги товарларни етказиб бериш кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Товарлар тўлиқ ассортиментда етказиб берилмаганда, унинг ўрнини қайси ассортиментдаги товарлар билан тўлдириш тарафларнинг келишуви билан аниқланади. Бундай келишув бўлмаганида, маҳсулот етказиб берувчи тўлиқ етказиб берилмаган товарлар ўрнини етказиб бермасликка йўл қўйилган давр учун белгиланган ассортиментдаги товарлар билангина тўлдиради.

Агар шартномада белгиланган ассортиментга риоя этмаслик ассортиментда назарда тутилган бир хил номдаги товарларни тўлиқ етказиб бермаслик ва бошқа хил номлардаги товарларни шартномадагидан ортиқ миқдорда етказиб беришда ифодаланган бўлса, бу ортиқча етказиб берилган товарлар тўлиқ етказиб берилмаган бошқа номлардаги товарлар ўрнини тўлдириш учун ҳисобга олинмайди, бундай маҳсулотлар сотиб олувчининг ёзма розилиги билан етказиб берилган ҳолларда ҳисобга олинади.

ФК 401-моддасида назарда тутилган товарлар ассортименти ҳақидаги шартнома шартларини бузиш оқибатлари ушбу моддада баён этилган қоидаларни ҳисобга олган маҳсулот етказиб бериш шартномасига нисбатан қўлланилади.

ж) Товарни сотиб олувчи (олувчи) одатдаги талабларга мувофиқ равишда, тегишли товар топширилиши ва олинишини таъминлайдиган ҳаракатлар воситасида қабул қилиб олади. Жумладан, бундай ҳаракатлар сирасига товарни кўздан кечириш, унинг миқдорини ва сифатини текшириш, етказиб берилган товарни транспорт ташкилотидан қабул қилишда транспортда амал қиладиган юк ташиш қоидаларига биноан юкни тушириш, ташиш, унинг сақланишини таъминлаш ва ҳ.к. киради.

Товарни қабул қилиб олиш муддатини белгилаш, уни кўздан кечириш ва шунга ўхшаш бошқа ҳаракатларни бажариш шартномада назарда тутилади. Бундай муддат шартномада назарда тутилмаган тақдирда, сотиб олувчи қабул қилинган товарларни қонун ҳужжаларида белгилан-

ган ёки иш муомаласи одатлари бўйича белгиланган муддатда кўздан кечириши лозим.

Қабул қилинган товарлар сифатини текшириш шартномада назарда тутилган тартиб ва шартларга, товарларни стандартлаштириш ҳақидаги шартномада кўрсатилган норматив ҳужжатларга асосан амалга оширилади (ФК 402, 407-м.).

Сотиб олувчи етказиб берилган товарларнинг миқдори ва сифати бўйича талабга жавоб бермаслиги ҳақида товар етказиб берувчига дарҳол ёзма равишда хабар қилиши лозим (ФК 446-м.). Ушбу талабга риоя қилмаслик ФКнинг 416-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келади. «Дарҳол» деган атамани кўздан кечирилган товар талабга жавоб бермаслиги аниқланиши биланоқ кечиктирмай, қисқа муддат ичида бу ҳақда товар етказиб берувчига хабар қилиш маъносида тушуниш мумкин. Мазкур ҳаракатлар қонун ҳужжатларида, шартномада ёки иш муомаласи одатларида белгиланган муддатларда бажарилади.

Етказиб берилган товарлар транспорт ташкилотидан олинган тақдирда сотиб олувчи (олувчи) товарларнинг транспорт ва юк ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириши, шунингдек, бу товарларни транспорт ташкилотидан белгиланган қоидаларга риоя этган ҳолда қабул қилиши ва масъулият билан сақлаши лозим.

Масъулиятли сақлаш, деганда сотиб олувчи (олувчи) зиммасига товарни сақлаш юзасидан қонун юклаган мажбуриятлар тушунилади. Шу муносабат билан унга нисбатан ФКнинг 51-бобидаги тегишли қоидалар ҳам қўлланилади.

з) Сотиб олувчи унга топширилган товарни қабул қилишдан бош тортган ҳолда ҳам товарни сақлаш масъулиятидан озод қилинмайди. ФКнинг 477-моддасига биноан, агар сотиб олувчи берилган товарни қабул қилишни рад этса, унга ушбу товарнинг бут сақланишини унинг нобуд бўлмаслигини таъминлаш мажбурияти юклатилади. Сотиб олувчининг бундай рад этишига етказиб берилган товарнинг шартномада назарда тутилган талабларга жавоб бермаслиги, топшириш муддатининг ўтказиб юборганлиги ёки товарни жўнатиш ҳақида сотиб олувчи билан сотувчи ўрта-

сида умуман шартнома тузилмаганлиги асос бўлиши мумкин. Лекин сотиб олувчининг товарни қабул қилишни рад этиши мумкинлиги уни транспорт ёки алоқа ташкилоти орқали юборилган товарни қабул қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Барча транспорт низомларида ва кодексларида, башарти буюртма берилмаган ёки шартномага мувофиқ бўлмаган товар етказилган бўлса, сотиб олувчига бундай товарни масъулиятли сақлаш учун қабул қилиш мажбурияти юклатилади.

Масъулиятли сақлашдан асосий мақсад келиб тушган юкнинг сотиб олувчи томонидан бут ҳолатда сақланишини ва ушбу юкни юборган сотувчининг ихтиёрида, тасарруфида бўлишини таъминлашдан иборат. Шунинг учун сотувчи товар ҳақида дарҳол хабардор қилинади, сотувчидан масъулиятли сақлашда бўлган товарнинг олиб чиқиб кетилиши ёки оқилона муддат ичида тасарруф этилиши талаб этилади. Сотувчи ўзининг бундай мажбуриятларини бажармаган тақдирда, сотиб олувчи товарни сотиш ёки уни сотувчига қайтариб юбориш ҳуқуқларига эга бўлади.

Товарларни сақлаш юзасидан мажбуриятни бажариш сотиб олувчи (олувчи)нинг ўзидаги барча мавжуд воситалар ёрдамида товарнинг сақланишини таъминлашига, товар хусусиятига мос ҳолда сақланиши учун шароитлар яратишига қаратилган бўлади.

Сотиб олувчининг товарларни масъулиятли сақлашга қабул қилиши ёки қайтариб юбориши билан боғлиқ харажатларини товар етказиб берувчи қоплайди. Бунда товарни сотишдан тўшган пул суммаси, сотиб олувчига тегишли қисми чегириб олинган ҳолда, маҳсулот етказиб берувчига топширилади.

Сотиб олувчи қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчидан товарни қабул қилиб олмаган ёки уни қабул қилишни рад этган ҳолларда, маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақлидир.

и) Маҳсулотни етказиб бериш шартномасида товарларнинг танланиши, товарнинг у жойлашган ерда сотиб олув-

чига (олувчига) топширилиши белгилаб қўйилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда сотиб олувчи (олувчи) топширилаётган товарларни шартномада мўлжалланган муддатлар ва тартибда топшириш жойининг ўзида кўздан кечириши керак.

Агар шартномада товарларни танлаб олиш муддатлари кўрсатилмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчи товарлар тайёрлиги ҳақида сотиб олувчига (олувчига) хабар қилиши, сотиб олувчи (олувчи) эса товарларнинг топширишга тайёрлиги тўғрисидаги билдириш хатини олганидан сўнг, ўзига топшириладиган товарларни оқилона муддатда кўздан кечириши керак.

Товарлар улар жойлашган ерда топширилганида, сотиб олувчи товарнинг миқдори, ассортименти, бутлиги, тегишли идишда ва ўралган бўлиши, шунингдек, шартноманинг бошқа шартларига мувофиқ эканлигини кўздан кечириб, қабул қилиши лозим. Агар товар шартнома талабларига мувофиқ бўлмаса, сотиб олувчи сотувчидан унинг камчиликларини бартараф этишни талаб қилиши, товарни қабул қилишдан бош тортиши мумкин. Бундай ҳолларда ФКнинг 399, 401-моддаларида назарда тутилган оқибатлар қўлланиши мумкин.

Товар у жойлашган ерда идишда ёки ўралган ҳолда топшириладиган бўлса, умумий қоидага биноан, бундай товар кўздан кечирилмайди. Товарни идиш ёки ўрамни очиш вақтида текшириш ФК 407, 446-моддаларида назарда тутилган тартиб ва муддатда амалга оширилиши мумкин. Агар сотиб олувчи белгиланган муддатда, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса товарнинг тайёрлиги тўғрисида сотувчининг билдириш хатини олганидан сўнг оқилона муддатда танлаб олмаса, ФКнинг 448-моддасига мувофиқ, сотувчи шартномани бажаришдан бош тортиш ёки сотиб олувчидан товарлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолда сотувчи, ўз навбатида, сотиб олувчини хабардор қилиб, шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин. Лекин узоқ муддат давом этадиган муносабатларда, масалан, товар шартнома муддати давомида бир неча марта бўлиб-бўлиб етказиб бериладиган бўлса, сотув-

чи товарнинг бир қисми, яъни сотиб олувчи танлаб олиши зарур бўлган қисми бўйича шартномани бажаришдан бош тортиши мумкин.

Агар сотиб олувчи унинг тасарруфида қолдирилган, лекин у қабул қилиб олмаган товар учун ҳақ тўлаш ҳақида талаб қўзғатилган бўлса, сотувчи бундай товарни масъулиятли сақлаш учун қабул қилиб олиши лозим (ФКнинг 447-м.).

Товарни етказиб бериш муддати давомида сотувчи маҳсулот топшириш учун тайёр эканлиги ҳақида сотиб олувчига хабар қилмаса ёки шартнома бўйича топширилиши керак бўлган жойда товар бўлмаса, тўлиқ етказиб бермаганлик (ФКнинг 443-м.) ёки етказиб бериш муддатини ўтказиб юборганлик (ФК 444-м.) учун назарда тутилган оқибатларга олиб келади. Бундай ҳолларда сотиб олувчи товарнинг топширилмаган қисмини тўлдиришни талаб қилиши ёки уни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

к) Тарафлар маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузишда мажбуриятларни бажаришнинг шартларига боғлиқ бўлган ва ФК нинг 791-моддасида келтирилган аккредитив чеклар, топшириқнома ва бошқа ҳисоб-китобларнинг шаклларидан бирини танлаб олишлари мумкин (ФК 449-м.). Ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва шакли тарафлар келишуви билан белгиланмаган бўлса, ҳисоб-китоблар тарафларга хизмат кўрсатадиган банклар орқали тўлов топшириқномалари воситасида амалга оширилади (ФКнинг 792, 793-м.м.).

Шартномада товар ҳақини тўлаш муддатини ва тартибини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Товар ҳақини тўлаш у топширилишидан олдин ёки топширилганидан сўнг амалга оширилиши назарда тутилган бўлиши мумкин. Товар ҳақини тўлаш муддатини белгилашда ФКнинг 419, 420, 422-моддаларида назарда тутилган қоидаларга амал қилинади.

Агар товарни учинчи шахс олиши лозим бўлса-ю, у ҳақ тўлашдан асоссиз равишда бош тортса ёки товарлар ҳақини муддатида тўламаса, сотиб олувчи, маҳсулот етказиб бериш шартномасидаги тараф сифатида, маҳсулот етказиб берувчи талабига биноан олувчига етказиб бериладиган товарлар учун ҳақ тўлашга мажбур бўлади (ФК 334-м.).

л) Идишлар ва ўраш материалларини қайтариш маҳсулот етказиб бериш шартномасининг шартларидан ҳисобланади (ФКнинг 450-модаси). Товарларнинг тегишлича идишлар ва ўраш материалларида етказиб берилиши уни ташиш пайтида лозим тарзда сақланишини таъминлайди, ортиш, тушириш ва сақлаш пайтида бузилишдан ҳамда товарга зарар етказилишидан асрайди.

Кўп марта ишлатиладиган идиш одатда давлат андозалари бўйича тайёрланиб, ундан товарларни етказиб берувчи ва сотиб олувчи кўп марта фойдаланади. Ўраш материаллари давлат андозаларига ёки белгиланган тартибда тасдиқланган техник шартларга мос бўлиши лозим.

Маҳсулотни сотиб олувчи (олувчи) зиммасига товар келтириладиган, кўп марта ишлатиладиган идишлар ва ўраш материалларини маҳсулот етказиб берувчига, агар тарафлар келишуви билан бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тегишли мажбурий қоидаларда ёки шартномада келишилган тартибда ва муддатларда қайтариш мажбурияти юклатилади. Кўп марта ишлатилмайдиган бошқа идишлар ва ўраш материаллари шартномада назарда тутилган ҳоллардагина маҳсулот етказиб берувчига қайтарилиши мумкин.

Одатда, сертификат, идишлар ва ўраш материалларини қайтариш учун асос бўладиган ҳужжат деб ҳисобланади. Унда идишлар ёки ўраш материалларининг номи, қайтарилиши лозим бўлган идишлар ёки ўраш материалларининг миқдори, уларни қайтариш муддатлари кўрсатилади. Бу ҳақда 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунда тегишли қоидалар белгиланган[1].

---

[1] *Қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. 2-сон. 50-модда.

3-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бузилишининг оқибатлари

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бузилишининг оқибатлари турли сабабларга кўра жавобгарликнинг ҳар хил шаклларидан иборат бўлиши мумкин. Жавобгарлик сабаблари сифатсиз ва бут бўлмаган товарлар етказиб бериш, товарларни тўлиқ етказиб бермаслик, шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортиш ва шунга ўхшаш бошқа қонун талабларига зид ва шартнома шартларига амал қилин-маган ҳаракатлар ва ҳаракатсизликлардан иборат бўлса, жавобгарлик шакллари шартнома бажарилмаганлиги (масалан, товар тўлиқ етказиб берилмаган ёки шартномани бажаришдан асоссиз равишда бир томонлама бош тортилган) ёки лозим даражада бажарилмаганлиги (масалан, сифатсиз ёки бут бўлмаган товар етказиб берилганлиги) учун қўлланадиган ҳуқуқий чоралар, чунончи, етказиладиган зарарни қоплаш, неустойка ундириш ва ҳоказолардан иборат. Шартноманинг бузилишига йўл қўйган тараф булардан ташқари, бошқа салбий оқибатларга ҳам дуч келиши мумкин. Улар қаторига, масалан, сифатсиз ва бут бўлмаган, ассортименти бузилган товарларни алмаштириш; товарни қабул қилишдан бош тортиш; товар учун тўланган суммани қайтариб олиш; товардаги камчиликларни бартараф этиш ва унинг учун қилинган харажатларнинг қопланишини талаб қилиш, товарнинг харид баҳосини мутаносиб равишда камайтиришни талаб қилиш каби оқибатлар киради.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган товар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (олувчи) ФКнинг 434-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади. Бунда маҳсулот етказиб берувчига нисбатан сотиб олувчининг ҳуқуқлари юзага келишининг олдини олиш учун, у ўзи етказиб берган товарларнинг сифатсизлиги тўғрисида сотиб олувчидан билдиришнома олгач, дарҳол шундай товарларни тегишли даражада сифатли бўлган бошқа товарлар билан алмаштириб бериши лозим. Бундай муддат ФКнинг 416-моддасига мувофиқ, товарнинг сифатсизлиги ҳақида билди-

ришнома олинган пайтдан бошлаб ҳисобланади (ФК 408-м.).

Товарнинг камчиликлари қандай бўлишидан қатъи назар, сотувчи сотиб олувчининг талаби билан уни алмаштириб бериши шарт. Бундай талабнинг қўйилиши етказиб берилган товарни фақат ишлаб чиқаришда фойдаланиш ҳолларида эмас, балки чакана савдо орқали истеъмолчилар томонидан камчиликлари туфайли қайтарилган товарни чаканалаб сотувчи унга маҳсулотни етказиб берган сотувчига нисбатан товарни алмаштириш ҳақида талаб қўйишга ҳақли. Ушбу қоидага кўра, сотиб олувчининг чакана олди-сотди шартномасига биноан анча кенг ҳуқуққа эга эканлиги ҳисобга олинади (ФК 434-м.). Бу сотилган сифатсиз товарни сифатли товарга алмаштириш учун ишончли кафолат туғдиради. Сотиб олувчининг товарни бошқа товар билан алмаштириш ҳақидаги талаби оқилона муддатда бажарилиши учун имконият яратилади (ФК 436-м.).

Товарнинг камчиликлари бўйича талаб қилиш ҳуқуқи фақат товарни сотиб олувчига эмас, балки унинг топшириғига асосан товар қабул қилган ва камчиликлари ҳақида ўз вақтида билдиришнома юборган учинчи шахсга ҳам берилган (ФК 408, 439-моддалари).

Товар етказиб бериш муносабатларига олди-сотди шартномасига оид умумий қоидалар, бут бўлмаган товарларни топшириш оқибатлари ҳам тааллуқлидир (ФК 413-м.). Маҳсулот етказиб бериш муносабатларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, маҳсулот етказиб берувчига товарлар бутлигига риоя қилмаслик ҳолларини бартараф этиш йўли билан ФК 413-моддасида назарда тутилган оқибатлар юз беришининг олдини олиш имкониятлари белгиланди. Маҳсулот етказиб берувчи сотиб олувчининг товарлар бут эмаслиги тўғрисидаги билдиришномасини олгач, дарҳол товарларни бутлаб бериши ёки бут бўлмаган товарларни бут товарлар билан алмаштириши лозим. Лекин, агар сотувчи бут бўлмаган товарни бутласа ёки бут бўлган товар билан алмаштирса, 413-моддада белгиланган оқибатлар юз бермайди. Товарни бутлаш ёки уни алмаштириш ҳам, ФКнинг 451-моддасида назарда тутилганидек, сотувчининг ташаббуси

билан имконияти борича қисқа муддат ичида (дарҳол) амалга оширилиши керак. Сотиб олувчи товарни бутлаган ёки бут товар билан алмаштирган сотувчига ФКнинг 413-моддасида белгиланган талабларни қўйишга ҳақли эмас, аммо сотувчидан у йўл қўйган камчиликлар туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин.

Бут бўлмаган товарни сотиш ҳам камчиликлари бўлган товарни сотиш билан баробар. Шунинг учун, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сотиб олувчи фуқаро товарни сотувчидан уни бутлашни ёки бут товар билан алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда товарларни чаканалаб сотадиган харидор товарни етказиб берувчидан (сотувчидан) оқилона муддат ичида товарни бутлашни ёки бут товар билан алмаштиришни талаб қилишга ҳақли бўлади (ФКнинг 452-м.).

Товар тўлиқ етказиб берилмаган, товарларнинг камчиликларини бартараф этиш ёки товарни бутлаш тўғрисидаги талаблар бажарилмаган ҳолларда сотиб олувчи тегишли ҳуқуқларга эга бўлади. Маълум миқдорда етказиб берилмаган товарларнинг ўрнини тўлдириш, сифати тегишли даражада бўлмаган товарларни алмаштириш ёхуд товарларни бутлаш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган талаб белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда сотиб олувчи (олувчи)нинг манфаатлари ФКнинг 453-моддасига мувофиқ ҳимоя қилинади. ФКнинг 330-моддасида мажбуриятни асл ҳолида бажаришга оид назарда тутилган умумий қоидалар ушбу моддада бевосита маҳсулотни етказиб бериш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан ўз аксини топган.

Мажбуриятнинг асл ҳолида бажарилишини таъминлаш ҳақидаги умумий қоида 1963 йилдаги Граждданлик кодексининг 235-моддасида ҳам мавжуд эди. Лекин қарздорни (маҳсулот етказиб берувчини) мажбуриятни асл ҳолида бажаришга мажбур қиладиган ҳуқуқий механизмнинг бўлмаганлиги туфайли ушбу умумий қоидадан амалиётда фойдаланиш учун имконият бўлмади. Етказиб бериладиган товарларнинг қатъий режа асосида тақсимланиши сотиб олувчини бир шахс етказиб бермаган ёки алмаштирмаган

товарларни бошқа шахслардан сотиб олиш имкониятидан маҳрум қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида сотиб олувчи фақат ҳуқуққагина эга бўлмасдан, шунингдек, етказиб берилмаган товарларнинг ўрнини тўлдириш, бут бўлмаган, сифатсиз товарларни талабга жавоб берадиган товарларга алмаштириш, яъни мажбуриятни асл ҳолида бажаришни чинакам талаб қилиш имкониятига ҳам эга бўлди. Бундай ҳуқуқ ва имкониятлар қуйидаги ҳолларда юз бериши мумкин: а) агар товар шартномада кўрсатилган миқдордан кам ёки белгиланган муддатда топширилмаган бўлса; б) сотувчи сотиб олувчининг сифатсиз товарни сифатли товарга алмаштириш ҳақидаги талабини бажармаса; в) сотиб олувчининг талаби билан товар бутланмаса.

Юқоридаги ҳолларда сотиб олувчи товарни учинчи шахслардан сотиб олиш билан узвий боғлиқ ҳамда сарфланган харажатларни тўлашни маҳсулот етказиб берувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолларда сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчидан юз берган зарарни тўлашни ҳам талаб қилиши мумкин. Шундай ҳуқуқ товарни чаканалаб сотиш учун уни етказиб берувчидан сотиб олган сотувчида ҳам вужудга келади. Сотиб олувчининг бошқа шахслардан товарлар олиш учун қилган харажатлари ФК 456-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Сифатсиз ва бут бўлмаган товар етказилганида сотиб олувчига (олувчига) ФКнинг 408, 413-моддаларида назарда тутилган оқибатларга қўшимча сифатида, товарлар сифат ва бутлиги жиҳатидан шартнома шартларига мос бўлмаса, товар ҳақини тўлашдан бош тортиш, агар товар ҳақи тўланган бўлса, камчиликлар бартараф қилингунга қадар тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқи берилади. Сотиб олувчи бундай ҳуқуқдан шартномани бажаришдан бош тортмай, фақат сифатсиз товарни сифатли товар билан алмаштириш ёки товарни бутлаш ҳақида талаб қўйиш билан фойдаланиши мумкин.

Сотиб олувчи товар ҳақини тўлаш ҳуқуқидан қуйидаги ҳолларда фойдаланишдан бош тортиши мумкин: а) агар

шартномада товар ҳақини тўлаш товар топширилганидан кейин маълум муддат давомида амалга ошириш кўрсатилган бўлса; б) агар шартномада товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш белгиланган бўлса; в) шартномада товар ҳақини товар топширилишидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлса.

Бошқа мажбурият муносабатларидаги каби, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳам неустойка (лафзсизлик, бебурдлик) тўлови билан таъминланиши мумкин. Маҳсулот етказиб берувчи мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганида, жумладан товарларни тўлиқ етказиб бермаганида ёки қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган етказиб бериш муддатини ўтказиб юборганида, у сотиб олувчига мулкий чора сифатида тўлаши керак бўлган пул суммаси тўлови неустойка ҳисобланади (ФК, 260-модда).

Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ, неустойка тўлови пеня шаклида, яъни муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз ҳисобидан ёки жарима шаклида, яъни мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан қатъий пул суммасида ҳисоблаб чиқиладиган тўлов тарзида белгиланади.

Товарлар тўлиқ етказиб берилмагани ёки етказиб бериш муддати ўтказиб юборилгани учун қонун ёки шартномада белгиланган неустойка тўлови маҳсулот етказиб берувчидан, у ўз мажбуриятини амалда бажаргунига қадар ундирилади.

Умумий қоидага биноан, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шартнома томонлар келишувига биноан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шартномани бир томонлама тартибда ўзгартириш ва бекор қилишнинг ФК 382-моддасида назарда тутилган умумий асослари ФКнинг 455-моддасида аниқ ҳолда акс эттирилган.

Томонларнинг шартномадаги асосий талабларни бузиши маҳсулот етказиб бериш шартномасининг жиддий бузилиши деб эътироф этилади.

Масалан, маҳсулот етказиб берувчининг шартномани бузиши қуйидаги ҳолларда жиддий деб ҳисобланиши мумкин:

– шартноманинг товарлар сифати тўғрисидаги шартларини бузиш, яъни тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб олувчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга товарларни етказиб бериш;

– товарларни етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш.

Сотиб олувчининг шартномани бузиши қуйидаги ҳолларда жиддий деб ҳисобланиши мумкин:

– етказиб берилган товарлар ҳақини тўлаш муддатларини бир неча бор бузиш;

– товарни бир неча бор олиб кетмаслик.

Тарафлар, ўзаро келишувга биноан, маҳсулот етказиб бериш шартномасини бажаришни бир тарафлама рад этиш учун асослар сифатида шартномани бузишнинг бошқа ҳолларини ҳам назарда тутишлари мумкин.

ФКнинг бир қатор моддаларида сотиб олувчига шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилади. Масалан, товар шартномада назарда тутилганидан кам миқдорда етказиб берилса (399-м.), ассортименти тўғрисидаги шарт бузилган бўлса (401-м.), бут бўлмаган товар топширилса (413-м.), товарлар тўлиқ етказиб берилмаса (443-м.) ва бошқа ҳолларда товарни сотиб олувчи шартномани бажаришдан бир томонлама равишда бош тортишга ҳақли.

Етказиб бериладиган товарларнинг ассортименти сотувчига маълум бўлмаган (400-м.), сотиб олувчи сотувчи топширган товарни қабул қилишдан (417-м.) ёки унинг ҳақини тўлашдан (419-м.) бош тортганда, товарларни жўнатиш разнарядкаси топширилмаган (441-м.), товарлар белгиланган муддатда танлаб олинмаганда (448-м.) ва бошқа ҳолларда маҳсулотни етказиб берувчи шахс ФКнинг юқорида зикр этилган моддаларига биноан, шартномани бажаришдан бир томонлама бош тортишга ҳақли бўлади.

Маҳсулотни етказиб бериш шартномасига тааллуқли бўлган ушбу ҳолларда сотиб олувчига ва етказиб берувчига

товарни етказиб беришда хатога йўл қўйилган қисмга нисбатан шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқи берилади. Шартномани бажаришда унинг бир қисм талабларини бажаришдан бош тортишни унга ўзгартиш киритиш деб ҳисобласа бўлади (ФК, 382-м.).

Бир томонлама бош тортиш иккинчи томоннинг шартномани бажаришдан тўлиқ ёки қисман бош тортиши ҳақида хабарнома борлигидан дарак беради. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш учун иккинчи томоннинг розилиги талаб этилмайди. Чунки бир томонлама бош тортиш шартноманинг бузилиши натижасида юз беради. Бундай ҳолларда судга мурожаат қилиш ҳам талаб қилинмайди.

Умумий қоидага биноан, агар қонунда ёки шартномада зарарларни камроқ миқдорда қоплаш кўзда тутилган бўлмаса (ФК 14-моддасига қаранг), ҳуқуқи бузилган тараф ўзига етказилган зарарлар тўлиқ қопланишини талаб қилиши мумкин.

Жабр кўрган тараф қиладиган харажатлар (ишлаб чиқариш тўхтаб қолгани туфайли, олинган товарлардаги камчиликларни тугатиш бўйича, бошқа сотиб олувчиларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича), шунингдек, олинмаган даромадлар (қўлдан бой берилган фойда) зарарлар сирасига киради.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш вақтида келтирилган зарарларни ҳисоблаш тартиби ФКнинг 456-моддасига мувофиқ белгиланади. Ушбу моддада назарда тутилган қоидалар 1980 йилдаги Вена Конвенцияси (75, 76-моддалар) кўрсатмаларига мос келади. Ушбу қоидалар чет эл ҳуқуқларига кўпдан бери маълум бўлиб, халқаро иқтисодий, олди-сотди низоларни ҳал қилишда қўлланиб келинади. Шартнома бекор қилинганда улардан қуйидаги икки ҳолатда фойдаланиш тарафлар учун етказилган зарарни исботлашда анча енгиллик туғдиради:

1. Маҳсулот етказиб берувчининг айби билан бошқа сотувчидан ўхшаш товарни бирмунча юқори баҳода сотиб олишга мажбур бўлган сотиб олувчининг харажати товар учун бошқа сотувчига амалда тўланган баҳо билан бекор

қилинган шартнома бўйича белгиланган товар баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида қаралади.

2. Сотиб олувчининг айби билан бошқа шахсга бирмунча пастроқ баҳода товар сотишга мажбур бўлган маҳсулот етказиб берувчининг олмаган даромади товарнинг бекор қилинган шартнома бўйича белгиланган баҳоси билан унинг ўрнига тузилган битим бўйича белгиланган амалдаги баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида қаралади.

Бекор қилинган маҳсулот, етказиб бериш шартномасининг ўрнига бошқа битим тузилмаган бўлса, зарар ушбу товарнинг мавжуд жорий баҳоси билан бекор қилинган шартномада назарда тутилган баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади. Бундан ташқари, жабрланган тарафга бошқа зарарлар етказилган бўлса, зарарларнинг ҳар бир тури алоҳида ҳисоб-китоб қилиниб, олинган натижалар жамланади ва ФК 14-моддасига амал қилинган ҳолда, ундирилади.

VI *боб.* ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ДАВЛАТ КОНТРАКТИ

1-§. Давлат контракти ва уни тузиш тартиби

Давлат контракти бўйича маҳсулот етказиб бериш фуқаролик ҳуқуқининг янги институтларидан ҳисобланади. Ўтмишда социалистик корхоналар ўртасидаги мулкий муносабатлар асосан маҳсулотларни етказиб бериш шартномаси ёрдамида тартибга солинарди. Ушбу шартнома социалистик мулкка ва қатъий режага асосланган бўлиб, деярли барча саноат ва қайта ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришда қўлланарди. Маҳсулотни етказиб бериш шартномаси, бундан олдинги бобда айтилганидек, ҳозир ҳам мавжуд, лекин эркин иқтисодий вазият юзага келиши билан унинг хусусиятлари, аҳамияти ва вазифаларида анча ўзгаришлар рўй берди.

Айрим турдаги маҳсулотлар бўйича жамият ва умумдавлат манфаатларини узлуксиз таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда янги ФКда олди-сотди шартномасининг бир тури бўлмиш давлат контракти жорий қилинди. Ушбу контракт воситасида давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш умуммиллий муаммолари, ижтимоий-иқтисодий, мудофаа, илмий-техникавий, жамият манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги ва бошқа аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларни бажариш, ҳал қилиш учун зарур ҳисобланган давлат эҳтиёжларини қондириш амалга оширилади.

Давлат контракти бўйича алоҳида турдаги товарлар маълум чекланган миқдорда ва давлат нархида тегишли давлат ташкилотлари, корхоналарига етказиб берилади. Контрактдан ортиқча миқдордаги товарлар, олди-сотди шартномасига асосан, ҳар қандай сотиб олувчига, маҳсулотни етказиб бериш шартномасини тузиш орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ва фуқароларга сотилиши мумкин.

Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти тузишда, бир тарафдан, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклида фаолият кўрсатадиган товар етказиб берувчи хўжалик юритиш субъекти (хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, жамоа хўжаликлари, акционерлик жамиятлари, кооперативлар, деҳқон (фермер) хўжаликлари), иккинчи тарафдан эса, албатта, давлат ёки давлат ташкилоти иштирок этади.

Давлат контрактини давлат номидан республика ёхуд маҳаллий ҳокимият идораларининг бевосита ўзлари эмас, балки қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тегишли ташкилотлар, масалан, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзмевасабзоватузумсаноат» уюшмаси, «Ўзбекбирлашув» таркибига кирувчи корхоналар (тайёрловчилар) ва бошқалар тузади.

Давлат эҳтиёжлари учун товар ва маҳсулотларни сотиб олиш давлат бюджети ва давлат эҳтиёжларини қондириш

учун мўлжалланган бошқа хил маблағлар ҳисобидан қопланади.

Давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш вазифаси давлат контракти ва ушбу контракт бўйича тузиладиган шартномалар асосида бажарилади. Агар етказиб берилаётган товар давлат буюртмачисининг ўзи ёки жойлардаги тегишли бўғинлари томонидан қабул қилинса (сотиб олинса), давлат эҳтиёжлари учун бундай товар етказиб бериш буюртмачи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузиладиган давлат контракти асосида; агар давлат контрактида товарни бошқа шахсга етказиб бериш лозимлиги кўрсатилган бўлса, бундай муносабат давлат контракти бўйича, товар етказиб берувчи билан маҳсулотни қабул қилувчи шахс ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Давлат контрактини тузиш учун тегишли давлат органининг буюртмаси асос бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 декабрдаги «1997 йилда пахта етиштириш ҳажмлари тўғрисида»ги 441-қарорида таъкидланишича, 1997 йилда пахта толаси учун давлат хариди уни ишлаб чиқариш ҳажмларининг 30 фоизи даражасида белгиланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик субъектлари давлат буюртмасида кўрсатилган ҳажмдаги маҳсулот ёхуд товарларни етказиб берганидан сўнг, ўз ихтиёрида қоладиган маҳсулот ёки товарни улар хоҳлаган хўжалик субъектларига ёхуд бошқа шахсларга эркин нархларда сотиши мумкин.

Давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш борасидаги муносабатларда маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги қоидалар ҳам қўлланилади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси ва давлат контрактига асосан, товар етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларга оид қоидалардан келиб чиққан ҳолда, ушбу муносабатларни тартибга солиш юзасидан тегишли давлат идоралари алоҳида қонун ҳужжатларини қабул қилишлари мумкин.

Давлат контрактига хос юқорида келтирилган белгиларни ҳисобга олган ҳолда, уни қуйидагича таърифлаш мумкин: давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш юза-

сидан давлат контракти бўйича маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи), давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмасига биноан, маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида бошқа шахсга келишилган муддатда товарлар етказиб беришни, давлат буюртмачиси эса етказиб берилган товарлар ҳақининг белгиланган муддатда тўланишини таъминлашни ўз зиммасига олади (ФКнинг 458-м.).

Ушбу тушунчанинг мазмунидан, давлат контрактига мувофиқ, мураккаб юридик фактга асосланган муносабатлар юзага келади деган хулосага келиш мумкин. Давлат контракти бўйича муносабатларда маҳсулотни етказиб берувчи (ижрочи), давлат буюртмачиси ва, унинг кўрсатмасига биноан, бошқа шахслар қатнашади. Давлат буюртмачиси билан ижрочи ўртасидаги муносабатлар – маъмурий-ҳуқуқий, ижрочи билан бошқа шахслар ўртасидаги муносабатлар эса – фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга. Чунки биринчи муносабатлар давлат органининг буюртмасига асосан иккинчиси эса – маҳсулотни етказиб бериш шартномасига асосан вужудга келади. Бунда давлат буюртмасига асосан икки хил табиатга эга бўлган икки турдаги ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилиши назарда тутилмоқда.

Аввалambор, давлат эҳтиёжлари учун ижрочи етказиб бераётган товарни давлат буюртмачисининг ўзи ёки унинг қуйи бўғинлари қабул қилади. Шунингдек, бундай товарларни давлат буюртмачисининг ўзи эмас, балки унинг кўрсатмасига биноан, бошқа ташкилотлар ҳам қабул қилишлари мумкин. ФКнинг 457-моддасида таъкидланганидек, давлат контрактида бошқа шахсга товар етказиб бериш лозимлиги кўрсатилган бўлса, товар етказиб берувчи (ижрочи) мазкур учинчи шахс билан шартнома тузади. Лекин бу шартноманинг асосий бандлари, жумладан маҳсулотнинг ҳажми, унга тўланадиган ҳақ, товарни етказиб бериш муддатлари ва шунга ўхшаш кўрсаткичлар товар етказиб берувчи билан давлат буюртмачиси ўртасида тузилган давлат контрактида белгилаб қўйилган бўлади. Бу кўрсаткични маҳсулот етказиб берувчи билан уни сотиб олувчи ташкилот ўз шартномаларида ўзгартиришга ҳақли эмаслар, яъни бундай шартнома давлат контрактига зид келиши мумкин

эмас. Товар етказиб берувчи билан уни сотиб олувчи ўртасида тузиладиган шартноманинг бажарилиши юзасидан давлат буюртмачиси кафил бўлиб ҳисобланади. Давлат эҳтиёжи учун товар етказиб берилаётганда, сотиб олувчи сифатида икки ва ундан ортиқ ташкилотлар қатнашиши мумкин. Агар давлат контрактида товарни бир ёки бир неча шахслар қабул қилиши (сотиб олиши) кўрсатилган бўлса, бундай ҳолда товар етказиб берувчи ҳар бир сотиб олувчи билан алоҳида-алоҳида шартнома тузади. Ўз навбатида, давлат контракти, яъни шартнома томонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланиб, уларни тузиш ва бажаришда ҳар бир тараф бошқа тарафнинг манфаатларига риоя қилиши, ўз мажбуриятларини энг тежамли тарзда бажариши, мажбуриятни лозим даражада бажармаслик оқибатида пайдо бўлиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш ва уни камайтириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриши, ушбу чора-тадбирлар тўғрисида иккинчи тарафни ўз вақтида хабардор қилиши ҳамда мажбуриятларни бажаришда унга кўмаклашиши лозим.

Давлат эҳтиёжи учун етказиб бериладиган товарнинг сифати белгиланган стандартларга, техник шартларга, ветеринария ва санитария назорати қоидаларининг талабларига мос келиши керак.

Давлат контрактини тузиш учун тегишли давлат органларида тузилган ва ҳукумат томонидан тасдиқланган буюртма асос бўлиб хизмат қилади.

Буюртмани тузиш ва тегишли маблағ билан таъминлаш тартиби ҳукумат қабул қиладиган ҳужжатлар билан белгиланади. Давлат контракти давлат буюртмасидан келиб чиққан ҳолда тузилади ва унга зид бўлиши мумкин эмас. Агар товар етказиб берувчи шахс давлат контрактида акс эттан шартларнинг барчасига розилик берса, давлат буюртмачиси давлат контрактини тузишдан бош торта олмайди.

Давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш юзасидан тузиладиган давлат контрактларининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундан иборатки, бундай контрактларни тузиш баъзи ҳолларда мажбурий тарзда амалга оширилиши мумкин. Лекин ушбу ҳоллар қонун ҳужжатларида албатта

кўрсатилган бўлиши керак. Товар етказиб беришнинг мажбурий кўрсатма асосида амалга оширилиши натижасида хўжалик субъекти муайян даражада зарар кўриши ёки маълум кўзланган фойдани ололмай қолиши мумкин. Чунки у бошқа хўжалик субъектларига товарлар ва маҳсулотлар сотганда давлат контракти асосида сотилганига нисбатан кўпроқ даромад олиши мумкин. Шуни инобатга олган ҳолда, 459-модданинг 3-қисмида таъкидланганидек, давлат буюртмачиси давлат контрактини бажариш натижасида товар етказиб берувчи кўриши мумкин бўлган барча зарарларни (ҳақиқий зарар, бой берилган фойда) қоплашни ўз зиммасига олиши ва бу ҳолат давлат контрактида ҳам акс эттирилган бўлиши керак.

Агар буюртмачи ушбу зарарни қоплашни ўз зиммасига олмаса ва товар етказиб берувчи, қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат контрактини тузишга мажбур бўлмаса, товар етказиб берувчи давлат контрактини тузишдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Лекин буюртмачининг маҳсулот етказиб берувчи шахс давлат контрактини бажариши туфайли кўрган зарарни қоплаши шартлиги тўғрисидаги қоида товар етказиб берувчи сифатида давлат корхонаси иштирок эттан ҳолларда унга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бу ўринда хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида эмас, балки оператив бошқарув ҳуқуқи асосида фаолият юритадиган корхоналар назарда тутилади. Чунки ФКнинг 72-моддаси 5-қисмида кўрсатилишича, давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганда, давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Яъни мажбуриятни бажармаслик натижасида келиб чиққан зарарнинг қопланмаган қисми давлат томонидан албатта тўланади. Ушбу корхоналар давлат бюджетидан тўлалигича маблағ билан таъминланади ҳамда давлатнинг топшириқлари асосида ва унинг манфаати йўлида фаолият кўрсатади. Шу маънода бундай корхоналар кўрган зарарнинг давлат томонидан қопланиши мантиққа зиддир. Давлат буюртмачилари очиқ ёки ёпиқ савдолар ўтказиш, кимошди савдоларини ташкил қилиш, танлов (конкурс)лар уюштириш ва бошқа хил тадбирлар

асосида давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб берувчи субъектларни аниқлашлари мумкин. Чунончи, бундай субъектлар танлов асосида аниқланаётганда, ушбу танловда қайси ташкилот ғолиб чиқса, давлат буюртмачиси айнан ўша субъект билан давлат контракти тузишга мажбур бўлади.

Одатда давлат эҳтиёжи учун товарлар етказиб бериш юзасидан давлат контракти тузилаётганда, унинг лойиҳаси давлат буюртмачиси томонидан тайёрланади ва товар етказиб берувчига юборилади. Шунингдек, тарафларнинг ўзаро келишуви асосида контракт лойиҳасини тайёрлашни товар етказиб берувчининг зиммасига юклаш ёки бунга учинчи шахсларни, жумладан махсус фирмалар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш мумкин.

Давлат контракти лойиҳасини ишлаб чиққан тараф (одатда буюртмачи) ушбу лойиҳани икки нусхада ёзма равишда тузиб, иккинчи тарафга юборади, яъни контракт тузишга таклиф қилади. Иккинчи тараф эса, контракт лойиҳасида кўрсатилган барча шартларга рози бўлса, 30 кунлик муддат ичида уни имзолаши ва бир нусхасини таклиф қилувчи тарафга қайтариши керак. Агар у контрактнинг муайян шартларига рози бўлмаса, бундай норозилик сабабларини кўрсатиб, келишмовчиликлар баённомасини тузади; контрактнинг қайси шартларига рози бўлса, шу шартларига рози эканлигини кўрсатиб, контрактни имзолайди. Имзоланган контрактнинг бир нусхасини келишмовчиликлар баённомаси билан бирга 30 кунлик муҳлат ичида таклиф қилган тарафга юборади. Бу, ўз навбатида, контракт тузиш учун билдирилган янги таклиф, яъни оферта деб ҳисобланади. Агар хўжалик субъекти давлат контракти тузишни умуман хоҳламаса, бу ҳақда иккинчи тарафга маълум қилади. Лекин, юқорида таъкидланганидек, мажбурий равишда давлат контрактини тузиш бундан мустасно. Имзоланган давлат контракти билан келишмовчиликлар баённомасини олган тараф 30 кун ичида келишмовчиликларни кўриб чиқиши, зарур ҳолларда контракт шартларини бошқа тараф билан мувофиқлаштириш чораларини кўриши ёхуд давлат контрактини янги таклиф асосида тузишга рози

бўлганлиги тўғрисида ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этиши ҳақида иккинчи тарафни хабардор қилиши керак. Ушбу талабларга риоя қилмаслик ФКнинг маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш вақтида келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш тўғрисидаги 439-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

2-§. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузиш ва унинг бажарилиши

ФКнинг 461-моддасига биноан, давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш юзасидан тузиладиган давлат контрактидан ёки давлат буюртмачисининг кўрсатмасига биноан сотиб олувчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасида тузиладиган шартномадан келиб чиқадиган муносабатларга маҳсулот етказиб бериш шартномасига оид қоидалар татбиқ этилади (ФКнинг 437-456-моддалари). Масалан, ФК 438-моддасида кўрсатилишича, маҳсулот етказиб бериш шартномаси бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатга ёхуд тарафлар келишувида назарда тутилган бошқа муддатларга ҳам тузилиши мумкин. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, шартнома бир йилга тузилган деб ҳисобланади. «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида низом»нинг 8-банди 1-қисмига биноан, агар давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериладиган бўлса, бу тўғридаги шартномалар тарафларнинг келишувига кўра 1 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга тузилиши мумкин.

ФКнинг 440-моддаси 2 ва 3-қисмларида таъкидланганидек, шартномада, маҳсулот етказиб бериш даврлари белгиланиши билан бир қаторда, товарларни етказиб бериш (ўн кунлик, суткалик, соатлик ва ҳ.к.) жадвали ҳам белгиланиши мумкин.

Товарларни муддатидан олдин етказиб бериш сотиб олувчининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

Муддатидан олдин етказиб берилган ва сотиб олувчи томонидан қабул қилинган товарлар кейинги даврда етказиб берилиши зарур бўлган товарлар миқдорига киритилади. Ушбу тартиб давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларига ҳам тўлиқ татбиқ қилинадиган қоидалар жумласидандир.

Агар давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулотни давлат буюртмачисининг ўзи ёки унинг жойлардаги қуйи бўғинлари қабул қилиши лозим бўлса, маҳсулот етказиб берувчи билан давлат буюртмачиси ўртасида давлат контракти тузилади, агар давлат контрактида давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган товар бошқа шахс (шахслар) томонидан қабул қилиниши кўрсатилган бўлса, маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) билан уни сотиб олувчи ўртасида шартнома тузилади.

Давлат буюртмачиси томонидан давлат контрактида давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулотни бошқа шахслар (сотиб олувчи) сотиб олиши лозимлиги кўрсатилган бўлса, давлат буюртмачиси давлат контракти тузилган кундан бошлаб узоғи билан 30 кун ичида сотиб олувчининг етказиб берувчига (ижрочига) бириктирилганлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчига ҳамда сотувчига билдириш хати юборади. Ушбу хат сотиб олувчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасида шартнома тузилишига асос бўлади.

Давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ушбу шартнома бўйича товар ҳақи сотиб олувчи томонидан тўланадиган ҳолларда, давлат ҳар вақт сотиб олувчининг айнан ушбу мажбурияти бўйича кафил сифатида субсидар жавобгар бўлиши назарда тутилиши мумкин.

Агар қонунда ёки давлат контрактида бундай жавобгарлик назарда тутилмаган бўлса, давлат буюртмачиси сотиб олувчининг бажармаган мажбурияти ёхуд лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлари юзасидан биргаликда жавобгар бўладилар. Чунончи, давлат контрактида, юқорида таъкидланганидек, бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат буюртмачиси товар етказиб берувчи олдида баб-

баравар жавобгар бўлади (шу жумладан қарзлар бўйича), қарзни ундириб олиш бўйича ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа зарарларни тўлайди.

Одатда сотиб олувчи билан товар етказиб берувчи ўртасида тузиладиган давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини сотиб олувчи тайёрлайди. Шунингдек, давлат контрактида шартнома лойиҳасини тайёрлашнинг бошқача тартиби ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, давлат буюртмачисининг ўзи тайёрлаши, бошқа бирорта фирма ёки тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда тайёрланиши мумкин.

Агар бундай тартиб давлат контрактида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек, шартноманинг лойиҳаси сотиб олувчи томонидан тайёрлаб юборилмаган бўлса, маҳсулот етказиб берувчи шахс давлат буюртмачисидан қайси сотиб олувчи бириктирилганлиги тўғрисида билдириш хатини олган кундан бошлаб 30 кун ичида шартнома лойиҳасини тайёрлаб, сотиб олувчига юбориши шарт.

Шартнома лойиҳаси давлат буюртмаси ва давлат контракти шартларидан ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тайёрланиши керак. Жумладан, етказиб берилган товар учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва етказилган товар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини бажармаганлик ёхуд лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик доираси каби ҳолатлар давлат контрактида назарда тутилмаган бўлса, ушбу ҳолатлар шартнома лойиҳаси тайёрланаётган вақтда эътиборга олиниши керак.

Товар етказиб берувчи (ижрочи) шартнома лойиҳасини олгач, ушбу лойиҳани узоғи билан 30 кун ичида кўриб чиқиб, ўзининг тегишли қарорини сотувчига маълум қилиши шарт. Шартнома лойиҳаси сотувчи томонидан тайёрланиб юборилган ҳолда, бундай қарор уч хил кўринишда бўлиши мумкин:

1) шартнома лойиҳасининг кўрсатилган барча шартларига рози бўлиш. Ушбу ҳолда маҳсулот етказиб берувчи шартномани имзолайди ва бир нусхасини сотиб олувчига юборади;

2) шартнома лойиҳасида акс эттан шартларнинг муайян қисмига рози бўлиш. Бунда маҳсулот етказиб берувчи шартноманинг қайси шартларига рози бўлганлигини кўрсаттан ҳолда, лойиҳанинг бир нусхасини имзолаб, шартноманинг қолган шартларига қўшилмаслик сабаблари кўрсатилган келишмовчиликлар баённомаси билан бирга сотувчига юборади. Бундай жавоб акцептдан (қабул қилишдан) бош тортиш ва айни вақтда оферта (таклиф) ҳисобланади;

3) шартнома лойиҳасида акс эттан шартларнинг бирортасига ҳам рози бўлмаслик. Бундай ҳолда маҳсулот етказиб берувчи шартнома тузишга рози эмаслиги тўғрисида сотувчини 30 кун ичида хабардор қилади. Лекин ушбу қоида шартнома тузиш мажбурий бўлмаган ҳоллар учун татбиқ қилинмайди.

Ўз навбатида, сотиб олувчи келишмовчиликлар баённомасини ва шартноманинг бир нусхасини олганидан сўнг, 30 кунлик муддат ичида шартноманинг шартларига келишмовчилик баённомасида кўрсатилган тартибда қўшилганлиги ёки қўшилмаганлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчини хабардор қилиши керак. Шунингдек, у шартнома тузиш бўйича юзага келган келишмовчиликларни кўриб чиқиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли.

Маҳсулот етказиб берувчи тараф учун мажбурий тартибда шартномалар тузиш назарда тутилган қоидалар ФКнинг 377-моддасида акс эттирилган. ФКнинг 461-моддасига мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасини тузиш маҳсулотни етказиб берувчи тарафлар учун мажбурий ҳисобланади. Агар маҳсулот етказиб берувчи шартномани тузишдан бош тортса, сотиб олувчи маҳсулот етказиб берувчини шартнома лойиҳаси шартларига амал қилган ҳолда шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3-§. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишдан ёки бажаришдан бош тортиш оқибатлари

ФК 459-моддасининг 3-қисми мазмунидан англашилишича, давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш ҳам ихтиёрий, ҳам мажбурий тарзда бўлиши мумкин. Давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш мажбурий тарзда бўлган вақтда, маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи) маҳсулот етказиб беришдан бош тортишга ҳақли эмас. Лекин сотиб олувчи ФК 463-моддасининг 1-қисмига биноан, давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасини тузишдан тўлиқ ёхуд қисман бош тортиш ҳуқуқига эга.

Агар сотиб олувчи уни маҳсулот етказиб берувчи билан бириктириш ҳақидаги билдириш хатида кўрсатилган давлат эҳтиёжлари учун товарларни етказиб бериш шартномасини тузишдан бутунлай ёки қисман бош торттан бўлса, маҳсулот етказиб берувчи давлат буюртмачисини бундан дарҳол хабардор қилиш ва бошқа сотиб олувчини бириктириш тўғрисида билдириш хатини беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат буюртмачиси ушбу билдириш хатини олганидан сўнг узоғи билан 30 кун ичида:

а) маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га бошқа сотиб олувчини бириктириш тўғрисидаги билдириш хатини юбориши;

б) маҳсулот етказиб берувчи (ижрочи)га товарларни ким олиши кўрсатилган жўнатиш разнарядкасини юбориши ва товарларни қабул қилиш ҳамда ҳақини тўлашга розилигини билдириши шарт.

Буюртмачининг бундай мажбурияти қонунда кўрсатилган муддатда бажарилмаса, маълум оқибатларни келтириб чиқаради. Жумладан, у товар етказиб беришдан бош тортиш ёхуд давлат буюртмачисидан товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар давлат контрактида товарларни етказиб берувчининг давлат буюртмачисига ёки разнарядка бўйича товарни қабул қилиб олувчилар (бошқа шахслар)га топшириши

зарурлиги кўрсатилган бўлса, давлат контрактини бажаришда тарафлар маҳсулотни етказиб бериш шартномаси учун белгиланган қоидаларга, улар бўлмаган тақдирда олди-сотди тўғрисидаги умумий қоидаларга амал қиладилар (ФКнинг 441-м.).

Ушбу шартномани бажаришнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, агар давлат контрактида товар учун ҳисобкитобнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, қабул қилувчига (ижро этувчига) разнарядка бўйича етказиб берилган товар ҳақини тўлашни бевосита давлат буюртмачисининг ўзи амалга оширади.

ФК 459-моддасининг 3-қисмига биноан, давлат контрактини бажариш туфайли товар етказиб берувчи кўриши мумкин бўлган барча зарарларни давлат буюртмачиси қоплаши лозим. ФК 464-моддасининг 1-қисмига биноан, бундай зарар давлат буюртмачиси томонидан унга (ёки сотувчига) товар топширилган кундан эътиборан узоғи билан 30 кун ичида қопланиши керак. Шунингдек, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ёки давлат контрактида бошқача тартиб кўзда тутилиши ҳам мумкин.

Одатда давлат контрактининг бажарилиши муносабати билан маҳсулот етказиб берувчига етказилган зарарни тўлаш давлат контрактида акс этиши керак. Бундай қоида давлат контрактида акс этмаган бўлса ёки товар етказиб берувчи (ижрочи) давлат контрактига шундай қоидани киритишни хоҳламаса, уни тузишдан бош тортишга ҳақлидир. Агар давлат контракти тузилиб, буюртмачи ушбу контрактнинг шартларига амал қилмаса ёхуд уларни лозим даражада бажармаса ёки давлат контракти бекор қилинмаса, товар, маҳсулот етказиб берувчи келиб чиққан зарарларнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли бўлади. Агар давлат контракти ушбу кўрсатилган ҳолатлардагидек бекор қилинган бўлса, маҳсулот етказиб берувчи давлат эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасини, ҳатто бундай шартнома бекор қилинмаган бўлса ҳам, бажармасликка ва уни бажариш натижасида ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли. Яъни бу ерда давлат ўз

эҳтиёжлари учун товар етказиб бериш шартномасининг лозим даражада ижро этилишини кафолатлайди. Баъзи ҳолларда давлат ўз эҳтиёжлари учун товар етказиб бераётган хўжалик субъектига муайян имтиёзлар ҳам белгилаши мумкин. Масалан, имтиёзли кредитлар ажратиш, ушбу хўжалик субъектларининг маълум бир қарзларидан воз кечиш ёки уларни тўлаш муддатларини кечиктириш ва ҳоказо.

Тарафлар товарни етказиб бериш шартномасида давлат контракти тузиш пайтида келишилган товар баҳосини қабул қилишлари керак. Товарни етказиб бериш шартномасини тузган сотиб олувчи, товарни разнарядка бўйича қабул қилиб олувчидан фарқли ўлароқ, товар ҳақини ўзи тўлайди. Лекин ушбу норма диспозитив хусусиятга эга: шартнома тарафлари ҳисоб-китобнинг бошқача тартибини белгилашдан ва давлат контрактида келишилган баҳодан ўзгача баҳони келишиб олиш имкониятидан маҳрум бўлмайди.

Давлат контракти билан товарни етказиб бериш шартномаси ўртасида узвий боғланиш мавжуд. Бу, айниқса, товар ҳақини тўлашда намоён бўлади. Масалан, агар товарни етказиб бериш шартномаси бўйича давлат эҳтиёжлари учун етказилган товар ҳақини тўлаш мажбурияти маҳсулотни етказиб берувчининг зиммасига юклатилган бўлса, давлат буюртмачиси ушбу мажбурият бўйича кафил сифатида иштирок этади. Ушбу қоидага биноан, агар сотиб олувчи товар ҳақини тўлашдан бош тортса ёки уни ўз вақтида тўламаса, давлат буюртмачиси товарни сотиб олувчи билан товар етказиб берувчи олдида биргаликда жавобгар бўладилар (ФК, 293-модда). Аммо давлат контрактида бошқача тартиб белгиланган бўлиши ҳам мумкин.

Давлат буюртмачиси товарга эҳтиёж сезмаса, уни қабул қилмасликка ҳақлидир. Аммо у товардан воз кечиш натижасида уни етказиб берувчига етказилган зарарни қоплаш шарти билангина бундай ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

VII боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ

1-§. Контрактация шартномаси ва унинг тарафлари

ФКнинг 465-моддасида контрактация шартномаси шундай таърифланади: «Контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади».

Контрактация шартномаси – иқтисодий мазмуни жиҳатдан олди-сотди шартномасининг бир тури. Лекин у ўзига хос жиҳатлари билан олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан ажралиб туради.

1963 йилдаги Гражданлик кодексида контрактация шартномасига таъриф берилмаган эди. У миллий муносабатлар соҳасида қўлланадиган шартномаларнинг алоҳида мустақил бир тури сифатида қонуности (қонунга тенглаштирилган) ҳуқуқий ҳужжатлар воситасида тартибга солинарди. Ушбу ҳужжатлар 1997 йил 1 мартдан кейин тузилган шартномаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

ФКнинг 465-моддасида контрактация шартномасига тўла таъриф берилмайди, лекин унинг олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан фарқ қиладиган белгиларига эътибор берилади. Булар, биринчидан, шартнома тарафларининг кимлардан иборат бўлиши билан, иккинчидан, шартнома бўйича сотиладиган товарнинг «қишлоқ хўжалик маҳсулоти» бўлиши билан ифодаланади.

Шартнома тарафларидан бири қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиб, ундириб, парвариш қилиб, етиштирувчи бўлса, иккинчи тараф бундай маҳсулотларни қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қилувчи тадбиркор ҳисобланади.

Контрактация шартномаси ўзининг юқорида қайд этилган белгилари билан чакана олди-сотди шартномасидан, маҳсулотни етказиб бериш шартномасидан фарқ қилади.

Контрактация шартномаси кўп йиллик тарихга эга. Дастлаб у чор Россияси даврида пахтага нисбатан қўллана бошланган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам контрактация воситасида асосан пахта харид қилинарди. Режалаштириш (планлаштириш) тизими авж олган сари контрактациянинг том маънодаги шартномага хос белгилари, хусусиятлари сусайиб, у режани мажбурий равишда амалга оширишга қаратилган воситага айлана борди ва, ўз навбатида, бошқа барча техник ўсимликлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан жорий этила бошлади.

Бозор иқтисодиёти даврига қадар контрактация шартномасининг иштирокчилари сифатида, бир томондан, колхоз, совхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотлари, иккинчи томондан, давлат ёки кооператив тайёрлов ташкилотлари иштирок этиб келди. Шартнома юзасидан мажбуриятлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш бўйича қабул қилинган давлат режаларига асосан белгиланарди.

Контрактация шартномаси тузишда тарафлар собиқ СССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Министрлар Совети томонидан қабул қилинган қарор ва қўлланмаларга, маҳсулотларни харид қилиш бўйича белгиланган давлат режасига, Контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги низомга, шунингдек, Намунавий шартномага қатъий амал қилишлари лозим эди. Уларга зид бўлган шартномалар эса ҳақиқий эмас деб ҳисобланарди.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш бўйича муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 август қарори билан тасдиқланган «Контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги низом» билан тартибга солинади. Мазкур Низомга биноан, контрактация шартномаси барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишга оид муносабатларга татбиқ қилинади. Шу билан бирга, баъзи асосий турдаги маҳсулотлар бўйича маълум

миқдорда давлат контрактига асосан топшириш ҳам контрактация шартномаси тузиш йўли билан амалга оширилади.

Контрактация шартномасининг тарафлари сифатида, бир томондан, мулкчилик шаклларидан ва қайси бошқармага тегишли бўлишидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хўжалик жамоалари, корхоналари, маҳсулотни етиштиришда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, жумладан, деҳқон хўжаликлари (фермерлари), иккинчи томондан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олувчи ташкилотлар, уни қайта ишловчи ёки қайта ишламасдан сотиш учун харид қилувчи ташкилотлар, корхоналар ва бошқалар қатнашади.

Демак, контрактация шартномасида қатнашувчи тарафларнинг таркибий қисмида жиддий ўзгариш юз берди. Энди қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартнома бўйича ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар колхоз, совхозлар эмас, балки турли шаклдаги (оммавий ва хусусий) мулк асосида ўз фаолиятини амалга оширувчи давлатга тегишли ёки хусусий корхоналар, ташкилотлар, хўжалик ширкатлари бўлиши мумкин.

Давлат контракти бўйича сотиладиган маълум миқдордаги маҳсулотларнинг баҳоси олдиндан белгиланиши мумкин. Контрактдан ортиқча топширилган маҳсулотлар учун юқори нарх тўлаш махсус қарорларда кўрсатилиши ёки шартнома тарафларининг келишуви билан эркин равишда белгиланиши мумкин.

Контрактация шартномаси мазмун жиҳатидан олди-сотди шартномасининг турларидан бири бўлганлиги туфайли, юқоридаги Низомда ва қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган ҳолларда, контрактация шартномасига оид муносабатларга нисбатан олди-сотди ва маҳсулотларни етказиб бериш шартномаларининг қоидалари татбиқ қилиниши мумкин.

2-§. Контрактация шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Контрактация шартномасининг тарафларидан бири бўлган ишлаб чиқарувчи (корхона, хўжалик ширкати, жамоаси) ўзи шахсан ўстириб етиштирган ва йиғиштириб олган қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрловчига, яъни уни сотиб олувчига шартномада назарда тутилган миқдорда ва ассортиментда топшириш мажбуриятини олади.

Шартномада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миқдори, ассортименти ҳақидаги шартларни белгилашда ФК нинг 398, 400-моддаларига амал қилиш керак. Чунончи, турли хил (ассортиментдаги) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миқдори шартномада аниқ ҳажмда (масалан, тоннада ва ҳоказо) ёки суммада белгиланмасдан, кўпроқ ёки камроқ миқдорда кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. Сотиб олувчи шартномада кўрсатилганга нисбатан кўп миқдордаги маҳсулотни харид қилишдан воз кечишга ҳақли бўлмаслиги, маҳсулотни етиштирувчи эса унга нисбатан камроқ миқдорда топшириш (сотиш) ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Бу ҳақдаги келишув Кодекснинг 398-моддасига зид келмайди. Мазкур моддага кўра, товарларнинг миқдори тўғрисидаги шарт шартномада уни аниқлаш тартибини белгилаш йўли билан келишилиши мумкин.

Топширилиши лозим бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати давлат андаза (стандарт)ларига ва белгиланган кондиция талабларига жавоб бериши лозим. Маҳсулотни тайёрловчи (сотиб олувчи)га топшириш муддатлари ҳар қайси турдаги маҳсулот бўйича тузилган шартномаларда кўрсатилади. Ҳар бир маҳсулотни етиштириш хусусиятлари ҳар хил бўлишини ҳисобга олган ҳолда шартномада уларни тайёрловчи (сотиб олувчи)га топшириш муддатлари ҳам ҳар хил белгиланган бўлиши мумкин.

Маҳсулотни етиштирувчи хўжалик ўз зиммасига олган мажбуриятни бекам-кўст бажариш учун агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда маҳсулотни ўз вақтида экиши, унга тегишли ишлов бериши, парвариш қилиши, етишти-

рилган маҳсулотни нобуд қилмасдан тайёрловчи (сотиб олувчи)га ўз вақтида топшириши керак.

Контрактация шартномаси бўйича вужудга келадиган муносабатларда маҳсулотни етказувчи тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тайёрловчи тарафникига нисбатан устун туради. Контрактация шартномаси тарафлари тенг ҳуқуққа эга бўлган олди-сотди шартномасидан ва маҳсулотни етказиб бериш шартномасидан шуниси билан фарқ қилади. Контрактация шартномаси бўйича маҳсулотни тайёрловчи (сотиб олувчи) зиммасига айрим қўшимча вазифалар юклатилади. Масалан, диспозитив норма қоидасидан келиб чиқиб, тайёрловчининг зиммасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотини уни етиштирувчидан у жойлашган ерда қабул қилиб олиш мажбурияти юклатилади. Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчи кўрсаттан ёки жойлашган ерда қабул қилишга келишилган бўлса, маҳсулотни қабул қилиб олишдан бош тортишга йўл қўйилмайди. Ушбу норма императив хусусиятта эга.

Агар тайёрловчи (сотиб олувчи) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олиб кетишни ёки қабул қилиб олишни таъминламаса, маҳсулотни хўжаликнинг ўзи тайёрловчига (сотиб олувчига) етказиб бериши мумкин. Бундай ҳолда тайёрловчи маҳсулот қийматига қўшимча равишда хўжаликнинг уни етказиб келтириш билан боғлиқ харажатларини ҳам тўлаши керак.

Маҳсулотни етиштирувчи хўжалик маҳсулотни қайта ишлаш натижасида ундан ҳосил бўлган чиқиндиларни тайёрловчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Чиқиндиларнинг нархи келишилган ҳолда белгиланади.

1994 йил 29 августда қабул қилинган Низомда тайёрловчи (сотиб олувчи) учун контрактация шартномаси бўйича маҳсулотни ўз вақтида етиштирувчи хўжаликка келишилган муддатда бўнак (аванс) бериш, маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олиш, белгиланган баҳода унинг ҳақини тўлаш ва бошқа мажбуриятлар назарда тутилади.

3-§. Контрактация шартномаси бўйича мажбуриятни бажармаслик оқибатлари

Контрактация шартномасини тузиш ва бажаришни тартибга солишнинг моҳияти унинг предметига хос хусусиятлар ҳамда мажбуриятларни бажаришда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари билан белгиланади. Унинг предмети шартнома тузиш пайтида ўсиб-унмаган, топширишга тайёр бўлмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотидан иборат. Шартноманинг тарафлари эса, бир томондан, маҳсулотни ишлаб чиқариб етказувчи, иккинчи томондан, уни тайёрловчи (сотиб олувчи) ҳисобланади. Маҳсулотни сотиб олувчи қабул қилиб олувчи деб аталади. Чунки унга топширилган маҳсулот қайта ишланиши, истеъмол учун тайёр ҳолга келтирилиши керак.

Контрактация шартномасининг предметига хос хусусиятлар, тарафларнинг хўжалик соҳасида тутган ўрни ва ҳуқуқий ҳолати шартнома тарафларининг ўз мажбуриятларини бажармаганликлари оқибатида юзага келадиган жавобгарликни белгилашда ҳам ўз таъсирини ўтказади. Шартнома бўйича, агар хўжалик ўз вазифасини бажаришга совуққонлик билан қараб, зарур бўлган ишларни бажармаса ва унинг натижасида шартномада назарда тутилган миқдорда ва ассортиментда маҳсулотнинг олинмаслиги олдиндан маълум бўлиб қолса, тайёрловчи (сотиб олувчи) шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни ҳамда унга етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Демак, зарарни қоплаш бўйича жавобгарлик маҳсулотни етиштирувчи хўжаликнинг айби билан мажбурият бажарилиши мумкин бўлмай қолган тақдирдагина вужудга келади. Собиқ СССР Министрлар Совети томонидан 1970 йил 22 октябрда тасдиқланган «Контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан, маҳсулотни етиштирувчи хўжалик фақат олдини олиш мумкин бўлмаган табиий офат юз бериши натижасида мажбуриятни бажармаган бўлсагина, жавобгарликдан озод бўлиши мумкин эди. Мажбурият бошқа ҳоллар ёки шароитда бажарилмай қолган тақдирда, бунда хўжаликнинг ай-

би бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, у жавобгар бўларди. Янги қоидага мувофиқ, агар мажбуриятнинг бажармаслигида хўжаликнинг айби бўлмаса, у жавобгар бўлмайди. Лекин ФКнинг 333-моддасига мувофиқ, айби йўқлигини исботлаш вазифаси маҳсулотни етказувчи хўжаликнинг зиммасига юклатилади.

ФКнинг 467-моддаси орқали тайёрловчи шахсга қишлоқ хўжалик маҳсулотини уни етиштирувчи шахсдан у жойлашган ерда қабул қилиб олиш мажбурияти юклатилади. Ушбу мажбуриятни бажармаслик тегишли ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради. Масалан, агар тайёрловчи шахс маҳсулотни олиб кетишни ёки қабул қилиб олишни таъминламаса, у етиштирувчига, яъни хўжаликка маҳсулотнинг қийматини ва уни келтириш харажатларини тўлаши керак.

1994 йил 29 августда қабул қилинган Контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисидаги низомда, агар маҳсулотни тайёрловчи шахс хўжаликка келишилган муддатда бўнак (аванс) бермаса, маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиб олмаса ва белгиланган баҳода унинг ҳақини тўлаш ва бошқа мажбуриятларини бажармаса, унга нисбатан жавобгарлик (жарима, неустойка) қўлланиши зарурлиги назарда тутилган.

VIII *боб.* ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

1-§. Энергия таъминоти шартномасининг мазмуни ва уни тузиш тартиби

Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ, бир тараф – энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали иккинчи тараф – абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек, шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган

энергияни истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 468-м.).

Энергия таъминотига боғлиқ ҳолда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мустақил бўлиб, саноатнинг муайян тармоғи сифатида энергиянинг ўзига хос жиҳатларига эга. Маҳсулотнинг бу тури корхона, ташкилот ва бирлашмаларнинг энергия истеъмоли предметини ташкил этиб, келгусида фойдаланиш учун йиғилиши мумкин эмас.

Энергия таъминоти шартномасини тузишда, бир томондан, уланган тармоқ орқали энергия билан таъмиловчи ташкилот, бошқа томондан, абонент (истеъмолчи) қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг муайян ҳудудий бўлинмалари энергия билан таъминловчи ташкилот сифатида қатнашади, энергия тизимидан шартнома асосида энергия олувчи бошқа ташкилотлар эса истеъмолчиларни таъминлайди.

Энергия истеъмолчиларини икки тоифага бўлиш мумкин – бевосита истеъмолчилар ва қайта сотувчилар. Биринчи тоифага техникавий ишлаб чиқариш ва бошқа эҳтиёжлар учун энергиядан фойдаланувчи ташкилот, корхона ва фуқаролар киради. Қайта сотувчи ташкилотга энергия ишлаб чиқарувчилардан ушбу маҳсулотни олиб, бевосита истеъмолчиларга етказиб берувчилар киради.

Уланган тармоқ орқали бериладиган электр энергияси энергия таъминоти шартномасининг мавзуи бўлиб ҳисобланади ва у ҳам бошқа нарсалар каби энергияни узатиш, ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда ишлаб чиқарилган харажатлардан келиб чиққан ҳолда, маълум таннарх, миқдор ва сифат баҳосига эга. Қонун чиқарувчи орган, бир вақтнинг ўзида, таъминловчи ташкилотлар ҳамда абонент (истеъмолчи)лар учун белгилаган ҳуқуқ ва бурчлар энергия таъминоти шартномасининг мазмунини ташкил этади.

Энергия билан таъминловчи ташкилотнинг асосий мажбурияти абонентнинг тармоғига узлуксиз ёки келишилган график асосида белгиланган миқдорда энергия узатишдан иборат. Энергия тармоқда доимо бўлиши керак, истеъмолчи ундан зарур даражада фойдаланади.

Энергиянинг таъминловчи ташкилот тармоғидан абонент тармоғига (ушбу тармоқлар чегарасида электр ҳисоблагичлари бўлиши лозим) ўтишида маҳсулотнинг истеъмолчига етказиб берилиши ҳисобланади ҳамда унинг тасодифан йўқолиш хавфи ва бошқа йўқотишлар оқибати учун энергия билан таъминловчи жавобгар бўлади.

Шартнома бўйича истеъмолчининг мажбурияти белгиланган тариф асосида олинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш, шунингдек, шартномада келишилган тартибда уни истеъмол қилишга риоя этиш ҳамда унинг бошқарувида бўлган энергия тармоқларининг ишлаш хавфсизлиги ва энергия истеъмоли билан боғлиқ бўлган фойдаланишдаги асбоб-ускуналарнинг рисоладагидек ишлашини (бузилмаслигини) таъминлашдан иборат.

ФКнинг 478-моддасига мувофиқ, энергия таъминоти шартномасига тааллуқли қоидалар туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ҳам қўлланилади. Энергия ва газ таъминоти соҳасидаги иқтисодий муносабатлар электр, иссиқлик энергияси ва газ билан таъминлаш шартномалари орқали белгиланади.

Қонунларга мувофиқ, ушбу маҳсулотлар билан таъминлашга таъминотчи ташкилотлар билан истеъмолчилар ўртасида тузиладиган шартномалар асосидагина йўл қўйилади.

Илгари кўпчилик муаллифлар юридик адабиётларда электр, иссиқлик энергияси ва газ билан таъминлаш тўғрисидаги шартномаларни иқтисодий ва ҳуқуқий моҳиятига кўра бир хил деб қараганлар. Бу ёндашиш ушбу нормаларда ўзининг қонуний ифодасини топиб, қонунда бошқача тарзда белгиланган бўлса, иссиқлик энергияси, газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа шу каби товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ушбу параграфда назарда тутилган қоидаларни қўллаш мўлжалланган.

Кўриб чиқилаётган шартномалар бошқа хўжалик шартномаларидан шу жиҳати билан фарқланадики, уларнинг асосида ўзига хос хусусий иқтисодий муносабатлар ётган бўлиб, ушбу шартномалар ҳақ эвазига маҳсулотни сотиш

жараёнинигина қамраб олмайди (етказиб бериш муносабатларига нисбатан), балки шу билан бирга, электр, иссиқлик энергияси ва газдан фойдаланишни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатларини ҳам маълум даражада намоён қилади.

Шундай қилиб, энергия ва газ билан таъминлаш шартномалари маҳсулотни етказиб бериш ва ундан фойдаланишда таъминловчи ташкилот билан истеъмолчиларнинг ўзаро муносабатларига тааллуқли бўлади.

Уланган тармоқлар орқали таъминлаш бўйича тузиладиган шартномалар асосида келиб чиқадиган мажбуриятлар мустақил шартномавий институт бўлиб, етказиб бериш, ташиш билан бир қаторда мажбурият ҳуқуқи нормалари билан ҳам тартибга солинади.

Электр, иссиқлик энергияси ва газ билан таъминлаш шартномаларида, бир томондан, энергия ва газ таъминоти ташкилоти, иккинчи томондан, бевосита энергия ёки газдан фойдаланувчи ёхуд асосий истеъмолчининг тармоғига уланган ўзининг контрагентларини улар билан таъминловчи ва истеъмолчи корхона қатнашади.

Таъминотчи ташкилотнинг бош вазифаси шартноманинг амал қилиш муддати давомида истеъмолчиларга, шартномада келишилганидек, сифатли ва унга ажратилган миқдорда маҳсулотни узлуксиз равишда олиши учун техник шароитларни яратиб, энергия (газ) билан таъминлашдир. Бунга истеъмолчининг қабул қилинган маҳсулот ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш, шунингдек, унга қарашли бўлган техник жиҳозлардан тўғри ва самарали фойдаланиш каби мажбуриятлар мос келади.

Энергия таъминоти шартномасини тузиш ва уни ижро этиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан, ушбу бобда назарда тутилган қоидалардан ташқари, ФКнинг шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалари, қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари, шунингдек, энергия билан таъминлаш шартларини белгилаб берувчи электр энергияси, газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлардан фойдаланишга доир қоидалар қўлланилади.

Энергия таъминоти шартномаси, ўз хусусиятига кўра, абонентда зарур техник шарт-шароитлар, бинобарин, муайян техник воситалар мавжуд бўлган тақдирдагина тузилиши мумкин. Унга таъминловчи ташкилотнинг тармоғига уланган сим тармоқлари, тартибга солувчи аппаратура, истеъмол қилинувчи маҳсулотни ҳисобга олиш асбоби, ўзгартирувчи қурилмалар (масалан, кичик трансформатор станциялари), истеъмол қилувчи агрегат, қурилмалар ва бошқалар киради.

Энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан техник шарт-шароитлар мавжудлиги аниқланади ва гувоҳлантирилади, шу билан бирга, ушбу ташкилот амалдаги техник воситаларни текширибгина қолмай, балки ўз тармоғига уланиши учун рухсат беради ва унинг тармоқ ҳамда, ускуналар билан қуролланганлигини назорат қилади.

ФКга мувофиқ, фуқароларнинг электр энергиясидан маиший истеъмол учун фойдаланиши, яъни белгиланган тармоққа абонентнинг ҳақиқатан уланиш вақти шартнома тузилган вақтни билдиради.

Электр энергияси билан бир маромда таъминланишга оид шартнома муддати тугаганидан сўнг, томонлардан бири шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаса, бу ҳол шартноманинг ўз-ўзидан узайтирилишини билдиради.

Энергия таъминоти шартномасини тузиш, узайтириш, ўзгартириш тартиби, агар махсус қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ФКнинг битимлар ҳақидаги 9-боби қоидалари билан тартибга солинади.

2-§. Энергия таъминоти шартномасининг энергия миқдори ва сифати тўғрисидаги шартлари

Туташтирилган тармоқ орқали электр энергиясини узатишнинг техник-иқтисодий хусусиятларига кўра, таъминловчи ташкилот истеъмолчининг тармоқдан электр энергиясини шартномада кўрсатилган миқдорда олиши учун техник шароитлар яратиб беради.

Етказиб берилиши лозим бўлган электр энергиясининг миқдори шартномада белгиланади. Бироқ саноатдаги истеъмолчилар билан тузилган шартномаларда уланган трансформаторларнинг ва ток қабул қилувчи бошқа шохобчаларнинг қувватини кўрсатиш зарур, чунки бу билан энергия таъминловчисининг энергия бериши аниқланади.

Энергия билан таъминловчи ташкилот шартнома тузишда, электр энергиясини истеъмол қилишнинг шартномавий суммалари қувват миқдорини аниқлашда ҳамма истеъмолчиларга узатиладиган электр энергиясининг энергосистема имкониятларидан ошиб кетмаслиги зарурлигини ҳисобга олиши керак.

Истеъмолчи шартнома бўйича фойдаланишга рухсат этилган белгиланган қувват лимити ёки қувватидан энергосистеманинг 30 минут давомида ва бир соат максимумидан кўпроқ фойдаланган тақдирда, энергия билан таъминловчи ташкилот шартнома ва лимит билан белгиланган миқдорга туширишни талаб қилишга ҳақли, агарда бу талаб бажарилмаса, 10 минут давомида қисман ёки бутунлай тармоқдан узиб қўйиши мумкин.

Ушбу қоидани электр энергиясини қисқа муддатга бўлса-да узиб қўйиш мумкин бўлмаган корхоналарга татбиқ этиш, яъни уларга электр энергияси беришни бутунлай тўхтатиб қўйиш ёки бермаслик мумкин эмас (чунки корхона ва бошқа жойлар ўт олиши, портлаб кетиши мумкин).

Таъминловчи ташкилот узатилган маҳсулот миқдорининг етарли бўлишига қараб, амалда истеъмолчи ўзига тегишли энергия миқдорини олган-олмаганлигидан қатъи назар, мажбуриятни бажарган ҳисобланади.

Электр таъминоти шартномасининг ўзига хос томони шундаки, унинг талаблари энергиянинг миқдорига қараб қабул қилинишидан келиб чиқади. Биринчидан, бундай ҳолда маҳсулотни узатиш ва қабул қилиш инсоннинг иштирокисиз амалга ошади, бу эса энергиядан ҳар қандай мақсадда фойдаланиш учун йўл қўйилмайди. Иккинчидан, таъминловчи ташкилот ва истеъмолчилар фаолиятининг ўзаро узвий боғланганлиги, шунингдек, энергия тизимининг марказлашганлиги туфайли маҳсулот етказиб беришни тўхтатиб қўйиш ва қисқартиришга йўл қўйилмайди, чунки бу зудлик билан айланма тизимнинг бутун фаолиятида намоён бўлади. Буларнинг ҳаммаси истеъмолчига келиб тушган маҳсулотнинг миқдорини белгилашда ҳисоб-китоб асбобларининг алоҳида аҳамиятини белгилаб беради.

Қулай шароитларда асбобларнинг кўрсаткичларидан фойдаланиш узатилган ва қабул қилинган маҳсулот миқдорини белгилашда ягона усул ҳисобланади.

Таъминловчи ташкилот электр энергиясини стандартлаштириш қонунчилигига ёки энергия таъминоти шартномаси бўйича белгиланган муайян талабларга мувофиқ тарзда беришга мажбур.

Электр энергиясининг сифати ток частотаси ва кучланиши билан белгиланади.

Электр энергияси билан таъминловчи ташкилотлар ва истеъмолчилар ўртасида шартнома тузилганда, кучланиш миқдорини уларнинг ўзлари белгилайдилар.

Томонларга бундай имкониятнинг берилиши ҳар хил истеъмолчиларда аниқ бир кучланишга мўлжалланган электр иншоотлар мавжудлигини инобатга олишдан келиб чиқади. Шунинг учун энергия миқдорини танлашда истеъмолчи томонлар ва унинг иш тартиби, шунингдек, энергия тизимининг бошқа истеъмолчилари бажарадиган ишга ва энергия хўжалигининг техник хусусиятига эътибор бериш керак.

Энергия таъминоти жараёнининг хусусиятлари нафақат электр энергиясининг сифатлилигини таъминловчи ташкилотнинг, балки истеъмолчи ташкилотнинг ҳам фаолиятига бевосита боғлиқдир.

Истеъмолчиларнинг электр қабул қилувчи жиҳозлардан фойдаланиши ва белгиланган иш режими тартибига риоя қилмаслиги ушбу истеъмолчи ёки бошқа истеъмолчиларга электр тизимидан узатиладиган электр энергиясининг айрим сифат кўрсаткичлари бузилишига сабаб бўлади.

Электр энергиясининг сифатини назорат қилиш тармоқнинг бошқа пунктларида шартномада белгиланган тартиб ва қоидаларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Тармоқнинг бошқа пунктида охирги ҳолатда шартномада қайд қилинган ўлчов натижалари ва охирги чегара бирбири билан солиштирилганда электр энергияси сифат кўрсаткичларнинг ўзгаришини бўлиниш чегарасидан то назорат пунктигача бўлган доирада ҳисобга олиш лозим.

Бошқа кўрсаткичлар сифатининг (частоталардан ташқари) пасайиб кетишида айбдор бўлган томонлар ва шундай иш вақти (ўлчовнинг давомийлиги фоиз ҳисобида) истеъмолчининг қайд қилувчи асбоби (прибор) орқали, агар у мавжуд бўлмаса, давлат энергия назорати, энергия таъминоти ташкилоти, истеъмолчи вакиллар тузган далолатнома бўйича аниқланади.

Истеъмолчининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган электр энергиясининг миқдоридан келиб чиқиб, берилган паст сифатли электр энергияси миқдорининг ҳар бир ҳисоб-китоб даври (навбатдаги сифат кўрсаткичларини ўлчашни ўтказгунга қадар) ва далолатномада қайд этилган ҳамда ўлчов даврида аниқланган паст сифатли электр энергияси билан ишлаш вақти қонунда белгиланган тартибда аниқланади.

3-§. Энергия таъминоти шартномасининг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Томонларнинг шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган истеъмолчининг маҳсулотдан фойдаланиш доираси, унга тегишли бўлган техник қурилмалардан лозим даражада фойдаланиши таъминотчи ташкилотнинг ўз мажбуриятларини бажариш сифати ва имкониятларига бевосита боғлиқдир.

Ҳамма абонентлар учун мажбурий бўлган техник қурилмалардан лозим даражада фойдаланиш мезони унинг ҳамма абонентлари учун мажбурий бўлган қоидаларга мувофиқ келиши керак.

Абонент (истеъмолчи) ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва хизмат кўрсатиш хавфсизлиги, техник фойдаланишнинг умумий қоидаларида кўрсатилган айрим энергетика қурилмаларидан фойдаланиш чоғида ва хавфсиз ишлаши учун махсус йўриқномаларга эга бўлиши шарт, кўрсатилган қоидаларга риоя қилмаган тақдирда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Шартнома тузилаётганда томонлар фойдаланиш лозим бўлган техник қурилмалар рўйхатини таъминлашлари шарт.

Шартномага электр тармоқлари кимнинг балансига тааллуқлилигини ва томонларнинг фойдаланиш учун жавобгарлигини белгилаб берувчи далолатнома илова қилинади.

Электр энергияси истеъмолчилари техник қурилмаларни лозим даражада сақлаш ва фойдаланиш бўйича ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришлари учун бир қатор ижобий ишларни амалга оширишлари керак, фуқаролар маиший истеъмоли учун фойдаланадиган энергия бундан мустасно.

Жумладан, истеъмолчилар электр тармоқларини, шунингдек, электр истеъмол қилувчи асбобларни ва электр анжомларини созланган ҳолда сақлашлари керак. Улар ўз вақтида режали профилактик таъмирлашларни амалга оширишлари ва энергия таъминоти ташкилотлари билан келишилган ҳолда, амалдаги норма ва қоидаларда назарда тутилган муддат ва ҳажмларда, уларга тегишли бўлган электр қурилмаларида синов ўтказишлари лозим.

Электр билан таъминловчи ташкилотлар истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини электр ҳисоблагичлар билан таъминлаб беришлари керак.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, трансформаторларни электр ҳисоблагич асбоблар билан таъминлаш электр қурилма балансида бўлган томонга уларни (шу жумладан, ав-

томатлаштирилган тармоқ алоқа линияларини ҳам) соз ҳолда сақлаш мажбуриятини юклайди.

Фуқароларнинг квартирасидан ташқарида жойлашган электр ўлчагич асбобларнинг техник ҳолатини ва ишлаб туришини таъминлаш мажбурияти энергия билан таъминловчи ташкилотнинг зиммасига юклатилади. Квартира ичида жойлашган электр симлари ва ўлчов асбобларининг техник ҳолатини, хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш мажбурияти квартира эгасининг зиммасида бўлади (ФК 174-м.).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ, энергия билан таъминловчи ташкилот турар жойнинг дахлсизлигига амал қилган ҳолда, ўзининг турар жойлардаги энергия тармоқларининг хавфсизлигини ва лозим даражада ишлашини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларини турар жой эгасининг иштирокида ва унинг розилиги билан амалга ошириши мумкин. Бундай қоида тарафлар ўртасида тузиладиган шартноманинг мазмунидан ҳам келиб чиқади.

Шартнома бўйича истеъмолчининг мажбуриятларидан бири олинган маҳсулотга ҳақ тўлашдир.

Аҳоли уй-жой, квартира, умумий ётоқхона, маиший эҳтиёжлар учун, шунингдек, шахсий фойдаланишда бўлган ёрдамчи хўжаликлар, дала ҳовли ва уй олдидаги боғлар, гараж ва бошқа объектларда сарфланадиган электр энергияси учун белгиланган ягона тариф асосида ҳақ тўлайди. Бунда маиший турмушда қўлланиладиган қабул қилувчи асбоблар қувватининг, электр ҳисоблагичлар қаерда жойлашганлигининг аҳамияти йўқ.

Қайси давр учун ҳақ тўланишидан қатъи назар, тўлов ҳужжатини тўлдириш ва электр ҳисоблагичдан кўчирма олишни абонентнинг ўзи ҳар ойда бир маротаба ойнинг 1-кунидан 10-кунигача тўлов пайтида амалда бўлган тариф бўйича бажаради.

Абонент ўз ихтиёри билан хоҳлаган муддатга олдиндан, аммо тариф ўзгарган тақдирда қайта ҳисоб-китоб тўловларисиз бир ойдан кўп бўлмаган муддатга ҳақ тўлашни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Бандероль ёрлиғида кўрсатилган сана тўлов вақтининг бошланиши ҳисобланади.

Энергия таъминоти корхоналарининг рухсати бўлган тақдирда электр энергиясидан фойдаланувчи абонентлар билан электр ҳисоблагичсиз ҳисоб-китоб қилиш ҳокимлик турар жойларнинг тоифасидан келиб чиқиб (хоналар сони, кондиционерлар мавжудлиги ва бошқалар) тасдиқланган шкала асосида амалга оширилади.

Электр энергияси учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга электр энергиясидан имтиёзли тариф бўйича фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган истеъмол меъёрларига мувофиқ ҳолда тарифдан чегирма берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 декабрдаги 582-сонли қарори билан 1993 йил 1 декабрдан имтиёзли тариф бўйича электр энергияси истеъмол қилиш бир ойга 110 квт/соат қилиб белгиланган, яъни имтиёздан фойдаланаётган абонент ҳар ойда 110 квт/соатга имтиёзли тариф бўйича ҳақ тўлайди. Имтиёзли тариф бўйича белгиланган истеъмол меъёрларидан ортиқча истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳақ тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг «Электр энергияси учун маиший абонентлар билан ҳисоб-китоб қоидалари тўғрисида»ги йўриқномасининг 1-иловасида имтиёз тарифига ва имтиёз ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифасининг умумлаштирилган рўйхати берилган.

Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар давлат ташкилоти муассасалари ва ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган бошқа истеъмолчилардан уларнинг балансида бўлган электр тармоқлари доирасида ўрнатилган электр ҳисоблагичлар бўйича улар учун тасдиқланган тарифга кўра амалга оширилади.

Одатдагидек, шартнома иштирокчиси орқали электр таъминотига чиққан истеъмолчи шартноманинг ижрочиси бўлиб ҳисобланади.

Аммо бу ўринда «энергия истеъмолчиси» тушунчасини «энергия тизимининг абоненти» тушунчасидан фарқлаш

керак. Гап шундаки, ҳар бир абонент истеъмолчи ҳисобланади, аммо ҳамма истеъмолчилар ҳам абонент бўлавермайди: айрим истеъмолчилар субабонент, яъни ўзи абонент бўлмагани ҳолда абонентнинг тармоғидан фойдаланадиган шахс бўлишлари мумкин. Электр энергияси билан таъминловчи ташкилотнинг тармоғига бевосита уланган истеъмолчи абонент деб тан олинади, агар электр тармоқлари унинг балансида бўлса ҳамда энергия билан таъминловчи ташкилот билан истеъмолчи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, электр энергиясидан фойдаланиш ҳуқуқи ва шартлари келишилган бўлса (масалан, энергия ишлаб чиқарувчидан энергия олувчи энергия таъминоти ташкилоти истеъмолчи бўлиб), энергия таъминоти ташкилотига уланган фуқаро, юридик шахс, абонент ҳисобланади.

Айни пайтда энергия билан таъминловчи ташкилот бўлмиш субабонент ҳам истеъмолчи бўлиб, бевосита абонентнинг электр тармоқларига уланган ва у билан электр энергиядан фойдаланиш шартномасини тузган бўлади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, электр энергияси истеъмолчига бевосита узатилади, яъни камида иккита шартнома орқали, бир томондан, энергия билан таъминловчи ташкилотни абонент билан, бошқа томондан, электр билан таъминловчи ташкилотнинг розилиги мавжуд бўлса, абонентни субабонент билан боғлайди.

Қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, субабонентга энергия узатиш учун электр билан таъминловчи ташкилот олдида абонент жавобгар бўлади. Абонент ва энергия билан таъминловчи ташкилот ўртасидаги шартномада ёки шартнома иловасида абонентнинг тармоқларига уланган субабонентлар тўғрисидаги маълумотлар (номланиши, истеъмол қилувчи электр қуввати, ҳисоб-китоб, электр ҳисоблагичлар, тариф ва бошқа маълумотлар) кўрсатилади.

Субабонент корхоналарнинг электр энергияни истеъмол қилиши лимитлаштирилади. Агар асосий абонентнинг субабонентга узаттан электр энергияси сарфини кўрсатиб, электр таъминоти ташкилотига тақдим қилиш имкониятини берувчи асбоби бўлса, унинг ёрдамида алоҳида ҳисоб-ки-

тоб олиб борилади. Бошқа ҳолларда сарф қилинган ушбу энергия абонент корхона истеъмоли лимитига киради.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида шартноманинг роли тубдан ўзгарди: энди у тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришида уларнинг бозор муносабати вариантларига ўтишини такомиллаштириш мақсадида, қонун чиқарувчи орган энергия таъминоти шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тартибини белгилаб беради.

Ушбу муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олиниб, бу мажбуриятларни бажаришни бир томонлама рад этишни тақиқловчи умумий қоидалардан истисnolар ҳам мавжуд. Давлат энергетика назорати идораси томонидан тасдиқланган абонентнинг авария хавфи солувчи ёхуд фуқаролар ҳаётига хавф туғдирувчи энергетика жиҳозларининг носозлиги, шунингдек, энергия таъминоти ташкилоти тизимида зарур бўлган ҳолларда аварияларнинг олдини олиш ва тугатишнинг тезкор чора-тадбирларини қабул қилиш мажбуриятларини бажаришни бир томонлама рад этиш учун сабаб бўлган ҳолатлардан ҳисобланади.

4-§. Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари

Энергия истеъмолчиларининг манфаатларини ишончли равишда таъминлаш мақсадида энергия таъминоти юзасидан тузилган шартномани бажармаганлик учун ФКнинг 477-моддаси билан белгиланган жавобгарлик тўғрисидаги норма императив тусга эга. Унга кўра, шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот ёки абонент шу туфайли етказилган ҳақиқий зарарни қоплаши шарт.

Агар энергия беришдаги узилишлар қувват ва энергия етишмаслиги сабабли энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан қонун ҳужжатлари асосида истеъмолни тар-

тибга солиш натижасида юз берган бўлса, энергия билан таъминловчи ташкилот айбдор бўлган тақдирдагина шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун жавоб беради.

Электр энергияси муайян саноат тармоғининг маҳсулоти бўлиб, ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Бу хусусиятларнинг асосийларига унинг узлуксизлиги, кўплаб ишлаб чиқарилиши, етказиб бериш ва истеъмол жараёнлари билан боғлиқлиги, энергия таъминоти ташкилотлари техник қурилмаларидан фойдаланиш тартибининг энергия истеъмол қилиш тартибига боғлиқлиги, истеъмолчилар фаолиятининг энергия сифатига таъсири ва бошқалар киради. Айнан шу хусусиятлар шартномавий муносабатларнинг ўз вақтида ва тўлақонли бажарилишида муҳим аҳамиятга эга.

Энергия таъминоти ташкилоти ёки абонент томонидан мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик туфайли келтирилган ҳақиқий зарарни ундиришни назарда тутувчи ва республикамиз қонунчилиги тарихида биринчи маротаба ФК даражасида мустаҳкамланган томонларнинг айбли жавобгарлиги принципи давр талабига жавоб беради.

Томонлардан бирининг энергия таъминоти шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги қуйидаги сабаблар туфайли юз бериши мумкин: энергия миқдори, сифати, баҳоси, техник қурилмалардан тегишлича фойдаланиш, қабул қилинган маҳсулотлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик ва ҳ.к. Масалан, энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан бериладиган электр энергиясининг сифати тўғрисидаги шартномаларга риоя қилмаслик кўпинча истеъмолчига иқтисодий зарар келтиради. Электр энергияси билан таъминлаш одатда маҳсулотни истеъмолчига узлуксиз узатиш йўли билан амалга оширилади.

Агар томонлар тузган шартномада танаффус, яъни маҳсулот етказиб беришни тўхтатиб қўйиш назарда тутилган бўлса, бу икки ҳолда амалга оширилиши мумкин: биринчидан, режали таъмирлаш ишларини амалга ошириш чоғида, иккинчидан, энергия билан таъминловчи ташкилот

энергия олувчини мажбуран, бир томонлама тартибда истеъмолни қисқартириш графигини кучга киритиши ҳолида.

Ушбу сабаблар олдиндан белгилаб қўйилган объектив техник-иқтисодий омилларга боғлиқ.

Республикамизда электр энергияси билан таъминлаш амалда тўлиқ марказлаштирилган. Шунинг учун бутун тизим доирасида энергия таъминоти тартиби ягона раҳбарликни тақозо қилади.

Марказлашган таъминот ташкилотларга ўз фармойишлари билан чегаралаш графигини амалга киритиш ёки энергияни ўчириб қўйиш ҳуқуқини бериш йўли билан бутун тизим манфаатлари учун айрим истеъмолчилар таъминоти тартибига тузатишлар киритади.

Шу билан бирга, энергия билан таъминловчи ташкилотлар шартномавий мажбуриятларни лозим даражада бажармаганликда ёки умуман бажармаганликда айбдор бўлган тақдирдагина жавобгар бўлиши мумкин.

IX *боб.* КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИ

1-§. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси, унинг шакли ва давлат рўйхатидан ўтказилиши

Фуқаролик ҳуқуқининг объекти бўлмиш мол-мулк биринчи марта янги ФК да кўчмас ва кўчар мулкка бўлинди (83-модда). Мулкни бундай турларга бўлиш қонун учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки олди-сотди шартномаси уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда татбиқ этилади.

1963 йилги Гражданлик кодексининг ҳуқуқ объектларига бағишланган 3-бобида мол-мулк кўчмас ва кўчар мулкларга бўлин-маган, шунинг учун ҳам ушбу кодекснинг олиш-сотиш шартномасига бағишланган 22-бобида уй-жойдан ташқари бошқа кўчмас мулк ва уни сотиш ҳақида бирон-бир қоида назарда тутилмаган. Бунга сабаб ўтмишда кўчмас мулк ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиб, давлат мулки сифатида товарлик хусусиятларига тўлиқ эга

бўлмаган. Шунинг учун ҳам кўчмас мулк эркин олди-сотди муомаласидан четлатилган эди.

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси олди-сотди шартномасининг турларидан бири ҳисобланади. ФК 386-моддасининг 5-қисмига мувофиқ, кўчмас мулкни сотиш шартномасининг тартиби, унинг тарафларининг ҳуқуқ ва бурчлари 29-бобнинг 7-параграфи билан; агар ушбу параграфда назарда тутилган қоидалар етарли бўлмаса, олди-сотди шартномаси тўғрисидаги умумий қоидалар билан белгиланади. Ушбу шартноманинг хусусиятларини ифодаловчи асосий белги унинг объектидан иборат (ФК 83–85-моддалари).

Кўчмас мулк ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек, бинолар ва иншоотлардан иборатдир. ФК 83-моддасининг 3-қисмига биноан, бошқа мол-мулклар ҳам кўчмас мулк қаторига киритилиши мумкин. ФК 85-моддасининг 1-қисмига биноан, бутун корхона ҳам мулкий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Демак, корхонани сотиш шартномаси кўчмас мулкни сотиш шартномасининг турларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, корхонани сотиш шартномасига ФКда 29-бобнинг махсус 8-параграфи бағишланган. Шундай экан, корхонани сотиш шартномасига, биринчи галда, 8-параграфда назарда тутилган қоидалар қўлланилади, агар улар етарли бўлмаса, 29-бобнинг 7-параграфидаги қоидалар, улар ҳам етарли бўлмаган тақдирда олди-сотди шартномаси тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳаво, денгиз ва дарёларда сузувчи транспорт воситалари ҳам қонунда кўчмас мулк қаторига киритилган бўлиши мумкин.

Кўчмас мулкнинг ҳар қандай тури ҳам олди-сотди шартномаси асосида сотилавермайди. Масалан, ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар умуман сотилмаслиги мумкин, чунки кўчмас мулкнинг бу турларига нисбатан давлат манфаати биринчи ўринда туради. Кўчмас мулк тариқасида сотилаётган ҳар қандай мулк давлат рўйхатидан ўтиши шарт. Акс ҳолда ФКнинг 111–112-моддаларида кўрсатилган шартлар қўлланилади. Умуман олганда, қонунда рўйхатдан ўтиши шарт деб белгиланган кўчмас мулкни керакли ра-

вишда рўйхатдан ўтказмаслик, кўчмас мулкни сотиш шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади.

Кўчмас мулкни сотиш кимошди савдосида (аукционларда), танлов орқали, юридик шахсларнинг ўзаро келишуви, юридик шахс ва тадбиркорларнинг ўзаро келишувлари асосида ва қонунда тақиқланмаган бошқа ҳолларда амалга оширилади. Кўчмас мулкни кимошди савдосида сотишда ФКнинг 379–381-моддалари татбиқ этилади.

Сотувчи кимошди савдосида сотаётган хусусийлаштириш объектининг давлат мулки эканлиги ва илгари учинчи шахслар томонидан сотиб олинмаганлиги ёки унда учинчи шахсларнинг ҳақи йўқлиги тўғрисида кафолат беради (ФК 393-м.). Хусусийлаштирилган давлат мулкини сотишда хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунга амал қилинади, унда тегишли нормалар етарли бўлмаган тақдирда ФК 29-бобининг 7-параграфидаги қоидалар қўлланилади.

Сотувчи кўчмас мулкни сотаётган пайтда ФКнинг 388-моддасига риоя қилиши, яъни кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан, кўчмас мулк билан бирга унинг қисмларини, унга тааллуқли ҳужжатларни (техник паспорти, сифати тўғрисидаги сертификат, ундан фойдаланиш тўғрисидаги йўриқномани ва ҳ.к.) бериши шарт.

ФКнинг 386-моддасида номи келтирилган барча турдаги шартномалар ичида кўчмас мулкни сотиш шартномасини тузишга нисбатан алоҳида усул белгиланган. Бундай шартнома битта ҳужжат тарзида тузилади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган бўлиб, унда ФКнинг 484, 485-моддаларида акс эттирилган шартлар назарда тутилган бўлиши лозим.

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси ёзма равишда тузилади ва қуйидаги белгиларни ўз ичига олади:

а) олди-сотди шартномаси тузилган жой (шаҳар), сана, жисмоний шахслар учун – уларнинг исми-шарифи, паспорт белгилари, манзилгоҳи, юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги белгилар. Шартноманинг якунида, «бир томондан, сотиб олувчи, бошқа томондан, сотувчи билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги қарори асосида, Ўзбекистон Рес-

публикасининг қонунчилигига асосан қуйидаги масала бўйича олди-сотди шартномасини тузадилар», дейилади:

б) шартноманинг предмети, яъни шартнома нимага қаратилганлиги, сотувчи ва сотиб олувчининг ҳуқуқлари ҳамда кўчмас мулкнинг олувчига ўтиш шартлари;

в) тарафларнинг мажбуриятлари;

г) кўчмас мулкнинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби;

д) харидор сотиб олиш учун етарли бўлган маблағни бермаган тақдирда юзага келадиган жавобгарликлар;

е) шартнома муддати ва шартномани бекор қилиш сабаблари;

ж) тарафларнинг юридик манзилгоҳлари ва имзолари (муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт).

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси учун нотариал тартибга амал қилиш, яъни нотариус тасдиғи бўлиши шарт эмас. Кўчмас мулкни сотишни амалга ошираётган муассаса ёки ташкилотнинг муҳри етарли. Битимнинг ёзма шаклига риоя қилмаслик ФКнинг 109, 114-116-моддаларида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

ФКнинг 84-моддасида кўчмас мулк ва у билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари назарда тутилган. ФКнинг 481-моддасида кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш лозимлиги ҳақидаги қоида назарда тутилган. Бундай рўйхатдан ўтказилишни шартноманинг ўзини давлат рўйхатидан ўтказиш билан тенглаштириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кўчмас мулк шартномаси, ФК 365-моддасининг 1-қисмига биноан, тарафлар томонидан битта ҳужжат тарзида имзоланган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Кўчмас мулк шартномаси тузилган пайт мулкка бўлган эгалик ҳуқуқининг харидорга ўтиш пайтига тўғри келмайди. Сотиб олувчининг кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи ушбу ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш пайтидан бошлаб вужудга келади.

Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқининг бир шахсдан иккинчи шахсга берилганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш шартнома тарафларининг розилиги билан амалга оширилади.

Тарафлардан бири ушбу фактни давлат рўйхатидан ўтказишдан бош тортса, рўйхатдан ўтказиш тўғрисида суднинг қарори қабул қилиниши мумкин. Шартнома тарафларидан бирининг мулкка эгалик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши ваколатли давлат органининг рўйхатдан ўтказишдан бош тортишидан фарқ қилади. Бундай ҳолда шартномада қатнашувчи тарафнинг ҳуқуқи ФКнинг 12-моддасига биноан ҳимоя қилинади.

Бинобарин, кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтмагунча сотиб олувчи, ушбу мулк унинг эгалигида бўлишидан ёки ундан фойдаланишидан қатъи назар, учинчи шахслар билан ушбу мулкни тасарруф этиш (сотиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш ва ҳ.к.) ҳуқуқига эга бўлмайди. Агар тарафлардан бири бундай ҳаракатларга йўл қўйса, иккинчи тараф бундай битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун судда даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади. Айрим ҳолларда ФКнинг 301-304-моддаларида назарда тутилган сабабларга кўра ҳам даъво қўзғатилиши мумкин.

Кўчмас мулкнинг тўлиқ қиймати тўлаб бўлинганидан ҳамда Давлат мулки қўмитаси, унинг ҳудудий бошқармаси томонидан давлат варақаси (ордери) берилганидан кейин харидор мулк эгаси ҳуқуқига эга бўлади.

Объект қиймати бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда эгалик қилувчи биринчи бадални тўлаганидан кейин Давлат мулки қўмитаси унга объектни бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи вақтинчалик гувоҳнома беради.

Фаолият кўрсатиб турган кўчмас мулк объекти сотиб олинган тақдирда унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунларига зид бўлмаслиги ва объектда ишловчи ишчиларга нисбатан бошқача муносабат бўлмаслиги керак (Давлат мулки объектларини кимошди савдоси ва танлов бўйича хусусийлаштириш тўғрисидаги вақтинчалик низоми 1994 йил 17 май).

Давлат корхоналарини кимошди савдоси ёки танлов орқали хусусийлаштириш бўйича юзага келган низолар суд орқали ҳал этилади.

2-§. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқининг сотувчидан сотиб олувчига ўтиши

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк сотилганда, ушбу мулк жойлашган ер участкасига тегишли ҳуқуқ ҳам кўчмас мулкни сотиб олган шахсга ўтади. Бунда фақат кўчмас мулк жойлашган ер участкаси эмас, балки ушбу мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган ер майдони (масалан, бинога кириш учун йўл ва ҳ.к.) ҳам ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 22-моддасида ва ФКнинг 482-моддасида кўчмас мулкни сотувчи шахснинг ер участкасига эгалик қилиши ёки қилмаслигига қараб, сотиб олувчи учун турли ҳуқуқий оқибатлар юзага келиши мумкинлиги ҳисобга олинади.

Агар бинони сотувчи шахс ер участкасининг эгаси ҳисобланса, у ер участкасини бошқа шахсга сотиши, ижарага ёки умрбод фойдаланишга бериши мумкин. Агар шартномада бино жойлашган ер участкасининг тақдири ҳақидаги масала қўйилмаган бўлса, ер участкасининг маълум қисмига нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқи бинони сотиб олувчи шахсга ўтади.

Бундай ҳолларда кўчмас мулк ер эгасининг розилиги олинмасдан ҳам сотилиши мумкин. Агар кўчмас мулкнинг сотилиши ундан фойдаланиш учун қонунда ёки шартномада белгиланган шартларга жавоб бермаса, бино, иншоот ва бошқа кўчмас мулкни сотувчи шахс уларни сотиш учун ер участкаси эгасининг розилигини олиши зарур. Ушбу талабга риоя қилмаслик кўчмас мулкни сотиш шартномасини ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб тан олиш учун асос бўлади.

ФКнинг 483-моддасига мувофиқ, бино, иншоот ва бошқа кўчмас мулк эмас, балки улар жойлашган ер участкасининг ўзи сотилган тақдирда, ушбу ер участкасига нисбатан вужудга келадиган ҳуқуқлар белгиланади. Бундай ҳолда ҳам ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи олди-сотди шартномаси билан белгиланади. Агар шартномада бундай талаблар назарда тутилмаган бўлса, кўчмас мулк эгаси (ер участкасини сотган шахс) сотилган, лекин кўчмас мулк жойлашган ер участкасидан фойдаланиш учун чекланган (сервитут)

ҳуқуққа эга бўлади. ФКнинг 165-моддасига мувофиқ, сервитут ашёвий ҳуқуқ ҳисобланади, шундай экан, сервитут эгаси уни мулк ҳуқуқи каби ҳимоя қилишга ҳақли бўлади. Ер участкасининг эгаси бўлмасдан туриб, унга жойлашган кўчмас мулк сотилган тақдирда ҳам шунга ўхшаш қоидалар қўлланилади.

Юқорида кўрсатилган ҳолларда ер участкасини сотувчи шахс сотилаётган кўчмас мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқи борлиги ҳақида сотиб олувчини хабардор қилиши керак (ФК 293-м.).

3-§. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома мавзуини ва баҳосини белгилаш

ФКнинг 484-моддасида сотиладиган кўчмас мулкнинг асосий белгиларини шартномада аниқ ва пухта кўрсатиш қатъий талаб қилинади.

Кўчмас мулкни тўлиқ таърифлаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан, кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини аниқлаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт. Масалан, ер участкаси сотиладиган бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги (адреси), ер майдонининг кенглиги, тупроғининг ҳолати, ундан қандай мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги, агарда бино, иншоот, одамлар яшайдиган иморат сотилаётган бўлса, уларнинг қаерда жойлашганлиги, адреси, қандай мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги, неча қаватдан иборат эканлиги, умумий майдони, шунингдек, яшаш учун мўлжалланган қисми ва бошқа зарур маълумотлар шартномада кўрсатилган бўлиши керак.

Кўчмас мулк ҳисобланган уй-жойларни сотиш бўйича шартномада нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида ФКнинг 488-моддасида зарур шартлар белгиланган.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида унинг белгилари, хусусиятлари ҳақида маълумотлар аниқ ва пухта кўрсатилган бўлмаса, бундай шартнома тузилган ҳисобланмайди ва ФКнинг 114-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

ФКнинг 484-моддасида шартноманинг предметига оид қандай талабларга амал қилиниши кераклиги ҳақида гап

юритилган бўлса, ФКнинг 485-моддасида шартномада сўз юритилган ўша предметнинг баҳоси ҳақида махсус қоида назарда тутилади. Шартнома предмети ва унинг баҳосига оид алоҳида қоидаларнинг назарда тутилиши улар шартномаининг асосий шартларидан иборат эканлигидан дарак беради. Шундай экан, шартномада кўчмас мулкнинг баҳоси албатта ёзма равишда кўрсатилган бўлиши талаб қилинади, акс ҳолда шартнома тузилмаган деб ҳисобланади ва бунда ФК 356-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган баҳо белгилаш қоидаси қўлланмайди.

Бино, иншоот ва бошқа кўчмас мулкларни сотишда ушбу мулклар жойлашган ер участкасига нисбатан қандай ҳуқуқнинг сотиб олувчига ўтишини аниқлаш муҳимдир. Агар ер участкаси бино, иншоот билан бирга сотилаётган бўлса (ФК 482-м.), бино, иншоотнинг баҳоси ер участкаси билан бирга белгиланади. Агар ер участкаси бино ёки иншоотни сотиб олаётган шахсга ижарага бериладиган бўлса, бино, иншоотнинг баҳоси олди-сотди шартномаси билан, ер участкасининг баҳоси эса ижара шартномаси билан белгиланади. Қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлиши ҳам мумкин.

Агар кўчмас мулкнинг баҳоси бутун объект бўйича белгиланмасдан, унинг муайян қисмига нисбатан ёки маълум миқдор тарзида белгиланса, бундай кўчмас мулкнинг тўланиши лозим бўлган баҳоси сотиб олувчига топширилган кўчмас мулкнинг амалдаги миқдорига асосланган ҳолда белгиланади.

Кўчмас мулк кимошди савдоси орқали ҳам сотилиши мумкин. Кимошди савдоси бўйича тузиладиган шартномада савдога қўйилган объектнинг нархи кўрсатилади[1].

Ерни Ўзбекистон Давлат геология қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси мутахассисларининг иштирокида, амалдаги тартибга биноан, ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан ўтказилади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида баҳони белгилаш ёзма равишда амалга оширилади. Ҳар қандай баҳонинг ўзгаришига олиб келувчи ўзгаришлар, умуман, шартнома-

---

[1] *Қаранг:* Кимошди савдоси ва танлов ўтказиш бўйича ҳужжатлар тўплами. – Т.: „Адолат", 1994.

нинг бекор бўлиши шарти остида ёзма равишда тузилган бўлиши зарур.

4-§. Кўчмас мулкни топшириш ва унинг сифатли бўлмаслиги оқибатлари

ФКнинг 486-моддаси, асл маъноси жиҳатидан, сотувчининг кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириш мажбуриятига бағишланган. Ушбу моддада, асосан, мажбуриятни бажариш тартиби ва кўчмас мулкни топшириш пайтини белгилашга оид қоидалар назарда тутилган. Шартнома бўйича мажбуриятни бажариш, биринчидан, далолатнома ва ўзга ҳужжатлар (мулкни топшириш ва қабул қилиб олиш ҳақида тузилган ҳужжат ва ҳ.к.)нинг тарафлар томонидан имзоланиши; иккинчидан, мулкни сотиб олувчига топшириш билан боғлиқ ҳаракатлардан ташкил топади.

ФК 186-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, мол-мулк уни олувчининг ёки у кўрсатган шахснинг ихтиёрига амалда ўтган пайтдан бошлаб олувчига топширилган ҳисобланади. Ушбу қоида диспозитив характерга эга бўлиб, қонун ёки шартномада кўчмас мулкни топшириш бўйича бошқача тартиб назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажариш пайти уни тузиш ва кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш пайтидан фарқ қилади (ФК 481-м.).

Шартнома тарафларининг далолатнома ёки мулкни топшириш тўғрисидаги бошқа ҳужжатни имзолашдан бош тортиши, сотувчининг мулкни топширишдан, сотиб олувчининг эса мулкни қабул қилиб олишдан бўйин товлаши мажбуриятни бажаришдан бош тортиш деб тан олинади. Бундай бош тортиш тарафлар учун турли оқибатлар келтириб чиқаради.

ФК 396-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, харидор сотувчидан кўчмас мулкни (хусусий аломатларига эга бўлган мулкни) унга топширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу талаб бажарилмаган тақдирда ФК 331-моддасида белгиланган оқибатлар юзага келади. Агар харидор шартномани бажаришдан бош тортса, сотувчи, ФК 417-моддасига мувофиқ, сотиб олувчидан мулкни қабул қилиб олишни талаб қилиш ёки шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Кўчмас мулк ўз белгилари бўйича шартноманинг шартларига мос келмаса ҳам, шунингдек, бундай мос келмаслик мулкни топшириш ҳақидаги далолатномада кўрсатиб ўтилган бўлса ҳам, сотиб олувчи бундай мулкни қабул қилиб олса, сотувчи шартнома талабини бажарган ҳисобланади. Бундай ҳолларда сотиб олувчи, ФК 324-моддасига мувофиқ, етказилган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Товарнинг сифати олди-сотди шартномасининг асосий талабларидан ҳисобланади. Тегишли даражада сифатли бўлмаган кўчмас мулкни топшириш оқибатлари ФКнинг 487-моддасида белгиланган. Сифатсиз кўчмас мулк топширилган тақдирда харидор қандай ҳуқуқларга эга бўлиши мумкинлиги ушбу моддада батафсил кўрсатилмаган. Лекин, агар сифатсиз мулк топширилган бўлса, унга нисбатан ФК 434-моддасини татбиқ қилиш назарда тутилади. Ушбу моддага мувофиқ, тегишли даражада сифатли бўлмаган товар сотилганда харидорнинг талаб қилиш ҳуқуқлари белгиланади. Аммо ФК 434-моддаси 1-қисмининг 1-бандида назарда тутилган ҳуқуқ кўчмас мулкнинг сифатига нисбатан жорий этилмайди. Сифатли бўлмаган кўчмас мулкни сифатли кўчмас мулкка алмаштириш ҳуқуқи берилмайди. Чунки ҳар бир кўчмас мулк муайян хусусиятлари билан ажралиб туради.

ФКнинг 434-моддасига мувофиқ, кўчмас мулкнинг сифатига хос камчиликларни, шартнома талабларига жавоб бермаслиги жиҳатидан, жиддий ёки жиддий бўлмаган камчиликларга ажратиш мумкин. Шунга қараб сотиб олувчининг талаб қилиш ҳуқуқлари ҳам белгиланади. Масалан, сотиладиган, лекин одам яшайдиган ёки яшамайдиган биноларнинг қоронғилиги, етарли даражада иситилмаслиги ёки зах бўлишини уларнинг жиддий камчиликлари деб ҳисоблаш мумкин. Агар шартномада ушбу камчиликлар ҳақида огоҳлантириб ўтилган бўлса, сотувчига нисбатан ФКнинг 434-моддасида назарда тутилган оқибатлар юзага келмайди.

Кўчмас мулкнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, унинг камчиликлари билан боғлиқ талаблар харидор томонидан, агар қонунда ёки олди-сотди шартномасида бошқача муддатлар белгиланмаган бўлса, камчиликлар оқилона муддатда, бироқ мулк сотиб олувчига топширилган кундан бошлаб икки йил ичида аниқланганида қўйилиши мумкин.

5-§. Кўчмас мулкнинг турларидан бири бўлган уй-жойни сотиш хусусиятлари

ФК 29-бобининг 7-параграфида уй-жой биринчи марта кўчмас мулк сифатида таърифланган. 1963 йил Гражданлик кодексининг 257-моддасига мувофиқ, уй-жой олди-сотди шартномасининг предмети ҳисобланган, лекин унинг бундай бўлиши учун турли чеклашлар назарда тутилган. Масалан, фуқаронинг ёки у билан бирга турувчи эр ёки хотинининг ва уларнинг вояга етмаган болаларининг шахсий мулки бўлган уй-жой (ёки унинг қисми), мулк эгаси томонидан уч йил мобайнида бир уй ёки унинг бир қисмидан ортиқ уй-жой сотилмаслиги шарти билан, олиш-сотиш предмети бўлиши мумкин эди. Борди-ю, баъзи сабабларга кўра (мерос, ҳадя ва ҳ.к.), иккинчи уй-жойга ҳуқуқ пайдо бўлиб қолса, у, ГКнинг 121-моддасига биноан, бир йил ичида бартараф қилиниши шарт эди. Бундай бўлишига сабаб, уй-жойга нисбатан бўлган ҳуқуқ уй-жой олди-сотди шартномасининг предмети бўлиши учун эмас, балки ушбу ҳуқуқнинг унда яшаш учун берилиши назарда тутиларди.

ФКнинг 488-моддасига биноан, уй-жой кўчмас мулкнинг турларидан бири ҳисобланади, шу билан бирга, олди-сотди шартномасининг предмети сифатида ундан фарқ қилади. Бу фарқ ҳисобга олинган ҳолда, уй-жойни сотиш шартномасига алоҳида эътибор берилади. Фуқаролар яшаб турган уй-жойни сотиш бўйича тузиладиган шартнома муайян хусусиятларга эга.

Уй-жой сотиш шартномасида ҳам бошқа кўчмас мулкларни сотиш шартномаси каби шартноманинг предмети, унинг баҳоси, сифати асосий шартлардан ҳисобланади.

Уй-жойни сотиш шартномасига хос муҳим хусусиятлар шундан иборатки, сотиладиган уй-жойда яшаб турган ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг манфаатлари қонун билан ҳимоя қилинади, уларнинг рўйхати ушбу шартноманинг асосий шартлари сифатида тан олинади.

Уй-жойнинг асосий хусусияти унинг фуқаролар яшаши учун мўлжалланганлигидан иборат. Уй-жой фуқаролар яшаши учун қурилган бўлиб, ўзининг шу хусусияти билан тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси 2-

қисмига мувофиқ, саноат корхоналарини кўп квартирали турар жой биноларида жойлаштиришга йўл қўйилмайди. Мулк эгасига қарашли турар жой биноси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда яшашга мўлжалланмаган жойга айлантирилганидан кейингина унга корхона, муассаса, ташкилотни жойлаштиришга йўл қўйилади (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. 2-сон. 50-модда).

Фуқаролар яшайдиган уй-жойлар шахслар яшаб турган уйлардан, кўп квартирали уйдаги квартиралардан, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмидан иборат бўлиши мумкин. Қоида бўйича, шахс ёки шахслар яшайдиган уй-жой ажратилган алоҳида, ягона хонадон, квартирадан иборат бўлиши керак. Аммо сотиладиган уй, квартира фуқароларга ва юридик шахсларга умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлса, бундай уй ва квартираларда яшаш учун ҳар қандай шароитда ҳам алоҳида хоналар ажратиш имконияти бўлмайди ва бунинг учун ҳуқуқий асос ҳам йўқ.

ФКнинг 218, 224-моддаларига мувофиқ, уй-жой квартирага бўлган умумий улушли мулк ҳуқуқининг иштирокчиларидан (субъектларидан) бири ўзига тегишли улушни сотмоқчи бўлса, лекин улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари уларга тегишли бўлган имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиб, белгиланган муддатда ушбу улушни сотиб олишдан бош тортсалар, умумий мулк ҳуқуқи иштирокчиси ўз улушини бошқа шахсларга сотиш ҳуқуқига эга бўлади (ФК 224-м.).

Умумий мулкдан тегишли улушлар, одатда, натура шаклида ажратилиб, улушини ажратиб олган умумий мулк ҳуқуқи иштирокчисига уй-жойнинг алоҳида қисми (алоҳида хона, квартира) бириктириб қўйилиши мумкин. Аммо бириктирилган хона, квартира мазкур иштирокчининг ҳиссасига ҳажми ва сифатига кўра мос келмаслиги мумкин.

Уй-жойга нисбатан умумий мулк эгалари ўз улушларига эгалик қилганларида ҳам уй-жойнинг умумий қисми бўлган пойдевори, томи, ёнма-ён деворлари, умумий фойдаланишдаги зинапоялари иштирокчи мулкдорларнинг умумий эгалигида, фойдаланишида ва тасарруфида бўлади. Умумий мулк ҳуқуқининг ҳар бир иштирокчиси уларни сақлаш ҳамда тузатиш харажатларида ўз ҳиссаларига яраша қатнашишга мажбурдирлар.

Уй-жой фуқароларга мулк ҳуқуқи асосида, юридик шахсларга эса – мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши мумкин. Уй-жой эгалари уй-жойдан фақат фуқароларнинг яшаши учун фойдаланишлари мумкин.

Сотиладиган уй-жойда яшаб турган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилади. ФК 488-моддасига кўра, уй-жой иккиламчи олди-сотди шартномасининг предмети сифатида иштирок этади. Хусусийлаштирилган давлат уй-жойларининг сотилиши бундай хулосага келиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунига асосан, давлат ва муниципал уйлар хусусийлаштириш йўли билан фуқароларга берилади (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. 5-сон. 230-м.). Хусусийлаштириш натижасида уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар, ўз навбатида, ФКнинг 488-моддаси қоидаларига амал қилган ҳолда, ушбу уй-жойни тасарруф этиш, яъни сотиш (иккиламчи) ҳуқуқига эга бўлади. Бундай уй сотилган тақдирда, унда яшаб турган шахсларнинг ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилиниши кераклиги 488-модда қоидаларида кўрсатилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, муайян уй-жойда яшаб турувчи шахсларнинг рўйхати уй-жойни сотиш шартномасининг асосий шартларидан ҳисобланади, яъни уй-жойни сотиш шартномасида ушбу уй-жойда яшаб турувчи шахсларнинг рўйхати албатта кўрсатилган бўлиши керак. Бундай шахслар уй-жой сотилганидан кейин ҳам ундан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайдилар. Улар қаторига қуйидагилар киради:

а) уй-жойда яшашни давом эттириб келган, сотилган уй-жой собиқ мулкдорининг оила аъзолари ёки ушбу уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Уй-жой кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1994. 5-сон. 157-м.) 139^2-моддасига мувофиқ, хусусийлаштирилган квартира ёки уй (унинг бир қисми) эгасининг оила аъзолари ва уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ўзларининг умумий мулки ҳисобланган хусусийлаштирилган уй-жойга нисба-

тан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш ёки ижарага бериш хусусийлаштирилган уй-жой эгасининг оила аъзолари ёки уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар розилиги билан амалга оширилади. Ушбу қоида нафақат хусусийлаштирилган, шунингдек, умумий тартибда сотиладиган уй-жойда яшаган уй эгасининг оила аъзоларига, балки уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шасхларга ҳам тааллуқлидир.

б) ижарага олувчи ва у билан бирга доимий яшайдиган фуқаролар (уларнинг рўйхати ФКнинг 606-моддасида назарда тутилган тартибда белгиланади);

в) уй-жойни иккиламчи ижарага олган шахслар (улар ФКнинг 613-моддасига биноан, асосий ижара шартномаси муддати давомида уй-жойда яшаш ҳуқуқига эга бўладилар).

Давлат ва муниципал фондга тегишли уй-жой сотилган тақдирда, қуйидаги шахслар сотилган уй-жойда яшашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахслар. Уларнинг доираси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 июлдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси коммунал уй-жой фонди тўғрисида»ги низомнинг 21, 22-бандлари билан белгиланади (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1994. 6-сон. 34-м.);

б) уй-жойни иккиламчи ижарага олувчилар ижара шартномасининг муддати давомида (ФК 606, 613-моддалари).

Уй-жойни сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши билан бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномаларидан фарқ қилади. Нотариал тартибда тасдиқланмаган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган уй-жойни сотиш шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди. Шартнома рўйхатдан ўтказилган пайтидан бошлаб кучга киради (ФК 365-м.).

Кўчмас мулкни сотишни рўйхатдан ўтказиш кўчмас мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтганлигини рўйхатдан ўтказишдан фарқ қилади (ФК 481-м.). Лекин иккала ҳол ҳам, яъни кўчмас мулкни сотиш ва унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишни рўйхатга олиш битта давлат ташкилотида амалга оширилади.

X *боб.* КОРХОНАНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИ

1-§. Корхонани сотиш шартномаси, унинг шакли ва давлат рўйхатидан ўтказилиши

Корхонани сотиш шартномасига мувофиқ, сотувчи харидорга бутун корхонани мулкий мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно (ФК 489-м.).

1997 йилги ФКга биноан, корхона нафақат ҳуқуқ субъекти, балки шу билан бирга, мол-мулкларнинг мажмуаси сифатида ҳуқуқ объекти ҳам бўлиб ҳисобланади.

Ўтмишда корхона, фуқаролик муомаласида бўлмаганлиги туфайли, ФК воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг объекти бўлиб ҳисобланмаган. Эндиликда корхонанинг ўзи бутунлай ёки унинг бир қисми ёхуд қисмлари олди-сотди, гаровга қўйиш, ижарага бериш ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин (ФК 85-м.).

Агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, олди-сотди шартномасининг объекти сифатида мулкий мажмуа бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентарь, хомашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек, корхона ва унинг маҳсулоти, ишлари ҳамда хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатлар (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари)га бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар киради.

Шунинг учун корхонани сотиш шартномасида ҳам у объект сифатида кўрилади, яъни корхона шартноманинг предмети бўлиб ҳисобланади. Корхона ҳуқуқ объекти сифатида кўчмас мулк таркибига киритилганлиги сабабли, агар корхонани сотиш шартномасида ўзгача ҳол кўзда тутилмаган бўлса, корхонани сотишга кўчмас мулкни сотиш ва олди-сотди тўғрисидаги умумий қоидалар ҳам татбиқ этилади.

Агар корхона давлат тасарруфидан чиқарилаётган бўлса, бу тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Корхонани сотиш шартномасига мувофиқ, сотувчи харидорга корхонани яхлит ҳолда топшириш мажбуриятини олади.

Шу билан бирга, корхонага тегишли бўлган, баъзи ҳуқуқ объектлари (товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номи ва ҳоказо) сотиб олувчига ўтиши учун шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган ҳамда ушбу объектлар билан бўладиган муносабатларни тартибга солувчи тегишли қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Жумладан, корхонани сотишда товар белгилари ёки хизмат кўрсатиш белгилари сотиб олувчига ўтган тақдирда ҳам, ФКнинг 1033-моддасига кўра, ушбу белгиларга бўлган муаллифлик ҳуқуқи уларни яратган муаллифнинг ўзида сақланиб қолади.

Фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгилари каби объектлар сотувчини, унинг маҳсулотини, ишини, хизматини индивидуаллаштириб туради. Агар сотувчи бундай объектлардан фойдаланиш учун махсус рухсатнома олган бўлса ҳам, бундай фойдаланиш ҳуқуқи сотиб олувчига ушбу объектлар билан бирга ўтади.

Сотувчи (жумладан, мулкдор) корхонанинг баъзи фаолият турлари учун махсус рухсатнома (лицензия) олган бўлиши мумкин. Ана шундай бўлса, сотувчининг ушбу фаолият билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари корхонани сотиб олувчи шахсга ўтмайди. Чунки бундай рухсатнома олиш маъмурий-ҳуқуқий тартибда ҳал қилинади ва у корхонани сотиш шартномаси предметининг таркибий қисмига кирмайди. Бундай талабга амал қилинмаслиги, яъни рухсатномага бўлган ҳуқуқларнинг ҳам сотиб олувчига ўтказилганлиги сабабли кредиторлар ёки бошқа шахслар зарар кўрса, бундай зарарни қоплаш сотувчи ва сотиб олувчи зиммасида бўлади. Улар бунинг учун биргаликда жавоб берадилар.

Махсус рухсатнома асосида шуғулланилган фаолият натижасида вужудга келган бундай ҳуқуқлар фақат қонун ҳужжатларида рухсат берилган ҳоллардагина сотиб олувчига ўтказилиши мумкин.

Корхонани сотиш шартномасининг субъектлари сифатида жисмоний шахслар, юридик шахслар ва ҳатто давлат ҳам иштирок этиши мумкин.

Корхонани сотиб олувчи шахс тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши шарт эмас. Чунки у корхонани сотиб

олиб, уни бошқариш учун бирон тадбиркор шахсни жалб қилиши мумкин.

Сотилаётган корхона сотувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши керак. Ашёвий ҳуқуқ асосида бириктирилган корхона сотилиши учун, аввало, ушбу ашёвий ҳуқуқ қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши ва қарз мажбуриятлари тўлиқ қопланган бўлиши лозим.

Корхона сотиш шартномасининг предмети бўлиши учун у ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинган, яъни тегишли тартибда рўйхатдан ўтган бўлиши керак.

Агар сотилаётган корхона давлат рўйхатидан ўтказилмаган, яъни юридик шахс ҳуқуқини олмаган бўлса, унга нисбатан кўчмас мулкни сотиш шартномасига оид қоидалар татбиқ қилинади.

Корхонани сотиш шартномаси доимо ёзма шаклда тузилиши, тарафлар уни тегишли тарзда имзолаган бўлиши, шунингдек, у ФКнинг 491-модда 2-қисмида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда нотариал гувоҳлантирилган ва давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Ушбу шартларнинг бирортасига риоя қилинмаса, шартнома тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди ва бундай шартномага нисбатан ФКнинг 112-моддаси 2 ва 3-қисмларида назарда тутилган қоидалар татбиқ этилмайди. Яъни тарафлардан бири шартномани нотариал тасдиқлаш борасида тўла ёки қисман ҳаракат қилиб, иккинчи тараф бундай расмийлаштиришдан бош тортган тақдирда суд шартномани рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқара олмайди. Шартномани рўйхатдан ўтказишда ҳам ушбу ҳолат такрорланган тақдирда суд қарори асосида шартномани рўйхатдан ўтказиш мумкин эмас. Лекин келишувга кўра, бир тараф шартномани нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказиш борасида қисман ёки тўлиқ ҳаракат қилиб, иккинчи тараф бундан асоссиз равишда бош тортганлиги оқибатида шартномани тузиш кечиктирилган ёки шартнома умуман тузилмаган ва бунинг натижасида биринчи тараф зарар кўрган бўлса, шартномани тузишдан бош тортган тараф унга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Корхонани сотиш кимошди савдосида шартнома тузиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

ФКнинг 482-моддасига биноан, сотувчи корхона жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлса, сотиб олувчига ушбу ер участкаси мулк ҳуқуқи ёки шартномада назарда

тутилган бошқа хил ҳуқуқ асосида ўтади. Агар сотиб олувчига ўтаётган ер участкасининг майдони шартномада кўрсатилмаган бўлса, корхона жойлашган ва ундан фойдаланиш зарур бўлган ер майдони назарда тутилади.

Сотувчи корхона жойлашган ер участкасининг эгаси бўлмаса, бундай участкадан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёки шартномага зид бўлмаган ҳолда сотувчи корхонани ушбу ер участкаси эгасининг розилигисиз корхона жойлашган ер майдони билан бирга сотишга ҳақли. Бундай ҳолда харидор сотувчи ер участкасининг тегишли қисмидан фойдаланган шартлар асосида фойдаланиши керак.

2-§. Сотиладиган корхона таркибини, қийматини ва кредиторларнинг ҳуқуқларини аниқлаш

Корхонани сотиш шартномасида корхонанинг таркиби ва қиймати акс этган бўлиши лозим. Бунинг учун сотувчи ва харидор мустақил аудиторни ёки аудиторлик фирмасини жалб қилиши мумкин. Аудитор корхонанинг қиймати ва таркибини ҳисоблаб чиқиб, ўз хулосасини ёзма тарзда баён қилади.

Корхонанинг таркиби аниқланиши учун, аввало, ушбу корхона тўлиқ инвентаризация (йўқлама) қилиниши лозим. Инвентаризацияда сотувчи ва сотиб олувчининг вакиллари ҳам иштирок этадилар. Инвентаризация якунлангач, инвентаризация далолатномаси тузилади. Корхонанинг таркиби ва қиймати аниқланаётганда аудитор ўша пайтдаги бозор баҳосини инобатга олади.

Корхона сотилаётганда ушбу корхонанинг барча кредиторлари ва қарздорларининг тўлиқ рўйхати, кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг миқдори ҳамда уларнинг тўлов муддатлари акс этган рўйхат тузилади ва тарафлар уни ўрганиб чиқадилар. Шунингдек, тарафлар корхонанинг кредиторлари томонидан қўйилаётган талабларни, ушбу талабларнинг хусусиятлари ва уларни ҳал қилиш чора-тадбирларини ҳам батафсил кўриб чиқадилар. Корхонани сотиш кредиторларнинг манфаатларига зиён етказмаслиги ёки, зиён етказилган тақдирда ҳам, улар билан бу ҳақда келишувга эришилган бўлиши лозим.

Корхона сотилаётганда шартномага ўша пайтда тузилган бухгалтерия баланси илова қилинади.

Юқорида таъкидланган ҳужжатларда акс этган мол-мулклар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, агар қонун ҳужжатларида уларнинг бошқа шахсга ўтказилиши тақиқланмаган бўлса, сотиб олувчига ўтади. Шунингдек, шартномада тарафлар корхона мол-мулкининг баъзиларини сотувчида қолдиришга келишиши ҳам мумкин.

Корхонани сотиш шартномасига ФКнинг 491-моддасида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари, яна бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин. Лекин уларнинг илова қилинмаслиги шартномани ҳақиқий эмас, деб ҳисоблаш учун асос бўла олмайди.

Агар давлат корхонаси хусусийлаштириш тариқасида сотилаётган бўлса, тегишли давлат ҳужжатлари орқали алоҳида тартиб белгиланиши ҳам мумкин.

Корхона ҳуқуқ объекти бўлиши билан бирга, махсус ҳуқуқ субъекти ҳам бўлганлиги боис, у сотилгунга қадар ўз фаолиятида муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтирган бўлади, яъни баъзи мажбуриятлар бўйича қарздор, баъзилари бўйича эса кредитор сифатида майдонга чиқади.

Агар корхона сотилаётган бўлса, бу ҳақда корхона қарздорларининг эмас, балки кредиторларининг фикрлари, талаблари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки корхонанинг кредиторлари корхона сотилиши натижасида мулкий зарар кўриши мумкин. Шунинг учун ФК 492-моддасининг 1-қисмида корхона сотилгунга қадар сотувчи корхона кредиторларига бу ҳақда албатта ёзма равишда хабар бериши лозимлиги кўрсатилган бўлиб, ушбу шарт ҳам корхонани сотиш шартномасининг хусусиятларидан бири ҳисобланади. Яъни бошқа шартномалардан фарқли равишда бу ерда тарафлар шартнома тузиш тўғрисида келишувга эришган бўлса ҳам, корхонанинг лоақал битта кредитори шартномани тузишга асосли равишда норози бўлса, шартнома тузилмаслиги мумкин.

Корхонанинг сотилиши тўғрисида хабар топган кредитор бунга норози бўлган тақдирда қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли бўлади:

а) сотувчи олдидаги мажбуриятини бажаришни тўхтатишни;

б) мажбуриятни муддатидан олдин бажаришни ва зарарни қоплашни;

в) корхонани сотиш шартномасини бутунлай ёки унинг тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топишни.

Бунинг учун кредиторга:

а) агар у корхонанинг сотилиши тўғрисида билдириш хати олган бўлса, ўша кундан бошлаб 3 ой;

б) агар билдириш хати олмасдан, бу ҳақда хабар топган ёки топиши лозим бўлган бўлса, ўша пайтдан бошлаб бир йил муҳлат берилади.

Агар сотувчи кредиторларни хабардор қилмасдан ёки улардан белгиланган муддатда жавоб келишини кутмасдан корхонани сотиб юборган бўлса, сотиб олувчига ўтказилган қарз мажбуриятлари бўйича сотиб олувчи билан биргаликда жавоб беради.

3-§. Корхонанинг топширилиши ва унга эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши

Корхонани сотишда унинг сотиб олувчига топшириш пайти муҳим. Чунки корхонанинг таркибига оид мол-мулкларнинг тасодифан нобуд бўлиши учун жавобгар шахс аниқланаётганда корхонанинг топширилган пайти ҳисобга олинади.

Корхонани топшириш далолатнома асосида амалга оширилади. Топшириш далолатномасини иккала тараф (сотувчи ва сотиб олувчи) имзолаган кун корхона топширилган кун деб ҳисобланади. Топшириш далолатномасида корхонанинг таркиби, топширилаётган мол-мулклар ва уларнинг камчилиги кредиторларнинг хабардор қилинганлиги, йўқолган мол-мулкларнинг рўйхати, уларни топшириш мажбуриятининг вужудга келмаслиги ва шу каби маълумотлар акс эттирилади.

ФК 486-моддасининг 2-қисмига биноан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сотувчининг корхонани харидорга топшириш мажбурияти ушбу мулк сотиб олувчига топширилганидан ва топшириш далолатномасини тарафлар имзолаган пайтдан бошлаб бажарилган ҳисобланади ва корхона таркибида топширилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиш хавфи сотиб олувчига ўтади.

Сотувчи корхонани топширишга тайёрлаш, топшириш далолатномасини тузиш ва имзолаш учун сотиб олувчига тақдим этиш ишларини бажариши ҳамда бу борадаги ха-

ражатларни қоплаши керак. Шунингдек, шартномада бошқа ҳолат ҳам назарда тутилиши мумкин.

Корхонани сотиш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлганлиги сабабли, сотувчининг корхонага эгалик ҳуқуқи ушбу шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юзага келади. Корхонани сотиш шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Давлат корхонаси хусусийлаштириш тартибида сотилганда, бунинг учун алоҳида тартиб белгиланиши мумкин. Ушбу ҳолда сотиб олувчининг бу корхонага нисбатан эгалик ҳуқуқи давлат идораси (Давлат мулки қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари) томонидан тегишли далолатнома берилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Одатда, сотиб олувчининг корхонага мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш корхона сотиб олувчига топширилгандан сўнг амалга оширилади. Шунингдек, шартномада бошқача тартиб ҳам назарда тутилиши мумкин. ФК 494-моддасининг 3-қисмига биноан, тарафлар корхонанинг ҳақи муайян давр ичида тўлангунча ёки бошқа ҳолатлар юз бергунча топширилган корхонага бўлган мулк ҳуқуқи сотувчида сақланиб қолишига келишиб, бу хусусда шартномада қайд қилинган бўлса, сотиб олувчи мулк ҳуқуқи ўзига ўтгунга қадар корхонанинг фаолиятини таъминлаш мақсадида, унинг таркибига кирадиган мол-мулкдан зарур даражада фойдаланишга ва тасарруф этишга ҳақли.

Агар харидор, корхонанинг ҳақини келишилган муддатда тўлай олмаганлиги боис, шартномани рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, унинг корхона мол-мулкига етказган зарари ва олган даромадлари сотувчига қайтарилиши керак.

Агар бу муддат ичида харидор корхонани сақлаш ёки унинг ишлаши учун харажат қилган бўлса, ушбу харажатни сотувчи қоплаши керак.

Корхонанинг сотиб олувчига топширилиши шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўла олмайди. Корхонанинг таркибида бир нечта кўчмас мулк ва бошқа хил мол-мулклар мавжуд бўлиб, улар алоҳида сотилаётганда давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинса ҳам, корхонани сотиш шартномаси бўйича, мулкий мажмуа сифатида корхонанинг ўзини давлат рўйхатидан ўтказиш кифоя қилади.

4-§. Корхонани камчиликлари билан топшириш, шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг оқибатлари

Корхона сотиб олувчига топширилаётган пайтда унинг таркибий қисмлари бўлган мол-мулклар, одатда, тўлиқ, бут, сифатли ва ишга яроқли ҳолда бўлиши керак. Корхона топширилаётганда мазкур мол-мулклар бундай талабга жавоб бермаса, улардаги камчиликлар топшириш далолатномасида қайд қилинади.

Агар топшириш далолатномасида бундай камчиликлар қайд қилиниб, шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, сотиб олувчи корхона нархининг тегишлича камайтирилишини талаб қилишга ҳақли бўлади.

ФКнинг 493-моддасига биноан, сотувчи топшириш далолатномасига корхонанинг барча (дебиторлик ва кредиторлик) қарзларини киритиши керак. Агар у корхонанинг қарз мажбуриятларини далолатномага киритмаса ва шартномада ҳам бу ҳақда маълумот бўлмаса, шунингдек, харидор корхонанинг бундай қарз мажбуриятлари мавжудлигини билмаган бўлса, харид нархини камайтиришни талаб қилиши мумкин.

Корхонани сотиш шартномасининг предмети бўлган корхона, бошқа хил олди-сотди шартномаларининг предметидан фарқли равишда, шартномада кўрсатилгандагига нисбатан муайян камчилиги бўлса, бошқасига алмаштирилмайди. Фақат корхонанинг таркибига кирадиган мол-мулкларгина сифатлиси билан ёки худди шундай бошқа мол-мулк билан алмаштириб берилиши мумкин.

Харидор корхона мол-мулкидаги камчиликларни ёки уларнинг шартномада кўрсатилганидан кам чиққанлигини сотувчига ёзма равишда баён қилиши лозим. Сотувчи бундай хатни олгач, дарҳол камчилиги бор мол-мулкни сифатлиси билан алмаштириши ёки етишмаётган мол-мулкни харидорга бериши керак.

Агар сотувчи камчиликларни қонун ҳужжатлари ёки шартномада белгиланган шартларда, тартиб ва муддатларда бартараф қилиш чорасини кўрмаган бўлса, сотиб олувчи шартномани бир томонлама тарзда бекор қилиши ёки унга ўзгартишлар киритишни талаб қилиши мумкин.

Шартнома бекор қилинган тақдирда тарафлар сарф қилинган харажатларини суд тартибида ундириб олишга ҳақлидирлар.

Харидор корхонанинг қарз мажбуриятлари мавжудлигини ёки таркибидаги мол-мулкнинг камчилигини корхона топширилаётган пайтда билган ёки билиши лозим бўлиб, сотувчига бу ҳақда эътироз билдирмаган бўлса, у корхона топширилганидан кейин ушбу мажбуриятларнинг ва камчиликларнинг мавжудлигини рўкач қилиб, корхонанинг нархини камайтиришни талаб қила олмайди.

ФКнинг корхонани сотишга оид моддаларида корхонани сотиш шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайдиган шартлар хусусида ҳамда ушбу шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш учун белгиланган асослар тўғрисида сўз юритилади.

Шартнома ҳақиқий эмас деб тан олинган ҳолларда, бу унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва ҳатто давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, тарафлар шартнома юзасидан муайян ҳаракатларни содир эттанликларига қарамай, шартнома тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб тан олинади.

Корхонани сотиш шартномаси ҳақиқий эмас деб ҳисобланганида, ФК 114-моддасининг 2-қисмига биноан, тарафларнинг ҳар бири бошқасига шартнома бўйича олган нарсасини (корхонани ёки тўланган суммасини) қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (бу ерда корхонанинг таркибига кирувчи баъзи мол-мулк ва ҳоказолар назарда тутиляпти) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар шартноманинг ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қиймати пул билан тўланиши керак.

Ҳақиқий эмас деб ҳисобланган битим бўйича олинган нарсани қайтариш битимнинг умумий қоидаси сифатида тан олинади. Корхонани сотиш шартномасига алоқадор махсус қоидалар ҳам мавжуд. Булар ФКнинг 116-моддаси (қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги) ва 123-моддаси (алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги)да белгиланади. Бундай оқибатлар олди-сотди шартномасига нисбатан ФКнинг 422, 424, 495-моддаларида назарда тутилган.

Шартнома ўзгартирилганда, тарафларнинг шартномада белгиланган мажбуриятлари ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади. Шартнома бекор қилинганда эса тарафларнинг мажбуриятлари ҳам бекор бўлади.

Шартнома ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳолларда келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар ФКнинг 385-моддасида кўрсатилган. ФКнинг 496-моддасига биноан, олиш-сотиш шартномасининг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари ва уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қоидалар – агар бундай оқибатлар сотувчи ва сотиб олувчининг, кредиторларнинг, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини жиддий бузмаса ва ФКнинг қоидаларига зид келмаса – корхонани сотиш шартномасига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Шартномани ҳақиқий эмас деб тан олиш учун суд бунинг натижасида сотувчи ва сотиб олувчининг, кредиторлар ва бошқа шахсларнинг (масалан, истеъмолчиларнинг) ҳуқуқлари ва манфаатларига жиддий путур етказилмаслиги ҳақида ҳар томонлама асосланган хулосага келиши ва шунга кўра қарор қабул қилиши керак.

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИГА ТААЛЛУҚЛИ ВА МАЗКУР ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ҚОНУНЛАР ВА ҚОНУНОСТИ ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. IX–XII-боблар. – Т., 1992. – 17–19-б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 29-бобининг 1–8-параграфлари. – Т., 1996. – 166–191-б.

3. БМТнинг 1980 йилда Венада қабул қилинган «Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида»ги конвенцияси.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги 1993 йил 7 май қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. 5-сон. 225-м.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрь қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. 2-сон. 47-м.

6. «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги 1991 йил 15 февраль қонуни. Ўзбекистон Респуб-ликасининг ушбу қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 1993 йил 7 май қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. 6-сон. 237-м.

7. «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги 1991 йил 15 февраль қонуни. Ўзбекистон Республикасининг ушбу қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги 1993 йил 7 май қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. 6-сон. 246-м.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрь қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994. 2-сон. 51-м.

9. Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги 1995 йил 21 декабрь қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. 12-сон. 248-м.

10. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги 1996 йил 25 апрель қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. 5–6-сонлар. 56-м.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги 1996 йил 25 апрель қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. 5–6-сонлар. 55-м.

12. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрель қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. 5–6-сонлар. 59-м.

13. Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрь қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. 2-сон. 54-м.

14. Ўзбекистон Республикасининг «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги 1997 йил 24 апрель қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. 4–5-сон. 112-м.

15. Ўзбекистон Республикасининг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 1997 йил 25 апрель қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. 4–5-сон. 118-м.

16. Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги 1997 йил 30 август қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. 3-сон. 239-м.

17. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги 1998 йил 29 август қонуни //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1998. 9-сон. 170-м.

18. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 август 438-қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1994. № 8.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 5 март қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996. 3-сон.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-

қувватлаш фонди тўғрисидаги низомни ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги 1996 йил 24 май қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996. 6-сон.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинганлиги учун йиғим ундиришни жорий этиш тўғрисида»ги 1996 йил 13 август қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996. 8-сон.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги 1996 йил 14 август қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996. 8-сон.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Четдан келтирилаётган товарларнинг айрим турларига акциз солиғи жорий этиш тўғрисида»ги 1996 йил 23 сентябрь қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996. 9-сон.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Четга олиб кетилаётган товарларнинг айрим турларига акциз солиғи жорий этиш тўғрисида»ги 1996 йил 1 октябрь қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996. 10-сон.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинганлиги учун йиғим ундиришни жорий этиш тўғрисида»ги 1996 йил 13 август қарорини қисман ўзгартириш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 октябрь қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996. 10-сон.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июнь қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1997. 6-сон.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 14 июлда қабул қилган қуйидаги қарорлари: «Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг алоҳида тур-

ларини чаканалаб сотиш қоидалари»; «Умумий овқатланиш маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари»; «Чакана савдо корхоналарида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни сотиш қоидалари» //Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. – Т., 1998.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг айрим турларини чакана сотиш қоидаларига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1998 йил 2 февраль қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1998. 2-сон.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йил 4 март Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрель қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1998. 4-сон.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 27 май қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1998. 5-сон.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни рағбатлантириш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 21 август қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1999. 8-сон.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 4 сентябрь қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1999. 9-сон.

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1999 йил 19 март қарори //Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1999. 3-сон.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

1996 йил 26 апрель

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси 1996 йил, N 5-6, 59-модда)

1-модда. Ушбу Қонунда қўлланиладиган асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

истеъмолчи - фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки хусусий хўжаликда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс);

ишлаб чиқарувчи - истеъмолчига реализация қилиш учун товар ишлаб чиқарадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

ижрочи - маиший хизмат, уй-жой-коммунал, таъмирлаш-қурилиш, транспорт хизмати ва хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида шартнома бўйича истеъмолчи учун ишлар бажарадиган ёки хизматлар кўрсатадиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

сотувчи - олди-сотди шартномаси бўйича истеъмолчига товар реализация қиладиган корхона, ташкилот, муассаса ёки хусусий тадбиркор;

шартнома - товарни олиш-сотишни амалга оширишда, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишда сифат, миқдор, муддат, нарх ва бошқа шартлар тўғрисида истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги оғзаки ёки ёзма келишув;

товар - ишлаб чиқарувчи фаолиятининг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан импорт маҳсулоти;

норматив ҳужжатлар - стандартлар, уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар (қурилиш нормалари ва қоидалари, дори-дармонлар хусусидаги давлат фармакопеяси ҳамда муваққат фармакопея қоидалари ва бошқалар), тех-

ник шартлар, техник тавсифлар, рецептура ва товар (иш, хизмат) сифатига ва хавфсизлигига нисбатан белгиланган талабларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжатлар;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсизлиги - товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига ва атроф муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги;

мувофиқлик сертификати - сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

товар (иш, хизмат)нинг нуқсони - товар (иш, хизмат)нинг норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига ёхуд товар (иш, хизмат)нинг сифатига одатда қўйиладиган талабларга номувофиқлиги;

товар (иш, хизмат)нинг жиддий нуқсони - товар (иш, хизмат)дан белгиланган мақсадда фойдаланиб бўлмайдиган қилиб қўядиган ёхуд бартараф этиш учун кўп меҳнат ва вақт сарфлаш талаб қиладиган камчилик;

кафолат муддати - товардан (хизматдан) фойдаланишнинг (ойлар ҳисобидаги) норматив муддати ёки товар (хизмат)нинг муайян вазифани (неча соатда, нечта иш жараёнида, қанча километр масофани босиб ўтиб ва ҳ.к) бажариш вақти тарзида белгиланган муддати бўлиб, бу муддат ичида ишлаб чиқарувчи (ижрочи), башарти товарни ишлатиш (хизматдан фойдаланиш) қоидаларига риоя этилган бўлса, товарнинг (хизматнинг) сифатига нисбатан норматив ҳужжатларда назарда тутилган талаблар бажарилишини кафолатлайди ва таъминлайди;

хизмат муддати - товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач, товарнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;

яроқлилик (сақлаш) муддати - муайян давр бўлиб, бу даврда товар фойдаланишга яроқли бўлади ва у тамом бўлгач, товар одамлар ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавф туғдириши мумкин;

касса чеки - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқлайдиган, товар

(иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ва касса аппаратининг номери кўрсатилган ҳужжат;

товар чеки - товарнинг сотиб олинганлигини ёки иш (хизмат)нинг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи, товар (иш, хизмат)нинг баҳоси, ҳақ тўланган сана ҳамда сотувчининг номи ва жойлашган манзили ҳақидаги маълумот кўрсатилган ҳужжат.

2-м о д д а. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Қонун ҳужжатлари ушбу Қонунда белгиланган истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиши, уларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини камайтириши мумкин эмас.

3-м о д д а. Халқаро шартномалар ва битимлар

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартнома ёки битимда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қоидалари қўлланилади.

4-м о д д а. Истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари

Истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши; ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари билан савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

5-м о д д а. Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи), савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумот

Ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юридик) манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва иш тартибини истеъмолчига маълум қилиши шарт. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумот савдо ва хизмат кўрсатиш муваққат бинолар, ярмаркалар, кўчма дўконча лар орқали амалга оширилган ёки савдо ва хизмат кўрсатиш сотувчи (ижрочи)нинг доимий жойлашган манзилидан ташқарида амалга оширилган бошқа ҳолларда ҳам истеъмолчилар эътиборига етказилиши керак.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчига товарлар савдоси, маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатишнинг қоидалари тўғрисида тўлиқ маълумот бериши шарт.

6-м о д д а.Товар (иш, хизмат)лар тўғрисидаги маълумот

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

товар (иш, хизмат) мажбурий талабларига мувофиқ келиши шарт бўлган норматив ҳужжатнинг номи;

товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан ўзига хос хусусиятлари рўйхати;

баҳоси ва сотиб олиш шартлари;

айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари;

товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари;

товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нима ишлар қилиши зарурлиги, шунингдек бундай ишларни бажармаслик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ҳамда улар истеъмолчидан даъво қабул қилишга ваколат берган, шунингдек таъмирлаш ишларини бажарадиган ва техникавий хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг манзиллари;

товарларни сақлаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари.

Сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

7-м о д д а. Товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри маълумот берилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Агар товар (иш, хизмат) ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги:

зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар (иш, хизмат) сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

сотиб олинган товар (иш, хизмат)дан кўзланган мақсадда фойдалана олмасликка сабаб бўлса, истеъмолчи тегишли маълумот олинган кундан (кўпи билан уч кунлик) муддатда берилишини талаб қилишга ҳақлидир. Агар маълумот айтилган муддатда берилмаса, истеъмолчи шартномани бекор қилиб, зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир;

истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғига ёхуд мол-мулкига зарар етказилишига сабаб бўлса, у ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) олдига қонун ҳужжатларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товар (иш, хизмат)нинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

8-м о д д а. Истеъмолчининг савдо ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари соҳасида шартнома тузиш ҳамда сотиб олинаётган товар (иш, хизмат) сифатини текшириш ҳуқуқи

Истеъмолчи шартнома тузиш йўли билан товарни (иш, хизматни) эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу шартномага кўра сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) истеъмолчига муайян миқдордаги ва мақбул сифатли товарни мулк қилиб топшириш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) мажбуриятини, истеъмолчи эса, шартлашилган пулни тўлаш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Нархнома билан қўйилган товарлар ҳамда товар (иш, хизмат)лар ҳақида келувчилар эътиборига ҳавола этиладиган маълумот тегишли шартномани тузиш учун таклиф деб ҳисобланади.

Томонлар ўртасида шартнома нарсаси, миқдор, нарх ва бошқа муҳим шартлар тўғрисида келишувга эришилса, истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ўртасида шартнома тузилган деб ҳисобланади.

Тузилган заҳоти бажариладиган шартнома, қоида тариқасида, оғзаки шаклда тузилади, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно. Тузилган вақтдан бошқа пайтда (олдиндан бериладиган буюртмалар бўйича, жўнатма савдода ва бошқа ҳолларда) бажариладиган шартнома ёзма шаклда тузилади.

Истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) эса, назорат-ўлчов асбобларини, нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши, товарни ишлатиб кўрсатиши, ундан хавфсиз ва тўғри фойдаланишни ўргатиши, зарурат бўлса, товарни экспертизага юбориши шарт.

9-м о д д а. Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар

Олди-сотди шартномаларининг айрим турлари тўғрисидаги қоидалар, шунингдек айрим турдаги товарларни сотиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланади.

10-м о д д а. Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби

Товар (иш, хизмат)лар учун ҳақ тўлаш шакли ҳамда тартиби истеъмолчи билан сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Товарларни кредитга сотиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланадиган товарларни кредитга сотиш қоидалари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Олди-сотди амалга оширилганда истеъмолчига касса ёки товар чеки берилади. Товарни касса ёки товар чекини бермасдан сотиш тақиқланади.

11-м о д д а. Ишлаб чиқарувчининг (ижрочининг) кафиллик мажбуриятлари

Узоқ муддат фойдаланиладиган барча турдаги товарлар ва хизматларга ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати белгилаши лозим. Кафолат муддати товар истеъмолчига сотилган ёки хизмат кўрсатилган кундан бошлаб

ҳисобланади. Агар товар сотилган кунни аниқлашнинг имкони бўлмаса, бу муддат товар ишлаб чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) кафолат муддати мобайнида товар (хизмат)нинг, шу жумладан бутловчи буюмларнинг нормал ишлашини (қўлланилишини, улардан фойдаланилишини) таъминлаши шарт.

Бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Кафолат муддати товар (хизмат)нинг паспортида ёки товарни сотиш ёхуд хизмат кўрсатиш пайтида товар билан биргаликда истеъмолчига бериладиган бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериши шарт.

Дори-дармон, озиқ-овқат ва маиший кимё товарларида улар ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддати ҳамда сақлаш шартлари кўрсатилган бўлиши лозим. Сотувчиларнинг яроқлилик муддати кўрсатилмаган ёки бу муддати ўтиб кетган товарларни қабул қилиши ва реализация қилиши ман этилади.

12-м о д д а. Истеъмолчининг товар (иш, хизмат) хавфсиз бўлишига талаб қўйиш ҳуқуқи

Истеъмолчи ўзи сотиб олган товар (иш, хизмат) санитария-гигиена, шу жумладан радиология, эпидемияга қарши талабларга ва амалдаги бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқарилган ёки бажарилган бўлишига ва унинг ҳаёти, соғлиғи, атроф муҳит учун хавфсиз бўлишига, шунингдек унинг мол-мулкига зарар етказмаслигига кафолат берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар (иш, хизмат)нинг истеъмолчилар ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ва атроф муҳит учун хавфсиз бўлишига доир талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи) товар (иш, хизмат)нинг хизмат муддати ёки яроқлилик муддати мобайнида, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса, товар истеъмолчига сотилган (иш бажарилган) кундан эътиборан ўн йил мобайнида унинг хавфсиз бўлишини таъминлаши шарт.

Истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавф туғдирувчи товар ишлаб чиқарганлик (иш бажарганлик, хизмат кўрсатганлик) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ:

ишлаб чиқарувчи (ижрочи);

норматив ҳужжатларни тасдиқлаган орган;

мувофиқлик сертификати берган орган;

соғлиқни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш, ветеринария хизмати органлари ёки хавфли товар (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш ёхуд реализация қилишга рухсат берган бошқа органлар жавобгар бўлади.

Товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши таъминланмаганлиги оқибатида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ қопланиши лозим.

Агар товар (иш, хизмат)дан хавфсиз фойдаланиш ёки уни шу тарзда ташиш ва сақлаш учун махсус қоидаларга риоя этиш зарур бўлса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай қоидаларни ишлаб чиқиши, сотувчи (ижрочи) эса, уларни истеъмолчилар эътиборига етказиши шарт.

Агар товардан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилиш, иш (хизмат) натижалари истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи, мол-мулкига ёки атроф муҳитга зарар етказаётганлиги ёхуд зарар етказиши мумкинлиги аниқланса, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) зарар келтирувчи сабаблар бартараф этилгунга қадар уларни ишлаб чиқаришни (бажаришни, уни реализация қилишни) дарҳол тўхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш чораларини кўриши шарт.

Зарарнинг сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда, ишлаб чиқарувчи (ижрочи) бундай товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаши, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиши шарт, шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулоти сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томо-

нидан албатта утилизация қилиниши керак. Бу мажбуриятлар ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бажарилмаган тақдирда товарни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан қайтариб олиш товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаси билан амалга оширилади.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳамда атроф муҳит учун хавфли бўлган товарларнинг партияларини муомаладан чиқариш, ишларни бажаришни ва хизматлар кўрсатишни тақиқлаб қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Товарни қайтариб олиш, ишни бажаришни ва хизмат кўрсатишни тақиқлаб қўйиш муносабати билан истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Агар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) хавфли хоссаларга эга бўлган товарни қайтариб олиш юзасидан барча зарур чораларни кўрган бўлса, у истеъмолчи мазкур товардан фойдаланишни давом эттираверишн туфайли етказилган зарар учун жавобгарликдан озод қилинади.

13-м о д д а. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилганда унинг ҳуқуқлари

Нуқсонли товар сотилган истеъмолчи, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хоҳишига қараб қуйидагилардан бирини талаб қилишга ҳақли:

товарни айни шундай маркали (моделли, артикулли) мақбул сифатли товарга алмаштириб бериш;

товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш;

товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларни бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш;

харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш;

шартномани бекор қилиб, кўрилган зарарни қоплаш.

Агар нуқсонлар:

товарнинг кафолат муддати ёхуд яроқлилик муддати мобайнида;

кафолат муддати ва яроқлилик муддати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мобайнида;

кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мобайнида, агар шартномада бундан узоқроқ муддат назарда тутилмаган бўлса;

мавсумий товарлар учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган муддат мобайнида аниқланган бўлса, истеъмолчи мазкур ҳуқуқларини рўёбга чиқариши мумкин.

Истеъмолчи ўзига сотилган, тўпламлар, гарнитурлар, комплектлар ва комплексларнинг мустақил таркибий қисми бўлган ва мустақил нархга эга бўлган буюмларда нуқсонлар борлигини аниқлаган тақдирда, бутун тўплам, гарнитур, комплект ва комплексга нисбатан ҳам, уларнинг нуқсонлари бор мустақил таркибий қисмларига нисбатан ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақлидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида баён этилган талабларни истеъмолчи сотувчига қўяди.

Истеъмолчининг талаблари у касса ёки товар чекини, кафолат муддати белгиланган товарлар бўйича эса, тегишлича расмийлаштирилган техник паспорт ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатни тақдим этган тақдирда кўриб чиқилади.

Истеъмолчи техник паспортни йўқотиб қўйган тақдирда, уни қайта тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Товарда аниқланган нуқсонлар ишлаб чиқарувчи томонидан бартараф этилади. Ишлаб чиқарувчи билан сотувчининг ўзаро муносабатлари шартнома билан тартибга солинади.

14-м о д д а. Нуқсонли товарни алмаштириб бериш тартиби

Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вақти-вақти билан олиб бориладиган жойларда истеъмолчининг бундай талаби ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларнинг ўтказиб юборилган ҳар бир куни учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

15-м о д д а. Товар нуқсонларини бепул бартараф этиш тартиби

Товарда кафолат муддатида топилган нуқсонларни сотувчи истеъмолчи тегишли талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида, ишлаб чиқарувчи эса, ўн кун ичида бепул бартараф этиши лозим.

Истеъмолчи кафолат муддати тугаганидан кейин товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчига талаб қўйишга ҳақли. Бундай талаб, башарти товарда ишлаб чиқарувчининг айби билан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар аниқланган бўлса, белгиланган хизмат муддати мобайнида, агар хизмат муддати белгиланмаган бўлса, ўн йил мобайнида қўйилиши мумкин.

Узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарни таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиб туриш учун истеъмолчининг талабига биноан нуқсонли товар қайтариб берилганидан кейин уч кун ичида унга айни шундай маркали (моделли, артикулли) товар бериб турилади (сотувчининг ҳисобидан унинг ўзи ёки вакили элтиб беради). Бунинг учун ишлаб чиқарувчи сотувчи билан биргаликда шартнома асосида товарларнинг алмашув фондини назарда тутишлари шарт. Мазкур талаблар татбиқ этилмайдиган узоқ муддат давомида фойдаланиладиган товарлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгилайди.

Товардаги нуқсонларни бартараф этиш хусусида талаб қўйилган тақдирда, ундан фойдаланишнинг кафолат муддати истеъмолчининг товардан фойдалана олмаган даврга тенг муддатга узайтирилади. Мазкур муддат истеъмолчи нуқсонларни бартараф этиш талаби билан мурожаат этган кундан эътиборан ҳисоблана бошлайди.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг таъмирлашга кетадиган вақтда фойдаланиш учун шундай товарни бериб туриш ҳақидаги талабини бажариш кечиктирилган ҳар бир кун учун, шунингдек нуқсонларни бартараф этишнинг шартномадан келиб чиқадиган муддатларидан ортиқ кечиктирилган ҳар бир кун учун товар нархининг бир фоизи миқдорида истеъмолчига неустойка (пеня) тўлайди.

16-м о д д а. Истеъмолчининг нуқсонли товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи

Агар сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчининг товарни алмаштириб бериш ёки ундаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақидаги талабларини бажармаган бўлса, истеъмолчи товарнинг харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтиришни ёки шартномани бекор қилиб, етказилган зиён ва маънавий зарарни ушбу Қонуннинг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ қоплашни талаб қилишга ҳақли.

17-м о д д а. Истеъмолчига нуқсонли товар сотилган тақдирда у билан ҳисоб-китоб қилиш

Нуқсонли товар айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Нуқсонли товар бошқа маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилаётганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фарқни қўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчига нархлардаги фарқ қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қў-

йилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади.

Шартнома бекор қилинаётганда товар нархи ошган бўлса, истеъмолчи билан ҳисоб-китоб товарнинг тегишли талаб қўйилган пайтдаги қийматига қараб, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги қийматига қараб амалга оширилади.

Товар истеъмолчиларга кредитга сотилган бўлса, шартнома бекор қилинган тақдирда, пул суммаси товар қайтарилаётган пайтга қадар узилган кредит миқдорида қайтариб берилади, шунингдек кредит берганлик ҳақи тўланади.

Ҳажми катта ёки вазни беш килограммдан зиёд товарни таъмирлаш, нархини тушириш, алмаштириш учун элтиш ва истеъмолчига қайтариб келтириб бериш сотувчининг (ишлаб чиқарувчининг) кучи билан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу мажбурият бажарилмаган тақдирда товарни элтиш ва қайтариб олиб келиш истеъмолчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда истеъмолчининг товарни элтиш ва қайтариб олиб кетиш билан боғлиқ харажатларини сотувчи (ишлаб чиқарувчи) қоплаши шарт.

18-м о д д а. Истеъмолчининг мақбул сифатли товарни алмаштириб олиш ҳуқуқи

Истеъмолчи мақбул сифатли ноозиқ-овқат товарини харид қилган кунидан эътиборан ўн кун ичида ушбу товар сотиб олинган жойдаги сотувчидан уни айни шундай товарга алмаштириб олишга, бундай товар сотувда бўлмаса, пулини қайтариб олишга ҳақли.

Алмаштириб олиш тартиби ва алмаштириб берилмайдиган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайдиган қоидалар билан белгиланади.

19-м о д д а. Ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бузилган тақдирда истеъмолчининг ҳуқуқлари

Ижрочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт.

Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) муддати иш бажарилиши (хизмат кўрсатилиши) лозим бўлган санага (даврга),

шунингдек ижрочи ишни бажаришга (хизмат кўрсатишга) киришиши лозим бўлган санага (даврга) қараб белгиланиши мумкин. Агар иш бажариш, хизмат кўрсатиш шартноманинг амал қилиш муддати давомида қисмларга бўлиб-бўлиб адо этиладиган бўлса (вақтли матбуотни етказиб бериш, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар), ишлар бажариш (хизматлар кўрсатиш)нинг босқичма-босқич муддатлари (даврлари) назарда тутилиши керак.

Агар ижрочи шартномани ижро этишга ўз вақтида киришмаса ёки шартноманинг белгиланган муддатда бажарилмаслиги аён бўлиб қолса, истеъмолчи ишни бажариш, хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномадан воз кечишга ва етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Агар ижрочи шартнома шартларини иш (хизмат)ни ёмонлаштирган даражада жиддий бузган бўлса, ёхуд ишда (хизматда) бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйган бўлса, истеъмолчи ўз хоҳишига кўра нуқсонлар бепул бартараф этилишини, бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) баҳоси нуқсонларга мутаносиб равишда камайтирилишини, худди шундай сифатли шу хилдаги материалдан бошқа буюм бепул тайёрлаб берилишини ёхуд ишнинг такроран бажарилишини ёинки шартнома бекор қилиниб, кўрилган зарар тўлиқ қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчи ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқларни:

ишни (хизматни) қабул қилиб олиш вақтида ёки унинг бажарилиши жараёнида нуқсонлар аниқланган тақдирда;

кафолат муддати давомида, кафолат муддати бўлмаган тақдирда эса, иш (хизмат) қабул қилиб олинган кундан эътиборан олти ой давомида;

иморат ёки бошқа кўчмас мулкда нуқсонлар аниқланган кундан эътиборан икки йил давомида рўёбга чиқариши мумкин.

Иш бажариш (хизмат кўрсатиш) жараёнида аниқланган нуқсонларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгилаб қўйилади. Бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)даги нуқсонлар, агар шартномада бир мунча қисқароқ муддат белгиланмаган бўлса, истеъмолчи талаб қилган кундан эътиборан йигирма кун ичида ижрочи томонидан бартараф этилиши керак. Нуқсонлар белгиланган муддатда бартараф этилмаган, шунингдек иш бажаришни (хизмат кўрсатиш-

ни) бошлаш ва тугаллаш кечиктирилган тақдирда, ижрочи истеъмолчига ҳар бир кечиктирилган кун, соат (агар муддат соатларда белгиланган бўлса) учун иш (хизмат) қийматининг ёки буюртма қийматининг (агар унинг қиймати алоҳида белгиланмаган бўлса) бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчи ундириб олган неустойка (пеня) суммаси иш бажариш (хизмат кўрсатиш)нинг алоҳида тури баҳосидан ёки буюртманинг умумий баҳосидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Бажарилган ишдаги нуқсонларни бартараф этиш кечиктирилганлиги учун ижрочи тўлаган неустойка (пеня) қопланиши лозим бўлган зарар ҳисобига кирмайди.

Ижрочининг мажбуриятни умуман ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (пеня) тўлаши ва зарарни қоплаши уни мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод этмайди.

Истеъмолчидан қабул қилиб олинган ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда ёки истеъмолчининг материалидан фойдаланиб бажарилган ишда жиддий нуқсонлар бўлса ёки у бузиб бажарилган тақдирда ижрочи истеъмолчига айнан ўхшаш сифатли ашёни қайтариши (ўзининг айнан ўхшаш сифатли материалидан иш бажариши ёки хизмат кўрсатиши), бунинг имконияти бўлмаган тақдирда эса, ашёнинг (материалнинг) талаб қўйилган пайтдаги қийматини икки баравар қилиб тўлаши шарт.

Ижрочи томонидан ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун қабул қилиб олинаётган ашё (материал) қиймати шартнома тузиш пайтида томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади.

Ишда (хизматда) жиддий нуқсонлар мавжуд бўлганида ёки шартнома талаблари жиддий бузилганида, шунингдек ашё (материал) йўқолган, ишдан чиққан, унга путур етган тақдирда истеъмолчи билан ҳисоб-китоб ишнинг (хизматнинг) ёки материалнинг шартномани бекор қилиш пайтидаги ошган нархини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Сифатсиз бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар учун ижрочи ушбу Қонуннинг 20,22,27,29-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномалар бўйича истеъмолчилар билан ижрочи ўртасидаги муносабатларнинг ўз моҳиятига кўра ушбу моддага мос келмайдиган хусусиятлари, шунингдек шартномаларнинг умуман ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги туфайли келиб чиқадиган оқибатлар бундай шартномаларнинг алоҳида турлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган қоидалар билан аниқланади.

20-м о д д а. Товар (иш, хизмат)нинг нуқсонлари туфайли етказилган зарар учун мулкий жавобгарлик

Товар (иш, хизмат)нинг тузилишига, ишлаб чиқарилишига, таркибига боғлиқ бўлган ва бошқа нуқсонлари, шунингдек истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкининг хавфсизлигини таъмин эта олмайдиган материаллар, ускуналар, асбоб-анжомлар, мосламалар ёки бошқа воситалар қўлланилиши оқибатида истеъмолчининг ҳаётига, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрони) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) билан шартнома муносабатларига киришган-киришмаганидан қатъи назар, ҳар қандай истеъмолчи товар (иш, хизмат)нинг нуқсони туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Истеъмолчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар у норматив ҳужжатларда назарда тутилган товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати мобайнида, бундай муддат белгиланмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқарилган (иш, хизмат қабул қилинган) пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида юзага келган бўлса, қопланиши лозим.

Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки фойдаланиш, сақлаш ёхуд ташишнинг белгиланган қоидалари истеъмолчи томонидан бузилиши туфайли етказилганлигини исботласа, у жавобгарликдан озод қилинади.

21-м о д д а. Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган шартлари ҳақиқий эмаслиги

Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар уларни қўлланиш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга ҳақли эмас.

22-м о д д а. Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

23-м о д д а. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш

Давлат истеъмолчиларнинг товар(иш, хизмат) сотиб олиш ва ундан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя қилинишини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек судлар таъминлайдилар.

Қуйидагилар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органларидир: монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга вакил қилинган орган; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификация маркази (бундан буён матнда "Ўздавстандарт" деб юритилади); Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги; Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси-

даги қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат бошқаруви органлари.

24-м о д д а. Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун маҳаллий ҳокимият органлари:

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини ташкил этадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколати берилган давлат органлари ва истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиладилар;

истеъмолчиларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқадилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судларга мурожаат этадилар;

ўз ҳуқуқлари доирасида бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

25-м о д д а. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи органнинг ваколатлари

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи орган ва унинг маҳаллий органлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида:

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўлланиш масалалари юзасидан расмий тушунтиришлар берадилар;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини бузаётган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар;

истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат этишга ҳақлидир;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

26-м о д д а. Товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг ваколатлари

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини таъминлаш мақсадида Ўздавстандарт, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи бошқа давлат бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида:

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир мажбурий талабларни белгилайдилар ҳамда бу талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлишига ва уларнинг сифатига доир талаблар бузилишини бартараф этиш, паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш, чиқариш ва реализация қилишни тўхтатиш (ишлар бажарилишини, хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш), уларни истеъмолчилардан қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчиларга (ижрочиларга, сотувчиларга) кўрсатмалар йўллайдилар, шунингдек бу ҳақда истеъмолчиларни хабардор қиладилар;

ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)лар товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифатига доир талабларни бузганлари тақдирда уларнинг устидан судларда даъво қўзғатадилар.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати мувофиқлаштириб боради.

27-м о д д а. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли орган ва унинг маҳаллий органлари, агар ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товласа ёки ўз вақтида бажармаса, унга жарима солишга ҳақли.

Ўздавстандарт ва ушбу Қонун 26-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган давлат бошқарувининг бошқа органлари:

товарларни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаш қоидалари ишлаб чиқарувчи (ижрочи) томонидан бузилса;

ўзларининг кўрсатмаларини ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) бажаришдан бўйин товласа, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаса;

норматив ҳужжат талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, жарималар солишга ҳақлидир.

Жарима миқдори ва уни ундириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Жарима сўзсиз ундириб олинади.

Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) давлат бошқаруви органининг кўрсатмасини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд жарима солиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Ариза бериш, агар суд кўрсатмаларнинг ёки жарима солиш ҳақидаги қарорнинг ижро этилишини тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқармаган бўлса, уни судда кўриб чиқиш даврида бу ҳужжатларнинг бажарилишини тўхтатиб қўймайди.

Товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ҳақидаги талабларга жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат)лар туфайли истеъмолчиларга зарар етказилса, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

28-м о д д а. Молиявий хизматлар соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Молиявий хизматлар кўрсатадиган ижрочи ўзининг тугатилиши ёки банкрот бўлиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда истеъмолчиларнинг талабларини қондириш мақсадида ўз жавобгарлигини суғурта қилдириши шарт.

Молиявий хизматлар ижрочиси истеъмолчиға етказилган зарар учун ўзининг жавобгарлиги тўғрисида суғурта шартномаси борлиги ҳақида истеъмолчига ахборот бериши шарт.

29-м о д д а. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш

Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Даъволар, агар қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жавобгар, истеъмолчи жойлашган ердаги ёки зарар етказилган жойдаги судга тақдим этилади.

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ даъволар бўйича, шунингдек товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмолчининг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб қўзғатиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

30-м о д д а. Истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари

Истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин.

Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширувчи жамоат бирлашмаларидир.

Ўзбекистон
Республикасининг Президенти И.Каримов

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 апрель

МУНДАРИЖА

Кириш 3

I боб. Олди-сотди шартномаси.....6
1-§. Олди-сотди шартномаси, унинг белгилари ва турлари.....6
2-§. Олди-сотди шартномасининг предмети, товарнинг миқдори ва баҳоси.....11

II боб. Олди-сотди шартномасининг мазмуни.....15
1-§. Олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....15
2-§. Олди-сотди шартномаси бўйича сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....24

III боб. Олди-сотди шартномаси бузилишининг оқибатлари.....30
1-§. Шартномани бажаришдан бош тортиш ва товар миқдори, ассортименти ҳақидаги шартларни бузиш оқибатлари.....30
2-§. Товарнинг сифати, унинг кафолати ва кафолат муддатини ҳисоблаш.....36
3-§. Товарнинг яроқлилик муддати ва уни ҳисоблаш.....40
4-§. Товарнинг сифатини текшириш ва сифатсиз товарни топшириш оқибатлари.....42
5-§. Товарнинг сотувчи жавобгар бўладиган камчиликлари ва уларни аниқлаш муддатлари.....46
6-§. Товарнинг бутлиги ва бут бўлмаган товарни топшириш оқибатлари.....49
7-§. Идиш ва ўраш. Товарларни идишсиз ва (ёки) ўралмаган ҳолда топшириш оқибатлари.....51
8-§. Олди-сотди шартномаси тегишли даражада бажарилмагани ҳақида сотувчини хабардор қилиш ёки қилмаслик оқибатлари.....52

IV боб. Чакана олди-сотди шартномаси 53
1-§. Чакана олди-сотди шартномаси ҳамда уни тузиш ва бажариш тартиби.....53
2-§. Сифатли ва сифати тегишли даражада бўлмаган товарни топшириш оқибатлари.....64

V боб. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси 66
1-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси ва уни тузиш тартиби..66
2-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мазмуни ва бажарилиши.....71
3-§. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси бузилишининг оқибатлари.....83

VI б о б. Товарларни етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти 90
1-§. Давлат контракти ва уни тузиш тартиби....90
2-§. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузиш ва унинг бажарилиши....97
3-§. Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномасини тузишдан ёки бажаришдан бош тортиш оқибатлари....101

VII б о б. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш тўғрисидаги контрактация шартномаси 104
1-§. Контрактация шартномаси ва унинг тарафлари 104
2-§. Контрактация шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 107
3-§. Контрактация шартномаси бўйича мажбуриятни бажармаслик оқибатлари 109

VIII б о б. Энергия билан таъминлаш шартномаси 110
1-§. Энергия таъминоти шартномасининг мазмуни ва уни тузиш тартиби 110
2-§. Энергия таъминоти шартномасининг энергия миқдори ва сифати тўғрисидаги шартлари 115
3-§. Энергия таъминоти шартномасининг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари 117
4-§. Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари 122

IX б о б. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси 124
1-§. Кўчмас мулкни сотиш шартномаси, унинг шакли ва давлат рўйхатидан ўтказилиши 124
2-§. Кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқининг сотувчидан сотиб олувчига ўтиши....129
3-§. Кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома мавзуини ва баҳосини белгилаш 130
4-§. Кўчмас мулкни топшириш ва унинг сифатли бўлмаслиги оқибатлари....132
5-§. Кўчмас мулкнинг турларидан бири бўлган уй-жойни сотиш хусусиятлари....134

X б о б. Корхонани сотиш шартномаси 138
1-§. Корхонани сотиш шартномаси, унинг шакли ва давлат рўйхатидан ўтказилиши 138
2-§. Сотиладиган корхона таркибини, қийматини ва кредиторларнинг ҳуқуқларини аниқлаш....141

3-§. Корхонанинг топширилиши ва унга эгалик ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши..... 143
4-§. Корхонани камчиликлари билан топшириш, шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг оқибатлари..... 145
Олди-сотди шартномасига тааллуқли ва мазкур ўқув қўлланмасида фойдаланилган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари 148
Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1996 йил 26 апрель.....152

Ҳожиакбар РАҲМОНҚУЛОВ
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси,
юридик фанлари доктори, профессор

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Муҳаррир К.Мирмуҳамедов
Рассом З.Абдурасулов
Техн. муҳаррир А.Раҳимов
Компьютерда саҳифаловчи М. Ҳожиева

Босишга рухсат этилди 2.12.99 й. Когоз бичими 60x84 1/16. Босма табоғи 11. Нашриёт ҳисоб табоғи 9,0. Адади 10000 нусха. Буюртма № 4839. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги „Адолат" нашриёти, 700047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 700197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. 700083, Тошкент ш., Бунёдкор Тураси, 41.